

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

**М.Э.УМАРХЎЖАЕВ**

# **УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК**

**(ўқув қўлланма)**



АНДИЖОН - 2010

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2000 йилдаги 350-сонли «Маъруза матнларидан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига биноан «Умумий тил шунослик» бўйича маъruzalар асосида тайёрланди

Ушбу ўкув қўлланма Андижон Давлат тиллар педагогика институти Илмий Кенгаши 2007 йил 5 июндаги мажлисининг 10-рақамли баённомаси билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия қилинган.

**Қўлланма Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон номидаги Андижон Давлат тиллар педагогика институти ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишлиланади**

Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори  
проф. Фанижон Ҳошимов

Тақризчилар: филология фанлари доктори  
проф. Абдулҳай Собиров  
филология фанлари доктори,  
проф. Жамолиддин Ёқубов

## Сўзбоши

Ҳар бир фаннинг ўз тарихи, ўз тараққиёт йўллари мавжуд. Бу борада кўхна фан соҳаларидан бўлган тилшунослик фани истисно эмас.

Бўлғуси тилшунос-педагоглар ўз ихтисослиги тарихини, муаммоларини ҳамда долзарб масалаларини билишлари шарт.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қўлингиздаги қўлланма чет тиллари факультетларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, шу боисдан Ғарб тилшунослари илмий меросига кўпроқ эътибор қаратилди.

Ушбу рисола қуи курсларда ўқитилаётган «Тилшунослик асослари» фанининг кенгроқ илмий ривожи бўлиб, юқори курсларда ўқитилаётган «Умумий тилшунослик» курсига қўлланма сифатида тавсия этилади.

Қўлланмада миллий истиқлол ғоялари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да олдинга қўйилган талаблар, давлат стандартлари ва ўқув режада ажратилган соатлардан келиб чиқиб, қамраб олинган мавзуларни имконият даражасида аниқ, лўнда ва содда тилда ҳамда муҳтасар қилиб беришга ҳаракат қилинди. Қўлланманинг дастлабки мавзулари тилшуносликнинг қадимдан тортишувларга сабаб бўлиб келаётган тилнинг пайдо бўлиши, тил, тафаккур ва онг муносабатлари ҳамда тилшунослик ва филология орасидаги муносабатларга бағишланган бўлса, кейинги мавзулар муҳтасар қилиб тил, тилшунослик тарихига бағишланган.

Тилнинг ички структурасига, системасига ва етакчи олимларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларига кейинги мавзулар бағишланган. Бу борада, айниқса, тилшуносликнинг назарий асосчилари Вильхельм фон Ҳумбольдт ва Фердинанд де Соссюр ғояларига батафсилроқ тўхталдик.

Ҳар бир фан доимий ривожда, тараққиётда. Бу борада тилшунослик фани ҳам замон талабларидан келиб чиқадиган ўз муаммоларига эга. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қўлланмага алоҳида мавзу сифатида «Умумбашарий тил муаммоси ва атамалар унификацияси» деган янги бир темани киритишни лозим топдик. Булардан ташқари таржимашуносликнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда бўлғуси инглиз, немис ва француз тилидан ихтисослик олаётган талабаларнинг келажакдаги иш фаолиятларини кўзда тутиб, тилшунослик ва таржимашуносликнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган мавзуни киритдик.

Қўлланмада XX аср тилшунослиги, замонавий илмий-тадқиқот методларини тушунарли қилиб баён қилишга ҳаракат қилдик.

Қўлланмани тайёрлашда ўз меҳнати билан катта ёрдам қилган Муҳаммаджон Абдураҳимов ва қўлланмани диққат билан таҳлил қилган филология фанлари доктори, профессор Ғанижон Ҳошимов, тақризчилар - филология фанлари доктори, Андижон Давлат университети профессори Абдулҳай Собиров ҳамда Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университети профессори, филология фанлари доктори Жамолиддин Ёқубовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Кўлланма ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларни кутамиз, чунки ҳар бир фаннинг янгиланиб туриши давр тақозосидир.

Муаалиф

## **ТИЛ. ТИЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ. ТИЛШУНОСЛИК**

Тил – инсоният тараққиёти давомида табиий юзага келган ва ўз тизимида ривожланадиган ҳодиса бўлиб, у кишиларнинг фикр- мулоҳазаларини ифода килиб, мулоқот учун хизмат қиласди. Тил бир вақтнинг ўзида инсон маданиятининг буюк маҳсули ва ривожланиш имконияти ҳамдир.

Замонамиз фан-техникасининг изланишлари натижасида инсониятнинг ер юзида бир миллион йилга яқин даврдан буён истиқомат қилгани исботланмоқда. Инсоннинг инсон сифатида шаклланишида, албатта, унинг тафаккури ва нутқи асосий аҳамиятга эга бўлган. Тилни эгаллаш инсоннинг энг зарурй белгисига айланган.

Тилнинг пайдо бўлиши эса ўша қадимий даврдан буён одамзодни қизиқтириб келган ва бу ҳақда шу кунга қадар бир канча назариялар, фикрмуроҳазалар, тахминлар яратилган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, тилнинг пайдо бўлиши инсоннинг шаклланишидан, яъни «*homo sapiens*»дан бошланган. Буюк олмон тилшунос олими Вильхельм фон Ҳумбольдтнинг ёзишича «тилнинг юзага келиши инсоннинг ички эҳтиёжидан келиб чиқсан. У (яъни тил) жамиятда ташқи юзаки алоқа учунгина юзага келган эмас, балки инсон табиатида бордир. Унинг ички руҳий дунёсини ривожлантириш учун, дунёқарашини шакллантириш учун ҳам заруриятга айланган».

Ҳумбольдт ўз асарларида кўп бор таъкидлайдики, «Халқ ўзининг тилини инсонлар фаолиятининг қуроли сифатида яратади».

Физиологик нуқтаи назардан тилнинг юзага келиши ҳали бери фанда кўпчиликни қониқтирадиган даражада изоҳланмаган. Бу борада лингвистик, психологик, социологик нуқтаи назарларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар кўп. Булардан баъзи бирлари ҳакида фикр юритамиз.

**Биринчи назария** «табиий товушларга тақлид қилиш назарияси» бўлиб, бу XIX-XX асрлардан аввал қўллаб қувватланган. Бу ғояларнинг асосида «ҳали тилсиз одам табиий товушларни эшлитиб, уларга тақлид қилишга ҳаракат қилган» деган фикр ётади. Бу назарияни асослаш мақсадида кўп тилларда мавжуд бўлган тақлидий сўзлар мисол сифатида келтирилади.

Масалан: ўзбек тилида какку, хуррак, шаршара;

рус тилида: кукушка, храпеть; олмон тилида: schnarchen;

инглиз тилида shnog.

**Иккинчи назария** «Ундов назарияси» бўлиб, бу назария бўйича «ибтидоий инсон ўзининг ижобий инстинктив товушларини секин-аста табиий ундовларга айлантирган бу жараёнга эмоциялар ҳамроҳ бўлган ва секин-аста бошқа сўзлар ҳам шу йўл билан пайдо бўлган», дейилади. Бу нуқтаи назарни 18 асрда Ж.Ж.Руссо қўллаб қувватлаган. Айтиш лозимки, тиллардаги ундов сўзларнинг сони ҳатто тақлидий сўзлардан ҳам оз. Бундан ташқари, ҳамма нарсалар, сўзлар экспрессив хиссиятга боғланган эмас.

**Учинчи назария** «Мехнат қийқириқлари» назарияси бўлиб, «Тилнинг пайдо бўлиши иш фаолиятидаги қичқириқлар билан боғлиқ», дейилади.

**Тўртинчи назария** тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги сўнгги назариялардан бўлиб, у инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу нуқтаи назар бўйича, биринчидан, тил инсоннинг тик ҳолатда юришидан бошланади, иккинчидан, уларнинг жамоа-жамоа бўлиб яшашлари билан боғлиқ дейилади. Инсонларнинг бир-бирига гапириш эҳтиёжи маҳсус нутқ органларини яратди ва товушлар ҳосил қила бошлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган назариялар инсоннинг эволюцион йўл билан ривожланганлиги ҳамда тилларнинг пайдо бўлиши ижтимоий эҳтиёж натижасида юзага келганлигини ёқлади ва исботлашга ҳаракат қиласи.

Булардан ташқари тилларнинг пайдо бўлиш тўғрисида диний нуқтаи назарлар ҳам мавжуддир. Бу ғояларга асосан инсоннинг тили унинг яратилиши

билин чамбарчас боғлиқдир. Бу фикрларни ер юзидаги мавжуд барча диний таълимотлар қўллаб-қувватлайди. Фикримизнинг далили сифатида проф. А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» китобида таҳлил қилинган Абдулғозий Баҳодирхоннинг (1603-1664) «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларидағи маълумотларни бермокчимиз.

«Абдулғозий Баҳодирхон ҳам - деб ёзади проф.А. Нурмонов, ислом динининг вакили сифатида инсонинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини, дастлабки инсон тупроқдан яралганлиги ва жон ато этилганлигини баён қиласди. Одам Атодан тортиб то Нуҳ алайхиссаломгача бўлган шажара барча диний китобларда деярли бир хил берилган. Масалан:

«Шажараи тарокима»	«Ибтидо»
Одам	Адам
↓	↓
Шис	Шит
↓	↓
Ануш	Энуш
↓	↓
Кайнан	Кенан
Махлойил	Маколалил
↓	↓
Бард	Ёред
↓	↓
Ахлух (Идрис)	Хонух
↓	↓
Матушолах	Матушалах
↓	↓
Лимак	Ламак
↓	↓
Нуҳ	Нўҳ
↓	↓
Сом	Сом
Хом	Хом
Ёфас	Ёфим

Баъзи маълумотларга кўра, Нуҳ алайхиссалом катта ўғли Сомни араб ва ажам мамлакатларига, Хомни Ҳиндистон томонга, Ёфасни Туркистон томонга юборди. Ҳаммалари ўша ерларда илдиз отиб, қўпайдилар.

Нуҳ алайхиссаломнинг тўнгич ўғли Сомдан қадимги сомийлар - Арабистон, Фаластиин, Миср, Ироқ Сурия каби давлатларда яшовчи араблар, сурёнийлар, ибронийлар (яҳудийлар) шумерлар, халдейлар, форсийлар (эронийлар), афғонийлар, юононлар, лотинлар ва бошқалар вужудга келди.

Ўртанча ўғли Хомдан Африка, Ҳиндистон, Покистон давлатларида ва Америка, Австралия қитъаларида яшайдиган халқлар - қора танлилар, ҳабашлар, занжилар дунёга келдилар.

Кенжа ўғли Ёфасдан эса туркийлар, мўғуллар, японлар ҳамда Европа халқлари тарқалдилар.

Ёфас авлодлари янгидан-янги ерларни ўзлаштириб, ўрта ва Марказий Осиё, Шарқ ва Европа томонларга силжиб бора-вердилар ҳамда ўша борган

ерларида илдиз отиб, кўпайиб, турли тилларда сўзлашувчи элатларни, халқларни ташкил қилдилар.

Шундай қилиб, ҳозирги ер юзидаги барча халқ уч ака-ука -Сом, Хом ва Ёфас авлодларидан бўлиб, улар Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари, Нуҳ алайҳиссалом эса Ҳазрат Одам алайҳиссалом зурриётидирлар.

Бу масалада тўлиқроқ маълумотни Ҳасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» (Чўлпон, Тошкент, 1995), Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи Турк» (Чулпон», Тошкент, 1992) китобларидан олса бўлади.

Турк Ёфаснинг ўғли ҳисобланади ва ундан тарқалганлар турклар номи билан юритилганлиги эътироф этилади. Бундай қарашга мувофиқ, тилларнинг хилма-хил бўлиши Бобил минораси афсонасигага бориб тақалади. Дастрраб барча бир тилда (араб тилида) гаплашган. Чунки Аллоҳ Каъба тупроғидан ясалган инсон суратини Макка билан Тойиф ўртасига қўйиб жон ато қилган ва унинг тили араб тили бўлган.

Одамлар катта шаҳар ва осмонўпар минора қуришга аҳд қиласидар. Одам фарзандлари қураётган шаҳар ва минорани кўриш учун парвардигор осмондан тушдилар. Кўрадики, одамзоднинг барчаси бир тилда гаплашади, шаҳар ва минора қуришдан бошқа нарсаларни қилиш ҳам кўлидан келади. Шунинг учун ҳам уларни ер юзига тарқатиб, тилларини ҳам бир-бирини тушунмайдиган қилиб қўйиш керак экан, деган холосага келади ва шундай ҳам қиласидар. Тилларнинг аралашувига сабаб бўлиб қолган шаҳарни Бобил (аралашув) деб юритдилар. (112-113 бетлар).

Юқорида келтирилган хилма-хил фикрлардан кўриниб турибдики, инсон тилининг пайдо бўлиши, унинг ривожи ва тараққиёти ҳанузгача ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради. Шу боисдан ҳам тилларнинг биз учун хали очилмаган сир-синоатлари, мўъжизалари кўп, уларнинг маъно олами-ю, хилма-хил шакл-шамойилларини ўрганиш, нафақат тилшунослярнинг, балки барчанинг кундалик илмий-амалий эҳтиёжига айланмоғи зарур.

Тилнинг табиий юзага келганлиги ва ривожи бошқа сунъий ва формал тиллардан, яъни мантиқ тили, математика, ҳимоя тилларидан, сигналлардан, яъни Морзе алифбосидан, кўча қоидалари белгиларидан, денгиз сигналларидан катта фарқ қиласидар. Шу боисдан бўлса керак, инсон тили табиий (natural language) тил деб аталади, ҳозирда бор аниқ тилларнинг сони тахминан 2,5 мингдан 5 минггача деб айтилади.

Тиллар сони шевалар (диалектлар) ўртасидаги фарқлар ҳисобига ўзгариб туради. Шу билан бирга тилнинг умумийлиги миллатнинг ва элатнинг бирлигини белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қиласидар.

Тилнинг қўлланиш вазифаси кўпdir:

- **Тил фикр ва мулоҳазани шакллантиради.**
- **Тил кундалик мулоқотни юзага келтиради.**
- **Тил ҳар хил маросимларда иштирок этади.**
- **Тил инсоний ва ижтимоий муносабатларни тартибга солади.**
- **Тил инсоннинг атроф муҳитга муносабатини йўналтиради.**
- **Тил инсон тарихий ва маданий бойликларини сақлайди.**

**- Тил эстетик функцияларни бажаради.**

**-Тил инсон ва унинг дунёси ҳақидаги илм манбаи ҳисобланади.**

Тилнинг асосий хусусияти товуш ва маъно ўртасидаги ўзаро нисбатни, боғлиқликни аниқлаш қобилиятидир. Бу хусусият маъно планини, яъни рух билан фикр, психика, тажриба ва онгнинг боғланиш холатидан келиб чиқади.

Ҳумбольдтнинг фикрича, «Тил рухнинг тўхтовсиз маҳсули бўлиб, доимо фикрни товушлар орқали ифода қилишга интилади». Рус ёзувчisi К.И.Аксаковнинг тилга таъриф беришича, «Тил-рухлашган товуш» дир.

XX асрнинг тилшуносларидан Л.Ельмслевнинг ёзишича инсон тилдан «қурол сифатида фойдаланган. У орқали ўз фикрини, ҳиссиётини, қайфиятини ва хоҳишини, ифода фаолиятини шакллантиради».

Тил бир қурол сифатида бошқа одамларга таъсир қиласди. Бошқалар ҳам унга ўз таъсирини ўтказади.

Тилнинг товуш ва маънолари ўртасидаги боғлиқлик табиатан берилган, бирон-бир қоида, келишув ёки урф-одатларга асосланган деган фикрлар кадимги файласуфларнинг тортишувига олиб келган ва улар икки гурухга бўлинган.

Биринчи гурух тарафдорлари, бунга антик файласуф Платон ҳам киради, тилнинг табиий яратилганлигини ёқлайдилар ва тил товушларида нарсаларнинг ғоя ва образлари, шакллари бор дейдилар. Иккинчи гурух тарафдорларига Демокрит, Аристотель, ва суфистлар киради. Буларнинг фикрича тилнинг товуш ва маъноси ўртасидаги боғлиқлик сунъий ва улар бир-бирларига боғлиқ эмас. Албатта, ҳар бир тилда мавжуд бўлган тақлидий сўзлар инобатга олинмаса, масалан, биз юқорида келтирган ўзбек тилидаги какку, рус тилидаги кукушка, инглиз тилидаги сискоос, итальян тилидаги сусую, испан тилидаги, сисо, ўзбек тилидаги хуррак, немис тилидаги schnarchen, инглиз тилидаги snor ва бошқалар.

## **Тилшунослик**

Тилшунослик ёки лингвистика тил ҳақидаги фандир. Тилшуносликнинг обьекти тилнинг бутун борлиқ хусусиятлари, унинг функциялари тузилиши ва тарихий тараққиётидир. Ҳар қандай фаннинг ўз тарихи бўлганидек тилшуносликнинг ҳам ўз тарихи бор. Тарихий тараққиёт даврида тилшунослик обьекти сифатида тилнинг ҳар хил томонлари кўрсатиб келинди.

Тилшунослик тарихида асосан уч қадими макон мавжуд, булар:

**қадимги Ҳиндистон**

**қадимги Юнонистон**

**Араб мамлакатлари**

Олимларнинг таъкидлашича, тилшунослик даставвал Ҳиндистонда ривож топган. Бу тахминан эрамиздан аввалги VII-VIII асрларга тўғри келади. Биринчи ҳинд грамматисти Яскава Панини ўзидан аввал ўтган тадқиқотчиларнинг ишларидан фойдаланганлар. Ҳиндистонда тилшунослик аниқ амалий мақсад сабабли юзага келди, чунки вақтлар ўтиши билан

**қадимий ҳинд диний гимнлари - ведалар** халқ оғзаки нутқи шаклидан фарқ қила бошлаган. Шунинг учун уларга шарх, изоҳ бериш зарурияти туғилди, шу боисдан тил ҳодисаларини диққат билан ўрганишга зурурият етилди ва секин-аста чукур ривожланган тилни ўрганувчилар етишиб чиқдилар. Юқорида зикр қилинган буюк олим Панинининг ишларида ҳинд тили фонетикаси, грамматикаси, этимологияси кенг ёритилган. Айниқса унинг грамматикасида санскрит тилининг морфологияси ва товуш таркиби чукур таҳлил қилинган.

Панини грамматикаси ўзига хос тузилган. У 3996 шеър ёзиш қоидаларидан, яъни **суртдан** ташкил топган бўлиб, уларда фонетика, морфология, ҳатто синтаксис ҳодисалари ифода этилган. У ўзининг қарашларида ҳинд диалектлари ва санскрит адабий тилига эътибор берган.

Тилнинг асосий бирлиги сифатида қадимги ҳинд олимлари гапни тан олганлар, уларнинг фикрича сўз фикрни ифодалаш хусусиятига эга эмас ва гапдан ташқари мавжуд бўлмайди. Сўз туркумларини классификация қилишда қадимги ҳинд олимларида бирлик бўлмаган. Масалан, алоҳида от, феъл, предлог ва қўшимча ажратилиб, олмош, равишлар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилмайди.

Буларга қарамасдан қадимги Ҳиндистон олимлари катта ютуқларга эришганлар. Таниқли лингвист В.Томсоннинг ёзишича, «Ҳиндлар эришган тилшунослик чўққилари бебаҳодир, чунки бундай юксакликка Европа тилшунослари XIX асрларга қадар эриша олмадилар, эришилган ютуқлар ҳам ҳиндлардан ўрганилган билимлар орқалидир»

Умуман тилни тадқиқ қилишнинг бошқача йўналиши қадимий Грецияда амалга оширилди. Тил тадқиқоти муаммолари билан файласуфлар фаол шуғулланишди. Уларни қизиқтирган муҳим масалалардан бири сўз билан нарсалар ва нарсалар билан уларнинг номлари ўртасидаги муносабатdir. Бу масала файласуфларни икки гурухга бўлиб ташлади. Масаланинг моҳияти сифатида, нарсалар билан уларнинг номлари ўртасида боғлиқлик борми ёки йўқми деган муаммо келиб чиқди.

Бу баҳсада ўзига хос позицияда Гераклит, Демокрит, Платон, Эпикур ва бошқалар иштирок этишди.

Қадимги Юнонистон пойтахти ва Миср давлатининг Александрия шаҳри тилшуносликнинг юқори чўққига чиққан жойларидир. Бу ерда файласуф Платон бошлигидаги Алек-сандрия грамматистлар мактаби юзага келди. Бу мактабнинг ғоялари кўпроқ Аристарх, Кратис, Дионисий, Апполоний, Дискола ва бошқаларнинг илмий ишлари асосида шаклланди. Булар кўпроқ тилнинг товуш томонларига эътиборни кучайтирдилар. Уларнинг таълимоти бўйича сўз туркумлари саккизга бўлинади.

Қадимги ҳинд лингвистлари сингари қадимги Юнонистон тилшуносларининг изланишлари асосан бир тил атрофида олиб борилгани учунми, улар юқори натижаларга эриша олмадилар. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Европа тилшуносларининг XIX асрга қадар бу борада олиб борган илмий ишлари Юнонистон олимларининг илмий тадқиқотлари асосида юзага келди.

Араб тилшунослиги халифалик даврида ўзининг юксак чўққиларига эришди.

VII асрда араблар Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, шимолий Африка, Испания, Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатларини зabit этиб, 632 йилда катта араб халифалигига асос солдилар. Бу халифалик 1258 йилга қадар, яъни мўғуллар босқинига қадар хукмронлик қилди. (Булар ҳақида кенгроқ маълумотларни А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи», Тошкент, 2002 китобидан олиш мумкин ).

Ана шундай катта ҳудудда ислом дини кенг қулоч ёйди. Араб тили дин ва фан тилига айланди. Халифалик ҳудудида яшаган барча дин ва фан ахли, қайси ҳалқнинг вакили бўлишидан қатъий назар, ўз асарларини араб тилида ёздилар. Араб тилшунослигининг ривожига асосан муқаддас Куръони каримнинг ҳалқ тиллари билан, шевалар билан мос тушмаганлиги бир томондан сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан араб миллатига мансуб бўлмаган ҳалқларга Куръон тилини тушунарли қилиб етказиш эди. Шу боисдан бўлса керак, араб тилшунослиги ўзининг аниқлиги, равонлиги, мустақиллиги билан, фонетика, морфология, араб тили луғат бойлигининг кенг ўрганилганлиги билан ажralиб туради.

Биринчи илмий ишлар араб тилшунослиги мактаблари марказлари - Басра ва Куфа шаҳарларида ёзилган бўлса, сўнг илм маркази Бағдодга кўчган. Басра тилшунослик мактаби асосчиси Халил ибн Аҳмад ўзининг «Китобул айн», «Китобул авомил» асарларида араб грамматикаси тўғрисида муҳим фикрлар қолдирган. Ал Журжонийнинг «Ал авомиулмиъа» асарида бошқарувчи ва бошқарилувчи ҳодисалар тасниф этилган. Басра мактабининг давомчиси, Халил ибн Аҳмаднинг шогирди Усмон ибн Сибавайхий томонидан «Ал-китоб» номли асар ёзилди ва унда кўп грамматик масалаларга Куръони каримдан олинган мисоллар орқали, қадимиш шеъриятдан олинган 1000 дан ортиқ шеърлар орқали изоҳлар берилган.

Антик олимлардан фарқли ўларок, араблар товуш билан ёзувнинг бирбирига аниқ мос тушмасликларини изоҳлаб беришди. Товушлар физиологик нуқтаи назардан изоҳланиб, уларнинг қуйидаги хусусиятлари фарқлаб берилди;

- 1) овозли (унли) ёки овозсиз (ундош) товушлар.
- 2) таранглашган ёки таранглашмаган товушлар.
- 3) талаффуз пайтида тил кўтарилимаган, ўртacha кўтарилиган, қуи кўтарилиган товушлар.
- 4) очиқ ва ёпиқ товушлар.

Араб тилшунослари луғатшунослик билан ҳам шуғулланганлар Масалан, баъзи маълумотларга кўра Ал-Ферузободий исмли тилшунос 60 жилдли, баъзилар фикрича 100 жилдли луғат тузган экан.

Араб халифалиги даврида бошқа мамлакатларда яшовчи ҳалқларнинг тилларига ҳам эътибор қаратилди. Энг эътиборлиси биз учун хижрий 469, мелодий 1076-1077 йиллари Маҳмуд Кошғарий томонидан ёзилган «Туркий тиллар девони» - «Девони лугатит турк» асаридир. У тилшуносликнинг жуда кўп соҳаларида қалам тебратди. У «қиёсий-тарихий тилшуносликнинг отаси,

фонетист-фонолог, лексиколог, лексикограф, лингвогеограф, туркий тиллар сарф ва нахв илмининг асосчиси саналади» (А. Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи, 26-бет). Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти, лингвистик қарашлари, айниқса, қиёсий-тарихий тилшунослик борасида қилган илмий ишлари ҳақида тўлиқ маълумотни проф. Ҳ.Ҳасановнинг «Маҳмуд Кошғарий», Фан, Тошкент, 1963 йил, А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи», Тошкент, Ўзбекистон, 2002 й. китобларидан олиш мумкин. Шу боисдан биз фақат баъзи бир маълумотлар билан чекланамиз.

Машҳур рус турколог олими А.В.Ҳербакнинг Маҳмуд Кошғарийга берган баҳоси у шахснинг қандай буюк ишлар қилганлиги, буюк тилшунос бўлганлиги ҳақида далолат беради: «Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони»га на материалнинг ҳажми жиҳатидан, на муаллифнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирон бир асар йўқ. «Девон» нинг лугат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар, туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир маълумотлар, қабилаларнинг жойлашиш хусусиятлари, бошқа географик маълумотлар мавжуд»<sup>1</sup> Яна бир забардаст хоразмлик арабшунос олим Маҳмуд Замахшарийдир. У 467 ҳижрий, 1045 мелодий йили Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси илмли киши бўлиб, «Қуръони карим»ни ёддан билган, масжидда имомлик қилган. Онаси ҳам саводли, фозила аёллардан бўлган. Замахшарий Бухоро, Бағдод, Ҳамадон, Макка сингари дунёнинг турли шаҳарларида бўлиб, илм олди, олимлар билан учрашди.

Замахшарий ўз даврини буюк олими даражасига қўтарилиди. У тилшунослик, адабиёт, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фиқҳ ва илми қироатга оид элликдан ортиқ асарлар яратган. Улардан кўпи бизгача етиб келган.

Машҳур тарихчи Ибн-ал Кифтийнинг эътирофи этишича, у ўз асида араб тилида ижод қилган ажамийлар (араб бўлмаганлар) орасида энг буюги бўлган. Унинг миллати араб бўлмаса ҳам араб тилида буюк асарлар яратди. Шарқшунос У. Уватовнинг ёзишича араблар «агар шу кўса, чўлоқ бўлмаганда, араблар ўз тилларини билмас эдилар» - деб, унинг араб тилшунослигидаги буюк ўрнини ҳаққоний эътироф этадилар.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Абдулғозий Баҳодирхон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитратларнинг лингвистик қарашлари ҳақида батафсил маълумотни проф. А.Нурмоновнинг «Ўзбек тилшунослиги тарихи» китобидан олиш мумкин.

Антик ва классик даврдан 19-аср бошларигача тил мантиқ ва фалсафадан ажратилмай келинди ва инсон фикрини ифода этувчи восита сифатида ўрганилди. 19-асрдан бошлаб тилшунослик фан сифатида алоҳида

<sup>1</sup> Щербак А.В. Грамматический очерк язюка тюркских текстов X-XIII вв. из восточного Туркестана. М-Л, 1961, стр. 29.

ажралиб чиқа бошлади ва тилшунослик предмети сифатида ҳар хил тиллар ва уларнинг тараққиёти ўрганила бошланди.

20-асрдан бошлаб тил инсоннинг умум (универсал) ажралмас қисми сифатида ўрганила бошланди. Тилларнинг ранг-баранг-лигига, кўп образлилигига, антик-тариҳий шаклларига эътибор қаратилди.

Хозирги замон тилшунослиги иккига бўлинади.

Биринчиси - умумий тилшунослик бўлиб, тилларнинг умумий тараққиёти, тузилиши ва ривожланишини ўрганади ва ўргатади.

Иккинчиси – аниқ тилшунослик, бу йўналиш тилларнинг аниқ бир оиласини ёки гурухини, яъни бирон-бир аниқ тилни ўрганади ва ўргатади. Масалан, герман тиллари тилшунослиги, рус тилшунослиги, туркий тиллар тилшунослиги ва бошқалар.

Сўнгти пайтларда умумий ва аниқ тилшунослик оралиғида янги йўналиш юзага келмоқда. Бу йўналиш тилларнинг умумий хусусиятларини ва тил типларини ўрганмоқда ва бу фан йўналиши «Типология» деб аталмоқда.

XX асрнинг 20-йилларида «Ареал лингвистика» юзага келди. Бу фан бир территорияда тарқалган тилларни, қариндош эмаслигидан қатъий назар, бирга ўрганади.

Замонамиз тилшунослиги кейинги икки аср мобайнида тилнинг анъанавий бўлган соҳаларни ўрганмокда. Булар қўйидагилардир:

1. Тилнинг ички қурилишини ўрганувчи соҳалар. Бу йўналиш **«ички тилшунослик»** деб ҳам юритилади.

Бунга қўйидагилар киради:

- А) фонетика ва фонология
- Б) грамматика (морфология ва синтаксис)
- В) лексикология ва фразеология
- Г) семантика
- Е) стилистика
- Ж) типология

2. Тилнинг диахроник ва синхроник хусусиятларини ўрганувчи соҳалар:

- А) тил тарихи
- Б) тарихий грамматика
- В) тарихий-қиёсий грамматика
- Г) адабий тил тарихи
- Д) этимология

3. Тилнинг жамиятда қўлланиши, фаолияти ҳақидаги соҳалар ёки «Ташқи лингвистика»:

- А) диалектология
- Б) лингвистик география
- В) ареал лингвистика

Г) социолингвистика

4. Фанлараро ёки фанлар оралиғида юзага келган соҳалар:

А) психолингвистика

Б) математик лингвистика

В) компьютер лингвистикаси

Г) инженерлик лингвистикаси

5. Амалий лингвистика:

А) экспериментал фонетика

Б) лексикография

В) лингвостатистика

Г) палеография

Д) ёзув тарихи

Ж) лингвистик дешифровка ва бошқалар тилшунослик бўлимлари бўлиб, бу ажратишлар, албатта, нисбий, шартли, чунки кўрсатилган фан соҳалари бир-бирлари билан жуда ҳам яқин боғлиқдир.

## ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Тилшуносликнинг қадимиј даври юқорида таъкидлаганимиз-дек, қадимги Юноистон ва Ҳинди斯顿дан бошланади. У даврда тилшунослик асосан мантиқ йўналишига қурилган бўлиб, тил мантиқнинг ёрдамчи воситаси сифатида ўрганилган. Тил фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи қурол сифатида кўрилган. Европа фанида биринчи бор тилшуносликка бағишланган асар Платоннинг «Диалог»идир (эрамиздан аввалги 428 ёки 427 йиллар). У ўзининг «Кратил ёки номларнинг тўғрилиги» асарида Кратил, Гермоген ва Сукрот билан баҳслашиб, тилдаги энг муҳим нарса унда мувофиқлик, гармония мавжудлигидир, деб айтади. Аристотелнинг (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар) «Категория», «Топика» номли асарларида тил – мантиқ концепцияси яратилди. Унинг машхур «Ўн категорияси», яъни моҳият, сон, сифат, муносабат ва бошқалар қадимиј грек тилидаги содда гапда учрайдиган кесим шаклларининг қатъий боғлиқлик номларидир. Аристотелнинг асосий мулоҳазаси ифодада «от - субъект, от - предикат» масаласи бўлиб, «Одам чопаётир», яъни «Одам бу чопувчи (югурувчи) нарса». У бошқа ифодалар асосий ифоданинг трансформацияси (ривожланиши)дир деб қарайди. Аристотель қадимиј мутафаккирлардан биринчи бўлиб тилнинг грамматик формаларига эътибор берди ва сўз туркумлари тўғрисидаги ғояни ривожлантирди.

Қадимги ҳинд грамматисти Панини (эрамиздан аввалги 5-4 асрлар) Платон ва Аристотеллардан фарқли ўлароқ тилни ўз ҳолида қандай бўлса шундай, асосан формал томонидан ўрганди. Унинг норматив грамматикаси «Аштадхъян», яъни «Саккиз китоб», қадимги ҳинд тилининг тўлиқ фонетикаси, морфологияси, сўз ясалиши ва синтаксис элементлари

тафсилотини беради. Панини биринчи бўлиб тилшуносликка асосий шакл, ўзак тушунчаларини киритди, сўз ясаш (туғилиш), морфология, бошланғич элемент тушунчаларини тавсифлади. У биринчилардан бўлиб тилни символик тил орқали изоҳлаш қоидасини киритди. Унинг қадимий бой ҳинд анъаналарига асосланган асарлари келгуси ҳинд тилшунослик мактабларининг юзага келишига катта таъсир кўрсатди.

Ўрта асрга келиб Европада ҳамма илмий соҳалардаги каби тилшуносликда ҳам турғунлик юзага келди. Кўпроқ қизиқиш лотин тилига қаратилган эди. Чунки ўша даврда лотин тили тилшуносликда хукмронлик қилди, десак муболага бўлмайди.

У ҳамма ерда ўқитилар ва ўрганилар, дунёвий ва диний илмлар лотин тилида олиб борилар эди. Шу сабабли лотин тили ҳар томонлама тадқиқ қилинди. Кўпроқ лотин тилининг ёзув томони ўрганилди, у ўлик тил бўлғанлиги сабабли, оғзаки нутқ томони, яъни товуш томони ўрганилмади.

Булардан ташқари, лотин тили грамматикаси автоматик тарзда бошқа тиллар грамматик нормаларига кўчириб ўрганилди ва ўзга тилларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмади.

XVII асрга келиб тилшуносликда анча тил материаллари тўпланиб қолди ва кўп тилли лугатлар тузиш даври юзага келди. Булардан бири рус саёҳатчиси П.С.Паласнинг 1786-1791 йиллари тузилган тўрт жилдли, 276 тилни ўз ичига олган лугатидир. Бу лугатга ҳатто баъзи бир Африка, Америка тиллари ҳам кири-тилган.

Испан монахи Лоренцо Эрвас-и Пандура аввал итальян, сўнг испан тилида ўзининг машҳур тиллар каталогини, уларнинг бўлиниши, классификацияси, шевалари ҳақидаги (1800-1804 йиллар) асарини чоп этди. У 300 га яқин тиллар ҳақида маълумот ва 40 тилнинг грамматикасига тавсиф берди.

Миллатнинг шаклланиши ёзувли тилларнинг мустаҳкамланишига олиб борди. Ёзув тилининг ривожи Италияда, Францияда, Германияда ва Россияда норматив грамматиканинг тузилишини тақозо этди. Ўша даврда П.Раменинг (1552) «Француз тили грамматикаси», И.Уоллиснинг (1653) «Инглиз тили грамматикаси», Лаврентий Зизаниянинг (1656)«Словенска грамматика»си ва бошқалар юзага келди.

Машҳур рус олими М.В.Ломоносовнинг «Россия грамматикаси», аслида биринчи академик рус грамматикаси эди. (1757). Ломоносов ўз асарида рус тили фонетикаси, орфографияси, сўз ясалиши, сўз ўзгариши, синтаксис ва бошқа кўп масалаларни таҳлил қилди. У 1789-1794 йилларда кўп томли рус тили академик лугати - биринчи изоҳли рус лугатини чоп этди.

Тилшуносликда хукм сурган мантиқий йўналиш 17-асрнинг 1660 йилида Франциянинг Пор-Роял монастирида чоп этилган «Пор-Роял грамматикаси»да ўз ниҳоясини топди ва бу гоя 19-асрга қадар давр сурди.

Қадимги олимлар она тилларини, яъни қадимий грек, ҳинд тилларини шаклидан келиб чиқиб ўрганган бўлса, Пор-Роял таълимоти тилнинг мантиқий шаклидан келиб чиқиб тушунча, мулохаза ва тўққизта сўз туркумини ҳамма тилларнинг универсал шакллари деб таъкидлайдилар. Бу билан тил инсон учун универсал ҳодиса эканлигини аниқлаш сари мухим

қадам қўйилган, тилнинг тарихий, миллий хусусиятлари эса фан соҳаси ҳисобланмай, балки объекти, «грамматик» ва «стилистика» санъатдир, дейилади. Пор-Роял таълимоти келгуси универсал грамматика йўналишига асос бўлиб хизмат қилди.

### Қиёсий-тарихий тишуносликнинг пайдо бўлиши

XIX асрнинг бошларига келиб тилшуносликда янги бир йўна-лиш, изланиш шаклана бошлади. Бу йўналишнинг номи **«қиёсий-тарихий тишунослик»** деб аталади. Бу йўналишнинг туғилиши ва оёққа туришига узоқ изланишлар сабаб бўлди. Биринчи бўлиб XVI асрда яшаган италиялик саёҳ ва олим Ф.Сосетти ўзининг Ҳиндистонга қилган сафарида қадимги ҳинд тили - санскрит билан итальян тилидаги сўзларнинг ажойиб ўхшашликлари, келиб чиқишида бир хиллик борлиги ҳакида ёzádi. Масалан, у рус тилидаги мама, олмон тилидаги Mutter, инглиз тилидаги mother, ёки брат, Bruder, brother, тожик тилидаги биродар, духтар, Tochter ва бошқа шунга ўхшаш қариндош-уругчиликни ифодаловчи сўзларни кўзда тутган бўлса керак. XVIII аср охирларида инглиз шарқшунос олими, юрист У. Джонснинг фаолияти туфайли Бенгалияда «Осиё жамияти» ташкил қилиниб, у кейинчалик «Осиё изланишлари» асарини ёзди. Бу вақтда санскритни ўрганишга эътибор кучайди. Олмон олими Ф.Шлегельнинг ҳинд маданияти ва тилига қизиқиши туфайли «Ҳинд тили ва ҳиндларнинг донолиги» асари пайдо бўлди, унда санскрит тилининг лотин, грек, форс, герман тилларидағи ўзак сўзлар билан яқинлигига эътибор қаратилди. Бундан ташқари бу тилларнинг грамматик струк-турасида ҳам яқинлик мавжудлиги эътироф этилди.

Яна бир олмон олими Франц Боппнинг назарий қарашлари 1833-1852 йиллари эълон қилинган уч жилдлик «Санскрит, зенд, арман, грек, лотин, литва, эски славян, гот ва олмон тилларининг қиёсий грамматикаси» асарида аниқ ифодаланган. Бопп ўз асарларида кўпроқ тилларнинг грамматик шакларини солиштириш орқали тилларнинг «қадимги ҳолатини» аниқлаш мумкин дейди. Бу борада у кўпроқ санскрит тилига таянади, бу тилга асосланади.

1818 йили эълон қилинган «Қадимги шимол тили ёки исланд тилининг пайдо бўлиши ҳақидаги изланишлар» асарида **Даниялик олим Расмус Раск** (1787-1832) ўзининг илмий қарашларини баён қилди. У кўпроқ скандинавия тилларининг қариндошлигини ўрганди ва уларнинг ҳинд тиллари оиласидан эканлигига эътибор берди.

Расмус Раскдан роппа-роса икки йилдан сўнг, яъни 1820 йили **рус олими А.Х.Востоков**нинг «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» асари эълон қилинди. Бу асарнинг аҳамиятли жихати шундаки, унда жуда кенг ва кўп миқдорда тил материаллари жалб этилган ва тилларни ўрганишда ўзига хос қиёсий солиштирма методлар қўлланилган. **Олмон филологи Я.Гrimm 1819 йили** ўзининг «Олмон тили грамматикаси» асарида қариндош тилларни ўрганишда

тариҳий йўналишни қўллади. Шу йўл билан барча герман тилларининг грамматик формалари, тариҳий тараққиёт жараёни ўрганилди.

Шундай қилиб, **қиёсий-тариҳий тилшунослик қўйидаги принципларга асосланди:**

- 1) Ҳар бир тил бошқа тиллардан фарқли ўлароқ ўз хусусиятига эгадир.
- 2) Бу фарқлар қиёслашда намоён бўлади.
- 3) Қиёслаш орқали кўплаб тиллар оиласларга гурухлаш-тирилади.
- 4) Қариндош, оиладош тиллар ўртасидаги фарқлар тўхтовсиз тариҳий ўзгаришлар орқали асосланиши, тушунтирилиши мумкин, дарвоҷе тариҳий ўзгариш ҳар бир тилнинг зарурий хусусиятларидандир.
- 5) Тил товушлари бошқа элементлардан кўра кўпроқ ўзгарувчан бўлади ва уларнинг бир оила ичидағи ўзгарувчанлиги, сўзнинг ўзаги, флексия ва аффикслар баъзан минг йиллар давомида ўзгармай, турғун бўлади. Булар асосида бошланғич тилнинг шакли-шамойили қайта тикланиши мумкин. Олимлар томонидан ҳатто ҳинд-европа «Бобо тилини» тўлиқ тиклаш ҳам мумкин дейилади.

Қиёсий тариҳий тилшуносликнинг Европадаги дастлабки ғоялари Дания тилшуноси Расмуск Раск (1818), олмон лингвисти Франц Бопп (1816) хамда россиялик олим А.Востоковлар томонидан илгари сурилганлигини юқорида кўрдик. Улар қиёсий-тариҳий нуқтаи назардан грамматикани, лексикани, ҳатто рус тилидаги шеър ёзиш услубларини ўргандилар. XIX асрда Якоб Гримм томонидан олмон тилининг қиёсий-тариҳий грамматикаси, Ф.Диц, В.Майер-Любке томонидан роман тиллар грамматикаси, славян тиллар грамматикаси Ф.Миклошич томонидан яратилди. Ф.Бопп, А.Шлайхер, К.Бругман, Б.Дельбрюк, А.Мейе, Ф.Фортунатов, Т.Хиртлар томонидан умумлаштирувчи асосий назарий изланишлар чоп этилди.

Умумий тилшунослик назарияси бўйича қиёсий-тариҳий йўналиш кейинчалик катта, мураккаб эволюцияга учради. У фақат соф тилларни солиштиришдан (Раск, Бопп, Гримм, Востоков) бошланиб, Ч.Дарвин, яъни «биологик натурализм» таъсирида ҳатто кейинчалик Г.Штайнталь психологиязми билан боғланиб кетди. Ҳозирги даврда тариҳий-қиёсий лингвистика ўзига тиллар типологиясини ва маданият тарихини жалб этиб, анча муваф-фақиятли изланишлар олиб бормоқда. Масалан, АҚШда К.Уоткинс, У.Леман, Э.Полома, Францияда Ф.Бадер, Т.Гамкрелидзе Грузияда, Г.Джуауқян Арменияда, В.Иванов, О.Н.Трубачев, В.Н.Топорова каби олимлар Россияда шундай изланишлари олиб бордилар.

**Тилшунослик фалсафасининг яратилиши.  
Вильхельм фон Хумбольдт назарияси**

1767-1835 йиллари яшаб ижод этган, ҳар томонлама етук давлат арбоби, Берлин университетининг ташкилотчиси, олмон тилшунослиги, давлатшунослик ва умумий тилшунослик билан шуғулланган Вильхельм фон Хумбольдт қиёсий-тариҳий ва типологик тилшуносликнинг

фалсафасига асос солди. Унинг тилшуносликдаги асосий изланиши «Ява оролидаги кави тили ҳақида» асаридир. Бу асарнинг «Инсон тилларининг қурилишидаги фарқлар ва уларнинг инсон наслининг руҳий ривожланишига таъсири» деб аталган сўз бошисида Хумбольдтнинг тилшуносликдаги асосий қарашлари ифодаланган. Хумбольдтнинг фикрича, тилшунослик ўз фалсафасига, яъни тил фалсафасига эга бўлиши керак. Бу фалсафа кўп тилларни таҳлил қилиш орқали пухта фундаментга эга бўлиши керак. Шу боисдан у тилга кандайдир механик, статик нуқтаи назардан қарашларга қаттиқ қарши турди. Унинг фикрича «тил тугалланган ҳодиса – **эргон** эмас, балки доимий харакатдаги, фаолиятдаги ҳодиса – **энергон**» дир.

Хумбольдт фалсафаси бўйича мантиқ билан тилнинг узвий боғлиқлиги инкор этилади, инсон тилларининг бирлиги психика қонунларининг бирлиги орқали асосланади, тилларнинг ранг-бараанглилиги эса халқларнинг ўзига хос психологияга эга эканлиги билан изоҳланади.

Хумбольдтнинг асарлари умумий тилшунослик фанига асос солиб берди. Унинг лингвистик қарашлари 1820 йили Берлин академиясида қилган бир қатор илмий докладларида ўз ифодасини топган ва унинг программасига айланган. Ўзининг «Ҳарфли ёзув ва унинг тил қурилиши билан боғлиқлиги» (1824), «Ёзувнинг тил билан боғлиқлиги ҳақида» (1836) ва биз юқорида таъкидлаган «Ява оролидаги кави тили ҳақида» (1836-1840) ва бир қатор бошқа асарларида Хумбольдт аниқ текширувлар ва фактларга асосланган.

Хумбольдт «Қиёсий антропология» яратиш ғоясини илгари суради ва бу ғоянинг амалга ошишида тил назарияси дунёning барча ранг-бараанглигини ва «инсоннинг сирли дунёсини ва халқларнинг характеристини очишида» асосий тадқиқот қуроли сифатида зарурлигини таъкидлайди. Хумбольдт ўзининг «Грамматик формаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фикрлар ривожига таъсири» асарида санскрит устида олиб борган ишини умумлаштириди. «Грамматик формалар табиати ва хитой тили руҳи ҳақида» номли асарида биринчи маротаба Хумбольдтнинг тилнинг пайдо бўлиши, ривожи ва моҳияти тўғрисидаги фикрлари шаклланган.

1820-31 йиллари Хумбольдт тилларни ўрганишнинг кенг қамровли режасини тузади. У Суматрадан Пасхи оролларигача ва Янги Зелландиядан Сандвич оролларигача тарқалган тилларни ўрганишга киришади. Унинг фикрича Малайя-Полинезия тиллари хинд ва америкаликлар тиллари орасидаги кўприк вазифасини бажаради. Бундай фикрга Хумбольдт Полинезиянинг ўлик тили- кавини ўрганиш орқали келди. У тил илмий ва шеърий тил эди. Тилнинг моҳиятини тушунтиришда Хумбольдт асосан умуминсон руҳи ғоясидан келиб чиқади. У «Халқ руҳи намоён бўлишининг шакли бу миллатнинг тилидир», деб уқтиради.

Руҳ тушунчаси ўша вақт фалсафасида барча руҳий ва илмий бойликлар, халқ фикри ва хиссияти, маданияти, ўзига хос хусусияти ва маънавий ўзига хослигининг асоси ҳисобланар эди.

Хумбольдтнинг «халқ руҳи» ҳақидаги таълимоти Ҳегельнинг абсолют ғоя ва ўзини ўзи ривожлантириш назариясини бошқача талқин қилиш эди. У

абсолют руҳнинг мавжудлигидан келиб чикиб, унинг тилда ва маданиятда намоён бўлишини таъкидлайди.

«Тилда нимаики мавжуд бўлса - бу абсолют руҳ орқали пайдо бўлган, тилларнинг ҳар хиллиги бу фақат товуш ва белгилар ҳар хиллиги эмас, бу дунёқарашнинг ҳар хиллигидадир», -дейди Ҳумбольдт. У ёзади: «Ҳалқнинг руҳий (маънавий) ўзига хослиги ва тилнинг курилиши шундай бир-бирига чуқур киришиб кетганки, тез орада уларни битта ҳодиса деб тан олинади, хатто уларни бир-бирлари орқали ажратиб олиш ҳам мумкин. Онгли фаолият ва тил ўзларини қониқтирадиган шаклларни яратадилар. Тил худди халқ руҳининг ташқи кўринишидир, халқ тили унинг руҳидир, халқ руҳи эса унинг тилидир. Бундай бир бутунликни бошқа нарсаларда кўриш қийин. Тил руҳнинг доимий фаолиятидир, товушни тўхтовсиз фикр ифодасига айлантирувчидир».

Олимнинг фикрича, тил орқали халқ характерини ҳам англаб олиш мумкин. Миллий, руҳий ҳусусияти орқали тилнинг ўзига хослиги ҳам аниқлаб олиниши мумкин.

У тил миллий ҳусусиятларининг тарихий шаклланиш ёки тараққиёт билан боғланганлигини тан олмайди, балки қандайдир руҳий боғланиш, бизнинг онгимизга маълум бўлмаган абсолют ғоя билан боғлиқлик борлигини таъкидлайди.

Ҳумбольдтнинг машҳур антиномияларидан «турғунлик ва ўзгарувчанлик» антиномиясига кўра тилда ҳамма нарса ўзгарувчан, тил тўхтовсиз ўзгариб турари ва бир вақтнинг ўзида у турғун, унинг фикрича, тил тўхтовсиз ижодий жараён, тил ўлиқ нарса эмас, тўхтовсиз фаолиятдир.

«Ижтимоийлик ва индивидуаллик» антиномияси борасида Ҳумбольдт ёзади: «Тил халқнинг ижоди ва бир вақтнинг ўзида у якка шахснинг ҳам ижоди. Шунинг учун тил бир шахс тилида гапирилади ва унинг тилида яшайди. Бу нуқтаи назардан тил шахслар маҳсулидир».

Бу антиномия билан кейинги «тил ва нутқ» антиномияси боғлиқ бўлиб, тилшуносликда Ҳумбольдт бу масалани илк бор асослаб берди ва уларнинг илмий изланиш обьектлари ажратиб кўрсатилди.

### **Тилшуносликда натуралистик оқим**

Бу йўналиш машҳур олмон тилшунос олими Август Шлайхер (1821-1868) номи билан боғлиқ. У ўз илмий ишларини қиёсий грамматикадан бошлаган, аниқроғи балтико-славян тилларини қиёсий ўргангандан. 1852 йили «Черков славян тиллари морфологияси» (1857), «Литва тилини ўрганиш учун қўлланма» рисолаларини ёзган.

1861 йил Август Шлайхер ўзининг жуда катта лингвистик материалларни тартибга солган машҳур «Ҳинд-Европа тиллари қиёсий грамматикаси» асарини эълон қилди. Бу асар тилшуносликнинг кейинги бутун тараққиётига катта таъсир ўтказди.

Олим натуралистик йўналишда ёзилган «Дарвин назарияси-нинг тилшуносликда қўлланиши» (1863), «Тилнинг инсон табиий тарихидаги

аҳамияти» (1865) асарларида тилни табиий организмлар қаторига қўшади. «Тилнинг ҳаёти,-дейди А.Шлайхер,-бошқа жонли организмлардан, ўсимлик дунёсидан, ҳайвонлардан фарқ қилмайди- уларга ўхшаб тилнинг оддий структурадан мураккаб формаларга ўсиш даври бўлади, қариш даври бўлади, бунда у ўзининг яхши ривожидан чекинади ва шаклларини йўқота бошлайди». Шу боисдан бўлса керак, олим тилни икки даврга бўлиб ўрганишни тавсия этади: тилнинг тараққий этган даври (тариҳий даврга қадар даври) ва тил шаклларининг (формаларининг) бўлиниш (тариҳий) даври.

Шлайхер морфологик жиҳатдан дунё тилларини уч типга ажратган: флексив тиллар, агглютинатив тиллар, ўзак тиллар. Олим натуралистик оқим тамойилларидан келиб чиққан ҳолда тилларни тавсиф қиласр экан, ўзак тилларни соғ кристаллга ўхшатади, бу -тиллар тил ривожининг энг соғ, бошланғич шакли, тиллар ривожланиш жараёнида аввал агглютинативлик шаклига, сўнг флексивлик шаклига ўсиб ўтади, деган фикрни таъкидлайди.

Август Шлайхер ҳинд-европа тиллари оиласи шажарасини яратди. Шажаранинг марказида ҳинд-европа Бобо тили – санскрит туради. Бобо тил назарияси ҳозирги давргача долзарб муаммо бўлиб, шу кунларгача ўз ечимини топгани йўқ.

А. Шлайхер тилнинг тафаккур билан боғлиқлигига катта эътибор қаратади. «Тил фикрни товуш орқали ифодалайди», -дейди у.

У биринчилардан бўлиб тилнинг тараққиёт қонунларини яратди. Унинг фикрича, тилшунослик тил тараққиёти қонунлари билан шуғулланиши ва уларни тадқиқ қилиши зарур.

Бу йўналишда яна 1840 йили Мориц Раппенинг «Тил физиологияси», «Қиёсий грамматика табиий фан сифатида (1852) ва 1875 йили В.Уитнининг «Тилнинг ҳаёти ва ривожи» рисолалари чоп этилди.

### **Тилшуносликда психологик оқим**

Тилшуносликка психологик йўналишни олиб кирган, ушбу йўналишнинг кўзга кўринган вакилларидан бири, Ҳумбольдт назариясининг тарафдори - тилшунос олим, назариётчи Ҳайманн Штайнтальдир (1823-1899). У тилшуносликда системалаштирувчи ва назариётчи сифатида машҳурдир. Унинг машҳур асарларидан «Грамматика, логика, психология ва улар орасидаги муносабат ва принциплар» (1855), «Психология ва тилшуносликка кириш» ишлари маълум.

Штайнталь ўз ишларида кўпроқ В. фон Ҳумбольдтнинг тиллар типологик классификациясини тарғибот қиласр. Масалан, 1888 йили ёзилган «Тилнинг пайдо бўлиши», «Тил фалсафасида Ҳумбольдтнинг ўрни» асарлари бунга мисол бўла олади.

Штайнтальнинг таъкидлашича, «тилшуносликнинг предмети фақат тил бўлиши керак, у онгли равишда ички руҳий ҳаракатни, ҳолат ва муносабатни артикуляция ва товушлар орқали ифодаловчидир». Шу боисдан Штайнталь концепциясида асосий нарса индивид нутқи ва индивид тафаккури

муносабатларидир. Унинг диққат марказида шахс нутқи ётади, у психик ҳодиса сифатида талқин қилинади. Бу нүктаи назар Йоҳанн Фридрих Ҳербартнинг ассоциатив психологиясига асосланган бўлиб, унда инсоннинг барча фаолиятлари ассимиляцияга, яъни «бир хил ёки яқин таассуротларнинг бирлашуви ҳамда ассоциация»га, яъни «таассуротлар орасидаги баъзи бир боғлиқларни тиклаш, аниқлаш»га асосланади. Ушбу қонунларга асосланиб Штайнталь индивидда тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожини кўради.

Ушбу индивидни ўрганиш йўли орқали Штайнталь баъзи бир миллатлар, сиёсий, ижтимоий ва диний уюшмалар вакиллари руҳий (маънавий) ҳаёти қонуниятларини ўрганмоқчи бўлди. Бу билан у тил типининг тафаккур типи билан, маънавий ва маданий ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни аниқламоқчи бўлди.

Психологик оқимнинг йирик вакилларидан бири рус тилшуноси А.А.Потебнядир. У ўз илмий фаолиятининг дастлабки даврларида В.Хумбольдт ва Г.Штайнталь ғоялари таъсирида бўлиб, умумий тилшуносликнинг айрим масалаларини ёритишда субъектив идеалистик позицияда бўлган. Шунга қарамасдан А.А.Потебнянинг жуда кўп фикрлари ҳали ҳозиргача ўз қимма-тини йўқотмаган.

А.А.Потебня сўзнинг маъноси масаласига алоҳида аҳамият берган. Гап сўзнинг маъно томони ҳақида борганда, у уч нарсани ажратади:

- 1) полисемия, яъни сўзнинг кўп маънолилигини инкор қилиш
- 2) сўзнинг яқин ва узок маъноларини фарқлаш
- 3) сўзнинг ички формаси масаласини янгитдан ёритиш

Ўтган асрда ҳам, ҳозирги замон тилшунослигига ҳам кенг тарқалган фикрга кўра, сўзлар кўп маъноли бўлиши мумкин. Полисемия (кўп маънолилик) деганда, аввало, сўзнинг бир вақтнинг ўзида бир-бирига боғланган бир неча маънога эга бўлиш хусусияти тушунилади. Масалан, рус тилидаги «земля» сўзининг 6 маъноси бор:

- 1.Планета
- 2.Суша
- 3.Верхний слой коры нашей планеты
- 4.Почва
- 5.Страна
- 6.Территория с угодьями, находящаяся в чьём-либо владении.

А.А.Потебнянинг фикрига кўра, сўзга бундай нүктаи назардан қараш нотўғридир. Чунки сўзнинг бир вақтнинг ўзида бир неча маънога эга бўлиши мумкин бўлмайди, сўзга фақатгина алоҳида, контекстдан ташқари, нутқий вазиятдан ташқари қараганда у кўп маънога эга бўлиши мумкин. Шунинг учун сўз маъносини луғат бўйича эмас, балки нутқимизда ишлатилишига қараб текшириш керак, дейди А.А.Потебня. «Нутқимизда, - деб давом этади А.А.Потебня, - сўз ҳар бир аниқ қўлланилишида фақат бир маънога эга бўлади».

Сўзларнинг кўп маъноларга эга бўлишини инкор этиб, А.А.Потебня аслида бир хил товуш таркибига ва жарангдорликка эга бўлган омоним

сўзлар мавжуд дейди. Шу нуқтаи назардан қараганда, А.А.Потебня таълимотига кўра «земля» сўзи полисемиясида, масалан, б та омоним сўз бордир. А.А.Потебнянинг «сўз ҳар бир контекстда ва аниқ нутқий вазиятда ҳақиқатан ҳам қайсиdir бир аниқ маънода қўлланилади» деган фикри диққатга сазовордир. Лекин, Потебнянинг илгари сурган фикрларини тўлалигича қабул қила олмаймиз. Нега деганда, тилнинг луғат таркибини тартибсиз омонимлар океани дейишга ҳеч қандай асос йўқ. А.А.Потебня таълимотидаги диққатни ўзига тортадиган нарсалардан яна бири шуки, у полисемияни инкор этсада, омонимлар проблемаси тўғрисида оғиз очмаган ҳамда полисемия ва омонимия ўртасидаги фарқлар муаммоларига тўхтадилмаган.

Аммо бу икки масала ўртасидаги муносабатга бағишлиланган баҳслар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу масала ҳалигача ечимини топмаган бўлса-да, омонимларни, яъни маъноси ҳар хил, лекин жарангдорлиги бир хил бўлган сўзларни қўп маънога эга бўлган сўзлардан фарқ қилиш лозим. Масалан,

рус тилидаги: три - уч(сон) ва три-тереть -  
(ишқаламоқ) феълининг бўйруқ майли  
инглиз тилида: knight [nait] - рўцарь ва  
knight[nait] - ночь (оқшом, тун).  
олмон тилида: viel - много (кўп) ва  
fiel - упал (йиқилди) ва ҳоказо.

Сўзнинг маъно томонини текширган А.А.Потебня сўзнинг узоқ ва яқин маъноларини фарқлаш керак, деган холосага келади. Бу тўғрида унинг мулоҳазалари қўйидагича: ҳарқандай одам ўзининг хусусиятига, илмига тенг бўлган ўхшаш икки кишини топиши жуда қийин масала. Шундай экан, моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзларни бир хил маънода тушунадиган ва бир хил маъно касб этган сўзлардан фойдаланадиган шахслар мавжуд эмас. Аммо алоқа жараёнида инсонлар бир-бирини тушунадилар. Демак, сўзнинг маъносида индивидуал, шахсий ҳолатнинг ўзигина бўлиб қолмай, балки ҳалқчил, умумий бўлган ҳолат ҳам мавжуддир. А.А.Потебнянинг фикрига кўра, ҳар хил одамларда сўз маъносини тушунишдаги бир хиллик бир индивиддан иккинчи бир индивидга боргунча бўлган ўзгарувчанлик - бу сўзнинг узоқ маъноларини ташкил этади. Қисқа қилиб айтганда, яқиндаги маъно сўзнинг алоқа жараёнида сўзловчи ва тингловчи учун бир хил (яъни ҳалқчил) бўлган объектив маъносидир. Узоқ маъно эса ҳар бир шахс ўзича идрок қиласидиган, элементларининг миқдори ва сифати ҳар хил бўлган субъектив, хусусий маънодир. А.А.Потебнянинг илмий-назарий фикрлари унинг «Фикр ва тил» (1862), «Рус тили грамматикаси бўйича лавҳалар» асарларида баён қилинган бўлиб, булардан ташқари унинг бадиий адабиёт тили, этнографияга бағишлиланган илмий изланишлари ҳам бор.

## Ёш грамматистлар. Лайпциг тилшунослик мактаби

Ёш тилшунос олимлар ўзларидан улуғроқ бўлган тилшуносларга танқид тошларини ота бошлаганда, машҳур олмон филологи Фридрих Царике уларни, ҳазиллашиб, «ёш грамматистлар», деб номлаган. Бу йўналиш ташкилотчиларидан бири Карл Бругман ушбу номни ўзларининг янги лингвистик мактаби номига айлантирди. Бу йўналишда асосан Лейпциг университети олимлари иштирок этишди, шунинг учун ҳам баъзан бу мактабни «Лейпциг тилшунослар мактаби» деб ҳам юритилади. Буларга асосан Август Лескин (1840-1916), Карл Бругман (1849-1919), Бертольд Дельбрюк (1842-1922), Вильхельм Томсен (1842-1927) кирадилар.

Ёш грамматистлар, авваламбор, А.Шлайхернинг тилга биологик нуқтаи назардан қарашларини инкор этадилар ва ўзларининг қарашлар системасини яратдилар. Бу қарашлар уларнинг программалари сифатида К.Бругманнинг «Морфологик тадқиқотлар» китобида баён қилинди.

- 1) Ёш грамматистлар Шлайхернинг тилга табиий организм деб қарашини инкор этадилар ва тилни тарихий ҳодиса деб тан оладилар
- 2) Товуш ўзгаришларида ёш грамматистлар қаттиқ қонуният мавжудлигини таъкидлайдилар. Товуш ўзгаришларида ҳеч қандай истиснолик йўқ. Истиснога ўхшаган жойларда эса қуидагича тушунтириш берилади:
  - а) бошка товушлар қонунияти орқали
  - б) аналогия бўйича янги ясалиш
  - в) ўзга тиллардан ёки диалектлардан ўзлаштирилганлик
- 3) Ёш грамматистлар олдинги ўринга тилларнинг конкрет тарихини, диалектларни ўрганиш ғоясини илгари сурдилар.

Бу борада ёш грамматистларнинг қарашлари Ҳ.Паулнинг «Тил тарихи принциплари» ва Б.Дельбрюкнинг «Тилни ўрганишга кириш. Қиёсий тилшунослик тарихи ва методологиясидан» китобларида тўла баён қилинган.

Ёш грамматистлар томонидан ҳинд-европа тиллари фонетик системасининг ривожи борасида анча кўп ишлар қилинди. Албатта, назарий томондан кўзга кўринадиган улкан кашфиётлар бўлмади. Улар кўпроқ аниқ фактларни анализ қилдилар ва ўзларининг хулосаларини жуда эҳтиёткорлик билан бердилар. Ёш грамматистлар Ҳумбольдт, Шлайхер, Штайналларнинг кенг фалсафий-назарий қонуниятларидан воз кечдилар ва ўзларининг тор эмпиризмига берилиб, тажрибани, хиссий идрокни бирдан-бир йўл деб билдилар ҳамда назарий хулосалар чиқармадилар.

Ёш грамматистлар Шлайхернинг лингвистик биологизм назариясига қарши чиқдилар ва унинг тилшуносликнинг икки ривожланиш даврлари бор

деган холосасини инкор этиб, тилнинг ягона тараққиёт жараёни борлигини исботладилар. Ҳ.Пауль Штайнталдан тилшуносликдаги индивидуализм ва психологиям тушунчаларини ўзлаштириб олди, дарвоҷе инсонинг психологик фаолиятида Штайнталъ бўйича конкрет инсон мияси, индивид асосий деб ҳисобланади.

Гапиравчи индивид (шахс) ёш грамматистлар фикрича, бошланғич, таянч нуқта ҳисобланади. Шахсий нутқ бу халқ нутқининг аниқ ифодасидир ва у ҳар хил индивидда ҳар хил вариацияларда кўлланиши мумкин. Шу боисдан умумхалқ тилини ўрганиш учун аниқ шахс нутқини ўрганиш қонуний ва зарур ҳисобланади. Лекин ёш грамматистлар тил тадқиқотида пировард натижада шахс тилини ўрганиш билан чегараланиб қолдилар. Уларнинг фикрича, халқ тили бу – фикция, ясама нарса, ҳақиқий нарса фақат шахснинг нутқидир.

Индивидуализм назариясидан келиб чиқиб, ёш грамматистлар тилларнинг ўзгариш қонуниятлари инсон жамиятининг ўзгариши билан эмас, балки конкрет шахс психикасининг нозик ўзгаришлари билан боғлик, дейдилар.

Ёш грамматистларнинг бош назариётчиси Ҳ.Пауль биологизм концепциясига қарши чиқиб, ўзининг байроғини тарихийлик, деб эълон қилди, тарихийликни жуда ошириб, бўрттириб юборди, чунки ҳамма ҳодисаларни ўрганишда тарихий қарашни универсал ҳодиса деб билди. «Унинг таъкидлашича, тилшуносликда ҳамма нарса тархийdir ва ҳар қандай нотарихий изланиш илмий эмасдир».

Хулоса қилиб айтганда, ёш грамматистлар тил ҳодисаларини алоҳида, ажратилган ҳолда ўрганишни тавсия этадилар, тил системасига эса камроқ эътибор берадилар. Шу боисдан уларнинг лингвистик тадқиқотлари асосан фонетика, баъзан морфология билан чегараланиб қолди. Натижада тилнинг бошқа жиҳатларига кўп эътибор қаратилмади.

### **Тилшунослиқда социологик оқим. Фердинанд де Соссюр таълимотининг асосий қоидалари**

Тилга индивид тассавурлари тизими сифатида қаровчи ёш грамматистларнинг қарашларига зид равишда XX аср бошида тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганиб, унинг ижтимоий вазифасини бўрттириб кўрсатиш анъанаси пайдо бўлди. Ушбу анъана социологик оқим асосини ташкил этди. Ушбу оқим асосчиси Фердинанд де Соссюр ва унинг шогирди Антуан Мейе (1866-1936) ҳисобланади. Улар бу оқимни "Социологик тилшунослик" деб номладилар. Ушбу оқимга француз тилшунослари Жозеф Вандриес (1870-1960), норвег тилшунослари Альф Саммерфельдт, Эмиль Бенвенист (1902-1977) киради. Ушбу оқим тилшунослари ғоясига кўра инсон нутқи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади ҳамда жамиятдан ташқарида инсоннинг бу имконияти намоён бўла олмайди, шу сабабли инсон нутқи бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғланишига

кўра ўрганилади. Тил мулоқот воситаси сифатида соф психик ҳодиса бўла олмайди, чунки психик ҳодиса мулоқот воситаси эмас. Тил эса мулоқот воситаси бўлиб хизмат қиласи, чунки тил белгилари физик табиатга эга. Тассавурни эмас, айтилганни эшитиш мумкин. Тил ўзида белгилар тизимини акс эттиради, тизим элементи бўлмиш тил белгиси – сўз маънога эга бирликдир. Тил белгиси номланадиган нарсага нисбатан шартли, сўзловчига нисбатан шартсиз, ноэркин. Тил авлоддан авлодга анъанавий тарзда ўтади ва ҳар бир индивиднинг тил фаолиятини белгилаб беради. Тил системасининг синхрон таҳлили тилни тадқиқ қилишнинг муҳим воситасидир. Тилда янгиликлар айрим шахслар томонидан яратилади, лекин улар барча сўзловчилар қабул қилганларидагина муомалада қолади. Шунинг учун ҳам тил жамоаси рухсати ҳал қилувчи маъно касб этади. Индивид ўз билганича тил белгисини яратади. Шу боисдан тил тараққиёти психик ёки физик сабабларга кўра аниқланмайди, балки уни ижтимоий-тариҳий шароит аниқлайди.

Буюк тилшунос Фердинанд де Соссюр (1857-1913) Швейцарияда туғилди, миллатига кўра француз. 1876 йили у Лайпцигда Лескин, Остгоф, Бругман каби ёш грамматистлар оқими асосчиларининг маърузаларини тинглади. Унинг "Хинд-европа тиллари унлиларининг дастлабки тизими ҳақида маълумотлар" китоби тилшуносликда маълум ва машҳурдир. Соссюр Парижда 1906-1911 йиллари уч марта умумий тилшунослик курсидан маърузалар ўқиган. Бу маърузаларни Ш.Балли, А.Сеше тинглаган эди. 1916 йили Соссюр вафотидан кейин унинг шогирдлари ўз маъруза дафтарларидан устозлари курсини китоб қилиб чиқардилар. Китоб "*Cours de linguistique générale*" деб номланади. Ушбу китоб оригинал ғоялари, новаторлик фикрларига тўлалиги билан умумий эътирофга сазовор бўлди. Соссюр таълимотининг асосий қоидалари қуидагилардир: Соссюр тил (*langue*), нутқ (*parole*) ва нутқ фаолиятини (*langage*) фарқлайди. Тил - бу грамматик тизим ва луғат таркибидир. Нутқ фаолияти эса – муайян халқнинг ифода имкониятлари тизимиdir. Тил билан нутқ социал ва индивидуал хусусиятларига кўра фарқ қиласи. Бундан ташқари Соссюр ички ва ташқи лингвистикани фарқлайди. Соссюр тил тарихини жамият тарихи, кишилилк маданияти тарихи билан боғлайди. Унинг эътирофича миллат урф-одатлари тилда аксини топади. Соссюр синхрония-диахронияни фарқлайди. Синхрония - тилнинг бир даврда мавжудлиги, диахрония - тил фактларининг изчил замонда кўриниши, тарихий ёки динамик аспекти.

Тил – бу система бўлиб, у мавҳум белгилардан иборат. Соссюр тилнинг системавий характеристи ва унинг белги сифатидаги табиатини асослаб берди. Тил белгиси, бир томондан, эркин, шартли (белги танлашга нисбатан), лекин иккинчи томондан тил жамият учун мажбурий ҳисобланади. Соссюр тил белгиси назариясини яратди ва уни синтагматик ва парадигматик тушунчалар билан боғлади. Ўз устозлари қарашларини бевосита Ш.Балли, А.Сеше, рус тилшуноси С.О.Карцевский ривожлантирилар. Уларни одатда Женева мактаби вакиллари деб номлайдилар. Соссюрнинг социологик ғоялари асосида иш олиб борган тил-

шунослар қаторига А.Мейе, Ж.Вандриес, А.Саммерфельдт, Э.Бенвенист ва бошқалар киради.

## ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛШУНОСЛИК

Филология сўзи грекча бўлиб *philologia*- яъни сўзга муҳаббат, *philos*-«севаман» ва *logos*-«сўз»ларнинг бирикишидан ташкил топган атама. Бу фан гуманитар илм ўчоғи бўлиб, унинг ажралмас обьекти инсон сўзи ва руҳининг матндаги кўринишидир.

Филология кўп фанларнинг бир-бирлари билан алоқа, муносабати йиғиндинсини умумий шакллантирувчи ҳодиса сифатида ҳам ўрганилади. Масалан: тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, семиотика, маданиятшунослик ёки баъзи алоҳида ёрдамчи фанлар - палеография, текстология, текстнинг лингвистик назарияси, поэтика, риторика ва бошқалар.

Европада филология сўзининг қўлланиш тарихи ҳар хил бўлган. Эрамиздан аввалги IV асрда грек тилида *philologio*-илмни севмоқ, илмга интилмоқ маъносида қўлланган ва ундан *Philologio* оти ясалиб, илм излашга, тортишувга, мушоҳада ва сухбатга муҳаббат маъноларида ишлатила бошлаган.

Бу сўз *misologio*-илмни севмаслик, илмий мушоҳадани яхши кўрмаслик сўзига қарама-қарши қўлланган. Кейинчалик Платон, Порфирий (3 аср), Прокл (5 аср) даврида *Philologos* (филология) маҳсус маънога эга бўлди ва «сўзни ҳафсала, қунт билан, иштиёқ билан ўрганувчи» маъносида қўллана бошлади.

Европада филологиянинг ривожи кўпроқ Европа гуманизми ва уйғониш давларига тўғри келади. Европадаги барча диний реформаторлар филолог бўлганлар, масалан Эразм Роттердам, Мартин Лютер тил хақида кўплаб китоблар битишган. Э. Рот-тердам 1528 йилда «Грек ва лотин тилларида тўғри талаффуз» номли трактат ёзган.

Олмон филологиясининг классиги Ф.А Вольфда «филология» атамаси ҳозирги кунда биз ишлатаётган маънода қўлланилади. У ўлимидан сўнг чоп этилган «Филология энциклопедияси» китобида филология предметини аниклаб берди. Унинг ёзишича, «жамики тарихий маълумотлар ва хабарлар бизни инсонлар тақдири ва фаолияти билан, сиёсий, илмий ҳамда уй аҳволи билан, уларнинг маданияти, тили, санъати, фани, урф-одати, дини, миллий хусусиятлари, дунёқараши ва бошқалар билан таништиради». Вольф таъсирида Германияда 1833 йилда янги фан- «*Altertums-wissenschaft*» ёки «*Altertumskunde*» - қадимий тарихни ўрганувчи фан ривож топди. Бу маънода филология термини кўп Европа тилларида қўллана бошланди.

Хитойда филология атамаси ёзма манбаларга кўра эрамиздан аввалги 14-асрдан бошлаб учраб туради. Чунки Хитой ёзувининг асосий бирлиги иероглиф бўлган ва уни алоҳида З йўналишда ўрганилган:

Иероглиф ёзуви илмий асосда ривожланган, бунга ҳатто этимология ва эстетика ҳам қўшилган.

Иккинчи йўналиш иероглифлар маъносини классик текстлар ва лексиграфик мактаблардан ўрганиш бўлган.

Учинчи йўналиш - бу иероглифларни талаффуз қилиш йўналиши бўлиб, бу йўналиш 1-асрдаёқ маҳсус Хитой фоноло-гиясини яратди. Бу тил шу кунга қадар ўзининг қадимий анъаналарига содик қолган дунёда ягона филологик мактабдир.

Ҳинд филологияси, албатта, қадимги Ҳиндистон ёдгорлик-ларини ўрганувчи ва kommentарий берувчи сифатида дунёга келган.

19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида Европада асосан 4 та филологик мактаб юзага келди. Булар олмон, англосаксон, француз ва рус филологик мактаблариdir.

### **Олмон филологик мактаби**

а) классик маънода ривож топди ҳамда тилларни кўпроқ тарихий аспектда ўрганишга асосий эътиборни қаратди. Олмон филологик мактаби асосчилари ака-ука Гриммлар эди. Уларнинг таърифи бўйича филологиянинг предмети сўз билан боғлиқ бўлган барча асарлардир, яъни бирон-бир халқнинг грамматикасига (грамматика сўзи тил маъносига кўпроқ ишлатилган) унинг лугат таркиби, морфологияси, халқ достонлари, эртаклари ва бошқалар киради.

б) қадимги дунёни ўрганиш мақсадида, Alterthumskunde

в) Библияни ўрганиш мақсадида

г) Герменевтика – тил фалсафаси йўналишида

### **Англосаксон филологик мактаби**

Англосаксон филологик мактаби фанга семиотика тушунчасини киритди, бу йўналиш Ч.С.Пирс ҳамда Г.Моррис асарларида ўз ифодасини топган. Улар семиотиканинг уч бўлимини: семантика – синтаксика - прагматикани асослаб бердилар ва бунга мувофиқ тривия - грамматика, диалектика ва риторика юзага келди.

### **Француз филология мактаби**

а) дискурс назариясининг анализини яратди, яъни бир формациянинг маълум давридаги текстлар мажмуаси ва унда инсонларнинг матн яратишдаги характерини, фаолиятини ўргандилар. Француз тилшунослигида бу замонавий стилистик анализ бўлиб, у Ланокнинг «Идиологик психоанализ» ёки М.Пеше, Р.Робал ва бошқаларнинг «Дискурс идиологик анализ» асарларига асосланади.

б) бадиий-адабий талқин услублари ёки амалий сти-листикани яратди - «stylistique applique». Бунга П.Гирро, М.Таллио асарлари мисол бўлади.

в) қиёсий-тарихий тилшуносликнинг маданиятшунослик йўналишини Э. Бенвенист ўзининг «Ҳинд-европа тиллари социал терминлар луфати» асарида яратди. Бунда қадимги ҳинд-европа тилларидағи текстлар ҳозирги замон талқинида берилган.

### **Рус филология мактаби**

Бу мактаб унинг асосчиси М.В.Ломоносовнинг 18-асрда ёзган асарлари билан боғлиқ. Унинг «Краткое руководство к риторике на пользу любителей сладкоречия» (1743) ва «Предисловие о пользе книг церковнўх в российском язўке» (1758) асарларидан биринчиси кўпроқ Пор-Роял ғояларига яқиндир. Рус филологиясида кўпроқ луфатшунослик йўналиши кўзга ташланди, кўпроқ ҳукмрон бўлди.

Ҳозирги замон рус филологияси асосан қуидаги йўналишда ривож топмоқда:

а) анъанавий бадиий асарлар текстлари изоҳи. Бу соҳада А.Н.Веселовский, В.Ф.Шишмарёв (француз тили ва адабиёти), В.М.Жирмунский (немис ва рус филологияси), В.В.Виноградов, Г.О.Винокур (рус филологияси) тадқиқ олиб бордилар. Л.В.Херба «Опётү лингвистического толкования стихотворений» асарида, (1922-36 йил), Г.В.Степанов испан, рус филологияси бўйича ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

б) семиотика йўналиши бўйича А.Белўй ўзининг «Поэзия слова» асари билан (1922) тилшунослик илмига хисса кўшди.

в) матннинг лингвистик таҳлили йўналишида Гиндин С. И., Г. М. Николаева, М.И.Шапиро, Н.Н.Казанский ва бошқалар антик материаллар асосида матнларни анализ қилиб, уларнинг синтезини яратдилар.

г) қиёсий стилистика И.Р. Гальперин ва А.Д.Швейцер асар-ларида ўз ифодасини топди.

д) ўзига хос янги йўналишни Ю.Н. Караполов яратди. Унинг тил шахси - «язковая личность» йўналиши ҳозирги кунда тез ривожланмокда.

**Рус филология мактаби уч марказда ривожланди.** Булар **Москва, Санкт-Петербург ва Қозон** филологик мактаблари ҳисобланади.

Булар орасида **Москва мактаби** алоҳида ўрин эгаллади. Бу мактабнинг асосчиси академик Ф.Ф.Фортунатов(1848-1914) бўлиб, у Вологда шаҳрида туғилиб, Петрозаводск ва Москва университетларида ўкиган, Германия, Франция, Англияда илмий сафарларда бўлган, 1902 йилга қадар Москва университетида ўз фаолиятни давом эттирган энг машҳур тилшунослардан бири ҳисобланади.

Ф.Ф.Фортунатов Европа тилшунослик мактаблари таъсирида бўлиб, кўпроқ қиёсий лингвистика билан шуғуллан-ган. Илмий қарашларини ўзининг лекцияларида баён қилган.

Ф.Ф.Фортунатовнинг шогирдлари ва давомчилари - машхур А.А.Шахматов, Г.К.Ульянов, В.Н.Хепкин, М.А.Покровский, А.И.Томсон, Д.Н.Ушаков ва бошқалар унинг ишини давом эттирилар.

Ёш грамматистлар таъсирида бўлган Ф.Ф.Фортунатов кейинчалик ўзининг мустақил йўналишига эга бўлди. У психологизм билан бир қаторда формализмни, шаклни мазмундан ажратиш назариясини тарғибот қилди.

Бу қараси билан у ёш грамматистлар ғоясидан узоқлашиб, улар ғоясига қарама-қарши ғояни илгари суради. Унинг фикрича, тил ижтимоий ҳодиса ва жамият тарихи билан боғлиқ нарса, «хар бир тил маълум жамиятга қарашли бўлади, маълум жамоа бирлигига (иттифоқига), бошқача айтганда, ҳар қандай тил бирон бир жамоа аъзоларига тааллуқли бўлади, жамиятда қандай ўзгариш рўй берса, тилда ҳам шундай ўзгариш юзага келади».

**Санкт-Петурбург филология мактаби** асосчиси А.А.Шахма-тов ҳисобланади. Бу мактабнинг асосий йўналиши рус тили тарихий фонетикасини ҳамда тарихий тараққиётига оид материалларни ўрганиш бўлди. А.А.Шахматовнинг **жонли рус шеваларини тадқиқ қилиш асосида тилнинг тарихий фонетик ривожланиш қонунларини яратиш методи** рус тилшунослигида янгилик бўлди. Олим рус тили тарихини рус халқи тарихи ва маданияти билан боғлаб ўрганди. Чунки унинг таъкидлашича, тил тарихи халқ тарихининг ажралмас қисмидир. А.А.Шахматовнинг «Рус тили синтаксиси» асарида содда гаплар таҳлили жуда мукаммал берилган.

**Қозон филологик мактаби** асосчиси Иван Андреевич Бодуэн де Куртенэ ҳисобланади. **Бу йўналиш асосан фонологик тадқиқотлар олиб боргани учун ҳам Қозон фонологик мактаби деб ҳам юритилади.** Бодуэн де Куртенэ тил ва нутқ муаммолари билан ҳам шуғулланган, тилга биринчи марта морфема тушунчасини киритган олимдир. Унгача грамматика тарихий принцип асосида кўп ўрганилган бўлса, олим тилни динамикада, диахроник томондан ўрганиш заруриятини асослаб берди. Бодуэн де Куртенэ биринчи бўлиб тилда математик дедуктив методлардан фойдаланиб, тил ҳодисаларини тадқиқ қилиш имкониятларини ўрганиб чиқкан. Қозон мактаби тилшуносликка етук олимларни етишириб берди. Булардан Н.В.Крушевский, В.А.Богородицкий, Л.В.Херба, В.В.Радловлар ўз илмий тадқиқотлари билан тилшунослик ривожига катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, Н.В.Крушевский ўзининг «Тил ҳақидаги фан очерки» асарида ёш грамматикачиларнинг тилшуносликдаги қарашларини қаттиқ танқид остига олиб, тилни нафақат тарихий томондан, балки замонавий тил нуқтай назаридан ўрганиш ҳам муҳим эканлигини исботлади. В.А.Богородицкий эса экспериментал фонетика асосчиларидан бири ҳисобланади.

## ТИЛ ВА ЖАМИЯТ

Тилнинг жамият билан боғлиқлиги, боғланиш йўллари ва тамойиллари ўрганиш билан тилшуносликнинг ушбу соҳаси шуғулланади. Тил билан инсон жамиятининг боғлиқлиги тўғрисида қадимги тилшунослар таъкидлаганлар. Аристотельнинг ёзишича «Барча жониворлар орасида фақат инсонгина нутқ билан рағбатлантирилган». Тил фақат бир шахс учунгина эмас, балки жамиятнинг бир қисми бўлган инсониятга берилган ва шунинг учун ҳам тилнинг асосий вазифаси одамлар орасида алоқа воситаси сифатида хизмат қилишdir. **Тилнинг жамият билан боғлиқлиги жамиятнинг тилга таъсири орқали кўринади ва тилнинг жамиятга таъсири эса кўп ҳам сезилмайди.** Жамиятнинг тилга таъсири кўп йўналишларда кўзга ташланади. Буларнинг асосийлари инсон жамиятининг юзага келиши ва тил пайдо бўлишининг унга боғлиқлиги масаласидир.

Тил ривожининг ижтимоий эволюцияга боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, социал компонентларнинг тил структурасидаги бирликлар билан боғлиқлиги, жамиятнинг онгга таъсири масалалари умумий тилшуносликнинг муҳим қисмлариdir

Тил ва жамият йўналишининг энг зарурый ва тортишувларга сабабчи бўлган соҳаси - бу тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фикрлар ранг-баранглигидир. Биламизки, бу тўғрида жуда кўп фикрлар бор. Кейинги йилларда инсоннинг меҳнатга бўлган эҳтиёжи орқали тилга эҳтиёж тугилганлиги тўғрисидаги тоя кўпроқ ҳукмонлик қилмоқда.

Биргалашиб ишлаш жараёнининг унуми ўзаро алоқасиз яхши натижা бермаслиги аниқ. Тилнинг коммуникатив функциясини ташкил этувчи содда, оддий белгилар ибтидоий инсоннинг асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қила бошлаган. Вактлар ўтиши билан биз юқоридаги маърузаларимизда таъкидлаганимиз каби тилнинг бошқа функциялари ҳам юзага кела бошлади. Тилнинг кейинги ривожи, аста-секинлик билан сўзларнинг тўпланиши, луғат бойлигининг кўпайиши, сўз шаклларининг ўзгариши жамият ривожининг ҳар хил этаплари билан боғлиқ бўлган.

Тилшуносликда тилнинг жамият билан, ҳалқ тарихи билан боғлиқлиги исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Лекин, жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, ҳатто катта ижтимоий ўзгаришлар ҳам тилга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олмайди, улар баъзан тил эволюциясини тезлаштириши ёки суистлаштириши мумкин, ёки кўпроқ тилнинг лексик тизимида қайта қуришни юзага келтириши мумкин.

## Тилшунослик антиномиялари

Тилнинг эволюция механизми ва мазмуни унинг ўз ички қонуниятлари асосида рўй беради. Бу қонуниятлар тилшуносликда «антиномия» деб аталади. (грекча antinomia-қонунга қарама-қаршилик). Улардан энг асосийлари қуйидагилардир:

**гапиравчи ва эшитувчи антиномияси  
тизим (система) ва норма антиномияси  
код ва текст антиномияси (маълум қоида асосидаги белги  
ва унинг ифодаси)  
мунтазамлилик ва экспрессивлик антиномияси**

Жамиятнинг ҳар бир ривожланиш босқичида у ёки бу антиномия ривожланади ва тилдаги янги қарама-қаршиликни келтириб чиқара беради, лекин масаланинг ечимини топиш жуда мушкул, чунки тил ўз ривожидан тўхтаб қолмайди.

Антиномиялар тилнинг ички ривожланиш қонуниятидир, у ижтимоий ташқи таъсирлардан фарқ қиласди. Лекин антиномиялар ижтимоий таъсирдан ҳоли эмас.

Масалан, **гапиравчи ва эшитувчи орасидаги зиддият** гоҳо биринчиси, гоҳо иккинчиси фойдасига ҳал бўлади. Масалан, XX асрнинг 20-йилларида қисқартма сўзлар ясаш, яъни аббревиатуралар, одат тусига кириши, айниқса, рус тилида (военспец, главком, колхоз) кўп кузатилган. Ушбу ҳолат эса тинглаб тушуниш жараёнини қийинлаштирган, албатта. Бу зиддиятни енгиги ўтиш учун гапиравчи ва эшитувчининг фикрлаш даражаси, билим даражаси, дунёқарашини бир хил меъёрга келтириш талаб этилади.

**Система (тизим) ва норма антиномияси** ҳам гоҳо система фойдасига ҳал бўлади, яъни нутқнинг ифода шакли мазмунига мос келиши мумкин, демак сўз факат система имкониятларига мос тушса нормага киради ёки норма анъаналарига зид бўлган шакл ва мазмун ифодалари юзага келса, уни норма элакдан ўтказади, бирини қўллашга имкон берса, иккичисини чегаралаб қўйиши мумкин. Система деганда тилдаги бор сўз бирликлари тушунилади, норма (меъёр) эса шу тил эгаларининг тил материалидан фойдаланиш усулидир. Системада мавжуд, лекин халқ (норма) томонидан қўлланилмай қўйилган қатор сўзлар бор. Масалан, ҳозирги замон рус тили оғзаки нутқида икки турли феъллар имперфектлашмоқда, яъни тугалланган турга ўтмоқда, янги шакллар ясалмоқда:

использовать-использовывать  
атаковать-атаковывать  
мобилизовать-мобилизовывать  
организовать-организовывать

Булардан айримлари адабий нормада (мас. организовывать) қўлланиб турса ҳам, тил нормаси бундай янгиликларга қарши туради. Лекин тилнинг келгуси таракқиёти даврида бундай ўзгаришлар секин-аста ўзлашиб кетиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Ўзбек тилида ҳам кейинги пайтларда системага кириб бироз нормада ҳам қўлланган, лекин «элак»дан тушиб қолган сўзлар мавжуд. Масалан, олийгоҳ, тайёра, тайёрагоҳ, ноҳия, жумхурият, куллиёт каби сўзлар халққа сингмади ва истеъмолдан тушиб қолди.

**Код ва текст антиномияси** - бу тил бирликлари мажмуа-сининг, яъни фонема, морфема, сўз, синтактик конструкцияларнинг текст, яъни шулар асосида ифодаланган фикр билан қарама-қаршилиги. Эътибор беринг, текстнинг ўзи кодлардан ташкил топган. Сўз тўплами қанча кам бўлса, текст шунча узун бўлиши керак, ёки тескариси. Тил тараққиётида иккита бир-бирига қарама-қарши анъана ҳукм суради, яъни иложи борича кодни қисқартириш, яъни соддалаштириш ва шу билан бирга текстни ҳам соддалаштиришга уриниш анъаналари маълум. Масалан, рус тилидаги шурин, деверь, золовка, сўzlари ўрнига братъ женў, брат мужа, сестра мужа, тестъ-отец женў, свекровь-матъ мужа, круиз-морское путешествие сўzlари қўлланиши мумкин.

Кўп тилларда чет тиллардан сўз ўзлаштириш интенсив давом этмоқда ва код кўпаймоқда. Шу билан бирга текст қисқармоқда. Бу табиий, чунки фақат кўпчилик жамоа учун таниш бўлган белгиларгина сақланиб қолади.

**Мунтазамлилик ва экспрессивлик (ифодалилик)** антино-мияси ижтимоий факторлар билан изоҳланади. Баъзи бир коллективда кўпроқ мунтазамлилик ҳукм суради. Баъзи бир бошқа ижтимоий муҳитда кўпроқ ифодалиликка интилиш кўпроқ.

Масалан, адабий тил ривожланган мамлакатларда кўпроқ китобий тил ҳукмрон ва бу мунтазамлиликни тақозо этади ва адабий тил нормасини стандартлаштиради, баъзи бир гурух жаргонларида ва шеваларда экспрессивликка интилиш кучлироқ кечади.

### **Тилнинг ижтимоий қатламлари**

Тил ва жамиятнинг эркин кўзга ташланувчи белгиси бу тилда жамиятнинг барча қатламлари акс этиши ёки тилнинг ижтимоий дифференциациялашишидир. Лекин жамиятнинг синфларга, группаларга бўлиниши тўғридан-тўғри синфлар, группалар шеваларини келтириб чиқара олмайди, чунки жамият структураси ва тилнинг ички структураси ўртасидаги муносабат анча мураккаб.

Ижтимоий дифференциациялашда тилда шуни эътиборга олиш зарурки, бунда тилнинг фақат ҳозирги ҳолатигина ифодаланмайди, балки унинг тарихи, ўзининг ўтган синфлари, группалари ва қатламлари ҳам ифодаланади. Тилнинг ривожланиш темпи жамиятнинг ривожидан секин кечади ва орқада қолади. Тилнинг ижтимоий структурасида ҳозир кўпроқ куйидаги ёндош системалар мавжуд:

**Адабий тил**

**Оғзаки нутқ**

**Территориал диалектлар (шевалар)**

**Касб-ҳунар эгалари нутқи**

**Ижтимоий гурӯхлар жаргони**

Бу тизим эгалари камдан-кам бир хил бўлган ижтимоий жамоа вакилларидир. Масалан, адабий тилда зиёлилар, ўқимишли кишилар, талабалар ва бошқалар гаплашадилар. Иккинчи томондан ҳозирги шеваларда ҳамма қишлоқ вакиллари ҳам гаплашавермайди. Кўпроқ ёши улуғ кишилар, қари аёллар шева нутқига мойил бўладилар.

Ҳар кунги оғзаки нутқ эгаларининг таркиби ранг-баранг, улар ёшига, жинсига ва иш фаолиятига қараб фарқланади. Уларни боғлаб турувчи умумий белги – чаласаводлилик ёки қўполроқ қилиб айтсак, саводсизликдир.

Ёшлар жаргони талабалар, ўкувчилар, коллеж-лицей тингловчилари, ёшларнинг баъзи вакилларига хосдир. Фақат хунар тили вакилларининг қаттиқ чегараланган доираси бўлиб, улар фақат ўзаро бундай тилдан фойдаланадилар, бу нутқ бошқа хунар вакилига тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Юқорида зикр этилган тил тизимлари ўз хусусиятлари билан бири иккинчисидан фарқ қиласди. Масалан, одамларнинг ўзларини қизиқтирадиган гурухларга жипсланиши, қизиқиши бўйича улар учун тушунарли сўзлар юзага келади, масалан, футбол ишқибозлари тили, ит ишқибозлари тили, коллекционерлар. Буларда кўпроқ метафора орқали ўз фикрини ифодалаш анъанаси кучлироқ. Масалан, рус тилида «**банка**» - «**гол**» маъносида кўлланади, турма жаргонлари, отарчи жаргонлари ва бошкалар шулар жумласидандир. Ўзбек тилида отарчи санъаткорлар, ўғрилар ва безорилар тилида ишлатиладиган **мент-милиционер**, **лаҳм-гўшт**, **лой**, **якан** каби лексемалар ҳам бунга мисол бўла олади.

Жамиятнинг онгли равишда тилга таъсири муҳим масаладир. Тилга, тилнинг кўллананишига жамият ва давлат онгли равишда бирон-бир мақсадни кўзлаб ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Буни тил сиёсати деб аталади. Бу тилнинг ҳар хил томонларига таъсир килиши мумкин. Масалан, кўп тилли мамлакатларда давлат тили ҳокимият институтлари йўл-йўриклари асосида олиб борилиши керак. Ёки авваллари ёзуви бўлмаган тилларга алфавит танлаш ёки алфавитни ишлаб чиқиши ҳам онгли равишда давлат раҳбарлигига олиб борилади.

Кўлланиб ишлатилаётган алфавитларни, ёзувларни ислоҳ қилиш ҳам тил ҳаётига жамиятнинг аралашуви деб биламиз. Масалан, ўзбек тили алфавитининг бир неча маротаба ўзгариши бунга мисолдир:

### Араб имлоси-лотин имлоси-кирилл имлоси-лотин имлоси

Норматив кўлланмалар, луғатлар тузилиши ва сўзларнинг қандай, қай тарзда ўқилиши, кўлланиши ҳакидаги ахборотлар, илмий-техник терминларни унификация қилиш ҳам жамиятнинг тилга таъсири белгиларидандир.

Тил ва тафаккур масаласи ўз хусусиятлари жиҳатидан нихоятда мураккаб жараён бўлиб, у тилшуносликдан ташқари фалсафа, мантиқ, психология, физиология фанлари билан бевосита алоқадордир. Тил билан тафаккур муносабати фан тарихида турлича талқин этилган бўлиб, фаннинг барча тараққиёт босқичларида маълум даврда хукмрон бўлган дунёқарашларга, фалсафий фикрларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлган. Барча тадқиқотчилар тил ва тафаккурнинг бир-бирига боғлиқлигини эътироф этишсада, бу боғлиқликнинг табиатини ва сифатини бошқа-бошқа тушунадилар. Анъанага кўра бу йўналишда олимларнинг фикри икки гурухга бўлинади.

Биринчи гурух олимлар тилсиз тафаккурни тасаввур қилиб бўлмайди дейишса, иккинчиси бунинг аксини ҳимоя қилади. Бу гурухга Б.А.Серебренников киради ва философ И.Кантнинг фикрини таъкидлайди. И.Кантнинг ёзишича: «Ҳар бир тил фикр ифодаси ва унинг акси, фикрни энг яхши ифодалаш йўли тил орқалидир». В. фон Хумбольдт эса «Биз онгли фаолият ва тилни фарқлаймиз, ҳақиқатда эса бундай бўлинишнинг ўзи йўқ», деб таъкидлайди. М.Мюллернинг фикрича «Фикр умуман тилдан ажralмайди, тил эса фикрдан». Ф.Э.Шлайермайер «Тафаккур ва тил –бу бир бутун, биз фақат уларни ички ва ташқи томонидан фарқлаймиз, аслида ҳар қандай ички фикрнинг ўзи сўздир» деб таъкидлайди. Ф. де Соссюр «Тилда фикрни товушдан, товушни эса фикрдан ажратиб бўлмайди» деса, А.А.Реформатский «Тилсиз умуман тафаккур бўлмайди» деб таъкидлайди.

Бу йўналиш тарафдорларида етарли даражада аниқлик етишмайди, қандай қилиб руҳий (идеал) ва материал ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик амалга оширилади, деган савол етарли изохланмайди. Бундан ташқари тилсиз тафаккур бўлмаслиги ҳақидаги ғояни аниқ исботловчи далиллар ва тафаккурнинг ҳар хил типлари ҳақида ҳам аниқлик йўқ.

Иккинчи йўналиш тарафдорларининг фикрича, баъзи бир онгли фаолиятнинг тилсиз амалга ошиши мумкинлиги исботланади. Булар бир катор психологлар, файласуфлар, тилшунослардир.

Н.И.Жинкининг фикрича, «Ҳали бери ҳеч ким фактлар асосида тафаккур фақат тил орқали амалга оширилишини исботлаб бера олган эмас. Бу фақат тантанали равишда эълон қилинган, холос. Тажрибалар эса бунинг аксини исботламоқда»

А.Н.Леонтьевнинг таъкидлашига кўра, замонавий генетик тадқиқотлар тафаккурнинг ташқи предметлар билан тилсиз фаолият юрита олишини эътироф этади. Н.Серебренников «Сўзсиз тафаккур бўлиши мумкин, ҳамда сўз асосида ҳам тафаккур бўлади» деб фикр билдиради. Ҳали тилга кирмаган болалар ва тилсиз ҳайвонлар ҳёти шуни қўрсатадики, тафаккур, фикр тилсиз ҳам амалга ошиши мумкин экан (П.Т.Смит).

Сўзсиз тафаккур борлиги, албатта, сўз орқали тафаккур ифодаланишини инкор этмайди.

Тафаккур, албатта, информация бериш табиатига эга, чунки образлар, фаолиятлар, шакллар, ранглар, товушлар ва шунга ўхшашлар тафаккур

борлиги сифатида кўриниши мумкин. Лекин асосий информация бериш ўчоғи, булоғи ҳамда тафаккурни ва онгни таъминлаб турувчи, ифодаловчи, албатта, тил, бошқа ҳамма информациялар фақат тил орқали ифодаланади.

Шундай қилиб, биринчи йўналиш тарафдорларининг фикри аслида тўғри, лекин унга аниқлик киритиб, умумлаштириш зарур. Иккинчи фикр эса аниқ ва тўлиқ асосланган эмас.

Тафаккур, онг ва тил яхлитлигининг исботи уларнинг бир бутунликка бирикишидир. Қўшилиб кетмаслиги эса уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусияти борлигидан далолат беради. Уларни бўлиб бўлмаслик эса уларни алоҳида-алоҳида бир мустақил яхлит нарса деб қарашга имкон бермайди.

Инсон миясида фаолият кўрсатадиган ментал-лингвиал комплекс (МЛК) – ўзини ўзи бошқарувчи информацион тизим идрок этиш, тушуниш, баҳо бериш, сақлаш, ўзгартириш, яратиш ва информация беришни бошқаради. МЛК доирасида тафаккур -динамик кўчмас мулк, онг эса баҳо бериб, тўлдирувчи мулк, тил эса қурол ва коммуникатив мулк.

Хулоса шуки, тафаккур алоҳида олинганда тилни ишлаб чиқмаслиги аниқ бўлмоқда, у доимий информация берувчи ўчоқ бўлиб, фақат тил орқали ифодаланиши, функциялашиши мумкин. Бошқа йўл билан у ўз функциясини бажара олмайди. Бошқа тарафдан тил ҳам тафаккурни ишлаб чиқарувчи, яратувчи ҳодиса эмас, у доимий артикуляция орқали ифодаланадиган информацион тизим (система) бўлиб, доимий тафаккур мазмунини ва кувватини ишлатибгина намоён бўлади.

## ТИЛ СИСТЕМАСИ ВА СТРУКТУРАСИ

Гилнинг кўп элементлари бир-бирлари билан қонуний доимий муносабатда бўлганликлари учун, улар бир бутун яхлитликни ташкил қиласидилар. Тилнинг ҳар бир компоненти ажралган ҳолда мавжуд эмас, у бошқа тизимнинг компонентларига қарама-қарши ҳолатда юзага келган. Шунинг учун улар тил тизимида тутган роллари, мавқелари ва аҳамияти бўйича ўрганилади.

Тил системаси термини икки хил йўналишда қўлланиши мумкин.

Биринчиси торроқ маънода, яъни бир хил тил элементларининг бирон сатҳда қонуний бирлашган бутунлик сифатида бир-бирлари билан турғун инвариант алоқада бўлиши тушунилади. Масалан, «келишиклар тизими», «фонологик тизим».

Иккинчи маъноси кенгроқ, умумлашган, глобал система сифатида, яъни қуий системаларнинг бир-бирлари билан қонуний шаклланиб, уларнинг йиғиндиси намоён бўлиши тушунилади.

Тизим тушунчasi қонун асосида шаклланиш, градуал бўлиб, тизимнинг ҳар хил поғонада мумкинлигини тақозо этади.

И.А.Мельчук таърифи бўйича бир хил фактларнинг йиғиндиси тизим мавжудлигининг ифодасидир. Агарда улар буткул яхлит ҳолда тавсифлаб берилсагина, тизим бўлиши мумкин. Буларни формал аппарат орқали аниқлаш мумкин, яъни обьектнинг элементар йиғиндиси, уларнинг

белгилари ва бир-бири билан муносабатларининг доимий умумий қонун асосида бирлашиши бунга мисол бўла олади. Яхши шаклланган тизимда, масалан, фонологик нуқтаи назардан қараганда, тизимнинг бирон-бир элементини ўзгартириб, тизимнинг бошқа нуқтала-ридаги ўзгаришга олиб келиш мумкин. Бу ҳолатда ҳаттоқи тизимнинг мувозанатини буткул ўзгартириб юбориш ҳам мумкин. Ёки бирон-бир ўзгариш бошқа код системаларидағи катта ўзгариш билан боғлиқ бўлади. Масалан, сўзнинг охиридаги фонетик ўзгаришлар, яъни тушиб қолишлар турланишини йўқотишга олиб келади, бу билан предлогларнинг функционал аҳамияти йўқолади, сўз тартиби бузилади ва ҳоказо.

Тил тизимининг ўта қаттиқ эмаслиги (мойиллиги), қуи тизимлар шаклланишининг ҳар хиллиги, мазмунан ва шаклан кўп ҳолларда асимметрияда, номутаносиблиқда бўлиши, тил системасидаги консервативлик анъанасининг (турғунликнинг) тил фактлари эволюцияси билан доимий кураши, яъни тилни тежашга интилиш, доимийлик, аналогия фаолияти ва бошқалар натижасида қуи тизимларнинг ҳар бири ҳар хил даража ва тезликда ривожланиб боради.

Шунинг учун умуман тилда марказ ва ёндош тизим (центр ва периферия) тушунчалари мавжуддир, яъни асосий (ўзак) ва асосий бўлмаган (доминант и рецептив) тизимлар ажратилади.

Тилга тизим сифатида қараш XX аср фан соҳаларининг умумий ривожланиши билан боғлиқдир.

Тилга система сифатида муносабатда бўлиш, асосан, И.Л.Бодуэн де Куртенэнинг илмий ишлари билан боғлиқдир. Унинг тил турғунлиги ва ривожи, тилнинг ташқи ва ички тарихи, тилдаги кўзга кўринган йирик типларнинг ажратилиши (булар фонема, морфема, графема, синтагма) тўғрисидаги фикрлари катта аҳамиятга эгадир.

Ф. де Соссюр таълимоти бўйича, тил белгилар системаси (система знаков) деб қаралади ва уни ўрганишда уларнинг ички структураси алоҳида ўрганилиши керак дейилади. Бу ички ва ташқи лингвистика ҳисобланади. Соссюр тил системасини кўпроқ синхронияда кўради, шунинг учун тил системаси Соссюр қарашларида бир хиллик ва ҳар хилликка асосланган, кўпроқ ҳар хиллик устунлигига тилга тизим сифатида қараш ғояси бир қанча структурал-лингвистик йўналишларда ўрганилади. Уларнинг асосий изланишлари тил бирликлари ўртасидаги умумий ва абстракт боғланишларни ўрганишга қаратилди. Соссюрнинг диахронияни тизим сифатида қарамаслик назарияси кўпроқ инкор этилди ва Прага лингвистик мактаби томонидан тил тараққиётига эволюцияга асосан тизим нуқтаи назаридан эътибор қаратилди. Шунинг учун тил системасининг синхрон аспекти статик, қотиб қолган нарса сифатида қаралмайди, балки динамик, яъни ривожланиш аспектида ўрганилди. Прага лингвистлари тил системаси функционал системада ифодаланади, демак фикр-мулоҳозани ифода этиш воситаси сифатида қандайдир бирон мақсадга хизмат қилувчи тизим деб қарадилар. Тил тизими сатҳлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида тизим ёки қуи тизимдир.

Кўп ҳолларда «система» ва «структурра» атамалари синонимик маънода қўлланади. Сўнгги пайтларда уларни фарқлашга интилиш пайдо бўлди. Масалан А.А.Реформатский ёзади: «Система-бу бир яруса ўхшаш, бир-бирини тақозо этувчи элементлар бирлигидир. Структура эса турли элемент-ларнинг яхлитликдаги бирлигидир»

Ҳозирги кунда «система» атамаси обьекти бир бутун ҳолда ифодаланувчи обьект сифатида қаралмоқда. «Структура» атамаси эса алоқа ва муносабатнинг қандай тузилганлигини изоҳлайди. Демак, табиатда ва жамиятда мавжуд бўлган барча ҳодисалар бир-бирлари билан боғланиб, маълум муносабатда бўлади, маълум қоидага бўйсуниб, бир системани ҳосил қиласди. Система юзага келиши учун албатта бир-бири билан боғланган, умумлашган, бир қонунга бўйсунадиган бир қанча предмет ва фактлар бўлиши шарт.

Агарда классик структурализм мактабларида XX асрнинг 30-50-йилларида тил системаси бирликлар тизими ва улар орасидаги муносабатда деб қаралган бўлса, 60-80-йилларда тилнинг кибернетик модели тарафдорлари фикрича, кўпроқ қонуниятлар системаси асосида бу бирликлар ясалади, ўзгаради ва ўзаро алоқага киришади дейилади.

Тил системасини ташкил қилувчи тил фактларининг бир-бири билан боғланиши жуда ҳам мураккабдир.

Ҳар бир тилдаги гаплар сўзлардан иборат. Сўзлар эса нутқ товушларининг бирикувидан ҳосил бўлади. Гап бўлиш учун сўзлар грамматик қонуниятларга таянади.

Тил системаси бирликлар орасидаги муносабатга қараб уч гурухга бўлинади:

- 1) **Парадигматик муносабат**
- 2) **Синтагматик муносабат**
- 3) **Иерархик муносабат**

**Парадигматик муносабат** - бу сайлаб, танлаб олиш муноса-батидир. У тил бирликлари орасидаги ўхшашлик ва фарқларга асосланган. Масалан парадигматик муносабатда келишик шакллари бир сўз орқали турланади. Масалан: стол, столнинг, столни, столга, столда, столдан, ёки тусланади: югураман, югурасан, югуряди.

**Синтагматик муносабат** - бу бир қатор жойлашган бирликлар муносабатидир. Синтагматик муносабатда фонемаларнинг қайси ўринда учраши, сўз, морфема ва бўғинлардаги тақсимоти ўрганилади.

Синтагматикада фонемаларни нутқда ифода этувчи товушлар фарқланади. Морфема ва сўзлар нутқ товушлари орқали шаклланади.

**Иерархик муносабатда** оддий бирликлар мураккаблаша боради. Фонеманинг маълум қоидалар асосида бирикуви морфема, морфема эса лексема ҳосил бўлишига олиб келади. Сўзлар ўз навбатида сўз бирикмалари, гаплар қурилишида қатнашади.

## ТИЛ ВА НУТҚ

Тил хақидаги изланишларга нисбатан нутқни алоҳида тадқиқ этиш анча кейин, XIX асрдан бошланди.

“Тил” ва “Нутқ” тушунчаларини биринчи бўлиб тилшунос-ликка В. фон Хумбольдт киритган. Бу масаланинг кейинги ривожи Т.Штайнталъ, Г. Шухардт, А.А.Потебня, Ф.Ф. Фортунатов, И.А.Бодуэн де Куртенэ асарлари билан боғлиқ.

Хумбольдтнинг ёзишича “дунёни тушуниш маҳсулининг йифиндиси сифатида тил айрим нутқ фаолиятидан фарқланади». Шу боисдан Хумбольдтнинг фикрига кўра тилдаги умумий ва шахсий, индивидуал хусусиятларни ўрганиш зарур.

Ф. де Соссюр лингвистикани аниқ чегаралаш, таърифлаш мақсадида тил билан нутқни алоҳида ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўяди. Соссюрнинг фикрича, тил нутқ фаолиятининг фақат бир томонини, яъни ижтимоий жиҳатини ташкил этади. Нутқ эса индивидуал ҳодиса бўлгани учун тилга зиддир дейди.

Соссюр тил билан нутқ ўртасида узвий боғланиш борлигини эътироф этса ҳам, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш кераклигини таъкидлайди ҳамда тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасини фарқлаб, уларнинг ўзига хос хусуси-ятларини очиб беради.

1. Тил илмий абстракция характеристида бўлиб, у умум-лаштириш билан боғлиқдир. Нутқ эса конкрет бўлиб, тилнинг нутқда намоён бўлиши, фаоллашиши, рўёбга чиқишидир.

2. Тил - ижтимоий ҳодиса, нутқ эса индивидуал ҳодисадир. Лекин булар бир-бирлари билан боғлиқдир. Буларни бир варақнинг икки бети деб қаралса ҳам бўлаверади. Тил нутқнинг тушунарли ва эффектив бўлиши учун зарурдир. Нутқ эса ўз навбатида тилнинг шаклланиши учун керак.

Академик Л.В Ҳерба бир хил ҳодисага уч хил нуқтаи назардан қарашни таклиф этади:

1. Нутқ фаолияти - бу гапириш ва тушуниш жараёнини ўз ичига олади
2. Тил системаси - бу лугат ва тил грамматикасини ўз ичига олади
3. Тил материллари

Хулоса шуки, нутқ фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият тил ёрдамида, яъни алоқа воситаларининг муайян системаси билан амалга оширилади.

Нутқнинг умри қисқа бўлади, у фақат айтилган пайтда мавжуддир. У диалог, монолог, айрим текст, китоб формаларида учрайди. Тил доимо нутқда яшайди. Нутқ тилнинг конкрет намоён бўлишидир.

Акад. В.В.Виноградовнинг ёзишича, «Тил нутқнинг ҳосил бўлишига, туғилишига сабаб бўлиш билан чекланмасдан, балки уни озиқлантиради, у ўзининг кучли таъсири билан уни тубдан ўзгартириб юборади».

Умуман олганда, агарда тил-бу алоқа қуроли бўлса, нутқ шу қурол орқали яратилган алоқа кўринишидир.

Нутқ материал кўринишига эга, у сезги органлари орқали ҳис этилади, эшитилади, кўрилади. Тил эса кодлар системаси, тил - бу тизим, нутқнинг абстракт аналогидир.

Нутқ сўзларнинг тартибли сарфланишини тақозо этса, тил ўша тартибли сарфланишга мунтазамликни, навбатма-навбатликни, иерархик муносабатни шакллантиради. Нутқ аниқ, тақорланмас, тил эса унинг тескариси - мавхум ва тайёр ҳолда қўлланилади. Нутқ актуал, тил эса яширин ҳолдаги ҳолат, яширин юзага чиқувчи нарса. Нутқ бирон мақсадга йўналтирилган бўлса, тилда бундай ҳолат мавжуд эмас. Нутқ бирон бир вазиятга боғлиқ бўлса, тил ҳеч қандай вазиятга боғлиқ эмас. Нутқ макон ва замонда ривожланса, яъни динамик ҳолатда бўлса, тил бунинг акси, унга бу параметрларнинг аҳамияти йўқ, у турғун ҳодисадир.

Нутқ харакатда, қўзғалувчан, тил эса турғун, нутқ поёnsиз, тил системаси эса маълум миқдордаги сўз таркиби билан чегара-ланган. Нутқ вариатив, тил эса ўзининг маълум даврида инвариант хусусиятга эга. Нутқ психофизиологик ҳолат бўлгани учун субъектив ва ихтиёрий, эркин, шахснинг эркин индивидуал маҳсули, тил эса ижтимоий ҳодиса бўлгани сабабли объектив ва гапиравчига нисбатан мажбурийдир. Нутқда, гапириш жараёнида тасосдифий ҳодисалар, тартибсизликлар учраши мумкин. Тил ҳодисалари эса доимий қонун-қоидалар асосида ясалади.

Шундай қилиб нутқ индивид – шахс маҳсули бўлса, тил бир бутун коллектив тажрибасини жамлайди. Булардан ташқари, нутқ тезлиқ, секин-асталиқ, давомийлик, тембр баландлиги даражаси, акцент ва бошқалар билан характерланади.

Нутқ шахснинг психологик ҳолатига, коммуниктив мақсадига ва эшитувчининг муносабатига қараб белгиланади. Масалан, нутқ хаяжонли-эмоционал, сокин-патетик, тез ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Инсон нутқи лингвистлар, социологлар, психологлар, физиологлар, олий нерв системаси мутахассислари, коммуника-тивлик назарияси вакиллари, акустика, фалсафа, адабиётчиларнинг илмий изланишлари объектига киради.

## **ТИЛ ВА ТАРЖИМА. ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК**

Тилмочлик, таржимашунослик – тилшуносликнинг кўхна, узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидан биридир. Таржимашунослик оғзаки таржима – тилмочликдан бошлаб, ёзувнинг кашф этилиши билан янада тарақкий этиб, кўплаб фан соҳалари билан боғлиқ равишда ривожланиб келаётир.

Лекин шунга қарамасдан хали ҳанузгача бу соҳанинг предмети, объекти ва илмий йўналиши ҳақидаги баҳслар тўхтаганича йўқ ва тўхтамаса ҳам керак. Асосий баҳсларга сабаб бўлган муаммолардан бири – таржимашунослик ва таржима бу санъатми ёки илмий тадқиқотми деган муаммодир. Бир гурӯҳ олимлар таржима – бу санъат десалар, бошқалари, масалан, С.В.Гак, бу - илм деб таъкидлайдилар.

Таржима ўзи нима, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилса бўладими ёки йўқми, таржима янги асарми ёки такрорми деган қатор муаммоларнинг аниқ ечимга эга эмаслиги юқоридаги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бу саволларни ҳал қилиш борасида сўнгги асрларда олимлар икки гурухга ажralганлар. Бир гурух олимлар аслини олганда таржима йўқ нарса, бир тилдан иккинчи бир тилга ҳеч қачон тўла таржима қилинмайди, деб фикр юргизадилар. Бу йўналиш тарафдорлари ўз фикр-мулоҳазаларини асослаш мақсадида кўпроқ буюк тилшунос В. Хумбольдтнинг тилшунослик соҳасидаги ғояларига таянадилар. Маълумки, В.Хумбольдт шундай ёзади:

«Инсон тилларининг қурилиши турлича, фарқли, чунки тилларнинг рухи, хусусияти ўзгача. Уларнинг ўзига хослиги (тил ва руҳнинг, М.У.) бир-бирига шундай пайвандлашиб кетганки, баъзан буларни битта нарса деб қаралади, бири иккинчисини тақозо этади, юзага келтиради. Шу боисдан тил халқ руҳининг ташқи ифодаланиши, кўриниши, халқнинг тили унинг рухи, халқ руҳи эса унинг тилидир, бундай бир бутунлик бошқа нарсаларда кўриниши амримаҳол. Қандай йўл билан булар қўшилиб, пайвандланиб намоён бўладилар, бизлар учун ҳозирча жумбоқ» (W.von Humboldt. Über die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluß auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts, Berlin, 1830-1835).

Дарвоқе, ҳар бир халқнинг ўз муҳити, ўз тарихи, ўз урф-одати, дини, менталитети, психологияси ва бошқа-бошқа хусусиятлари мавжуддир. Булар кўпроқ бадиий адабиётда, поэзияда ёрқин намоён бўлади. Буларнинг барчасини, бирон-бир халқнинг руҳий маҳсулотни иккинчи бир халқ руҳига мослаштириш, кўчириш мушкул ишлардан биридир. Шу боисдан бўлса керак, турли халқлар мутафаккирлари, шоиру ёзувчилари яратган асарлар бир-бирларига ўхшамайдилар. Мисол тариқасида Гомер поэзиясини Навоий поэзияси билан қиёслаб кўринг, ёки Шекспир ёзган асарлар билан ён қўшни мамлакатларда ижод қилган Гёте асарларини, Пушкин, Расул Ҳамзатов, Эркин Воҳидов лирикасини таққослаб кўринг. Буларнинг ҳар бири ўзига хос бир дунё, бири иккинчисини тақрорламайди. Чамаси, ўша бетакрорлик, ўзига хослик тўла таржима қилишга тўсқинлик қиласди. Албатта, бундай мулоҳазалар кўпроқ поэзияга тааллуқлидир.

Машҳур шоир ва таржимон Илья Эренбург Пабло Неруда шеърлари таржимаси ҳақида нашрнинг сўзбошисида шундай ёзади: «Даже репродукции картин дают большее представление об оригинале, чем прекрасные поэтические переводы, у каждого языка своя фауна слов, свое звучание, свои ассоциации», (П.Неруда. Избранное. М., 1964, стр.15).

Ажабо, И.Эренбург ўзи қўплаб таржималар қилаётганига қарамай, поэзияни таржима қилиб бўлмайди деб таъкидламоқда. Балки ҳар қандай мукаммал таржима ҳам ҳеч қачон оригинал босолмаса керак.

Таржима, албатта, катта санъат. Баъзи олимларнинг фикрича, таржима – бу гиламнинг орқа томони, гиламнинг гуллари ўчган, кўринмайди. Лекин таржимон ўша гулларнинг рангларини ярқиратиб очиб беришга интилади.

Ҳар қандай таржима таржимон шахсига узвий боғлиқ, бўш таржимон ёки шоир яхши шеърни маромига етказиб таржима қила олмаслиги аниқ.

Машхур ёзувчи ва таржимон Корней Чуковский шундай ёзади: «Художественнўй перевод – это напряженнейшая работа над вўразительностью изобразительнўх средств. Вот где подлинная школа писательского мастерства».

Ушбу йўналиш вакиллари кўпроқ «эркин таржима» қилиш тарафдорлари дидир. Бу йўл билан таржима қилинганда кўп нарсалар эркин ҳал қилинади, яъни таржимада қўшиш, баъзи нарсаларни олиб ташлаш имкони қидирилади. Ҳаттоқи, асар номи ўзгартирилганлиги ҳолатлари ҳам кузатилади.

Бундай фикрларга қарши ўлароқ, кўпчилик таржимонларнинг фикрича, таржима ижодий бўлиши билан бирга бир вақтнинг ўзида илмий, аниқ ва бадиий жиҳатдан муқобил бўлиши керак.

Бир-бирига зид бўлган бу икки қараш вакиллари таржима «аниқ» бўлиши керакми ёки «эркин» бўлиши керакми деган бахслар мобайнида қуйидаги қарама қарши фикрларни илгари сурди:

1. **Таржима асл нусхадаги сўзлар маъносини бериши керак.**
2. **Таржима асл нусханинг ғоясини бериши керак.**
3. **Таржима асл нусхадай ўқилиши лозим.**
4. **Таржима таржимадай ўқилиши керак.**
5. **Таржима асл нусханинг услубини, стилини ифодалashi керак.**
6. **Таржима таржиманинг услубини ифодалashi керак.**
7. **Таржимада асл нусхага ҳеч нарса қўшилиши ва ундан ҳеч нарса олиб ташланиши мумкин эмас.**
8. **Таржимон қўшса ҳам бўлади, олиб ташласа ҳам бўлади.**
9. **Поэзияни поэзия орқали таржима қилиш лозим.**
10. **Поэзияни насрый йўл билан таржима қилиш керак.**

Фикрлар турли-туманлиги таржима назарияси ва амлиёти ривожига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Қадимдан улуғ мутафаккирларимиз ўз таржималари орқали илмий тафаккуримизни бойитишга бекиёс хисса қўшиб келмоқдалар. Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино ва Маҳмуд Қошғарийлар ўз замонасиининг дастлабки таржимонлари эдилар. Улар юонон, хинд олимлари асарларини араб тилига таржима қилганлар. Булар ҳақида, умуман таржимашунослик тарихи, таржимашуносликнинг илмий назариялари ҳақида тўлиқроқ маълумотларни Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистон таржима тарихидан» ва машҳур олим Ғайбулла Саломовнинг «Тил ва таржима», «Таржима назарияси асослари» асарларидан олишингиз мумкин.

Замонавий таржима назариясининг қамрови кенгайиб кетди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу масала жиддий йўлга қўйилган. Чунки бошқа ҳалқлар билан ҳамоҳанг яшаш нияти барча ҳалқлар вакиллари учун ғурурий туйғудир. Бас, шундай экан, таракқиёт элчиси, янгилик хабарчиси таржимон ва таржималар бўлиши табиий.

Ҳар бир мамлакат ўз заруриятидан келиб чиқкан ҳолда таржимашуносликни шакллантирмоқда. Масалан, ғарб таржимашунослигига ўзига хос тамойиллар шаклланган. Биринчидан, уларда маҳсус тилмочлар ва илмий адабиёт таржимонлари мақсадли тайёрланади. Уларнинг йўналишига мослашган маҳсус дастурлар мавжуд, чунки ҳар бир таржимон маҳсус ихтисослик бўйича тайёрланади. XX асрнинг етмишинчи йилларида Японияда жаҳондаги илмий журналларда чоп этилган илмий мақолаларнинг сарлавҳаларини таржима қилувчи дастур ва гурухлар тузилган.

Бизнинг Республикаизда таржимонлар асосан ёзувчилар уюшмаси қошида фаолият кўрсатади. Улар кўпроқ бадиий адабиётларни таржима қилиш билан шуғулланадилар. Таржимонларнинг аксарияти шоирлар бўлиб, илмий изланишлар ҳам кўпроқ бадиий адабиёт таржималари таҳлилига бағишлианди.

Чет эл таржимашунослиги эса нафақат бадиий адабиёт таржимаси таҳлили билан, балки оғзаки таржима, илмий адабиётлар таржимаси ва сўнгги пайтларда автоматик машинавий (компьютер) таржимаси муаммолари билан шуғулланмоқда.

1961 йили Юмпельтнинг Берлинда эълон қилинган “Die Uebersetzung naturwissenschaftlicher und technischer Literatur” монографияси, Ж.Мунининг 1963 йилда Францияда чоп этилган “Les Problemes theoriques de la traduction”, Т.Саборининг Лондонда чоп этилган “The Art of Translation” асари, “Studies of Communication” сериясидаги “Aspects of Translation” номли мақолалар ҳамда АҚШ нинг Гарвард университетининг “On Translation” тўпламида чоп этилган илмий ишларда бадиий ва техникавий адабиётлар таржимаси, автоматик таржима муаммолари ўртага ташланган. Кўплаб илмий симпозиумларда, Халқаро таржимонлар федерацияси (Federation International des Traducteurs) конференцияларида қилинган илмий маърузалар таржимашуносликнинг долзарб масалаларига бағишиланган. Собиқ Чехословакия, Польша ва Германия Демократик Республикасининг Лейпциг таржимонлар институти (Dolmetscherinstitut) олимлари-нинг таржимашунослик соҳасида олиб борган илмий ишлари дикқатга сазовордир. Айниқса, камина 1970-71 йилларда таълим олган таржима мактаби профессори Otto Каденинг таржимашунослик соҳасидаги ишлари дунё олимларининг дикқатини ўзига тортди. Унинг “Zufall und Gesetzmaessigkeit in der Uebersetzung”, “Subjektive und objektive Faktoren im Uebersetzungsprozess” номли илмий ишлари назарий тилшуносликда янги сўз бўлган эди. Ушбу институтнинг профессорлари А.Нойберт, Е.Флайшман, Шаде, Далисларнинг илмий ва амалий ишлари ушбу фан ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Лейпциг таржимашунослик мактаби йигирманчи аср бошларидан буён ҳозирги кунга қадар таржимашунослик фанининг ҳам назарий, ҳам амалий ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Сўнгги йилларда бу борада олиб борилаётган илмий йўналишнинг қамрови яна ҳам кенгайди. Биринчи ўринда таржимонлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (мутахассислик амалиёти)га эътибор қаратилмоқда.

Иккинчидан, таржимашуносликнинг илмий асослари ва таржима амалиёти масалаларига, таржимашуносликнинг лингвистик аспектларига, яъни фонология, семантика, синтаксис, стилистика, прагматика ва соҳа тилларини урганиш, терминология ва терминография, таржиманинг адабиётшунослик аспектига, автоматик таржима моделларига, маданиятлараро коммуникация-лар (interkulturelle Kommunikationen) га катта эътибор қаратилмоқда.

Учинчидан, таржимашуносликнинг маҳсус соҳалари - савдо-сотиқقا оид текстлар, илмий журналлар, конференция материаллари, патентлар, суд ҳукмлари, шартномалар, шаҳодатномалар, видеофильмлар, эртаклар, болалар адабиёти, драма ва музыкали драма асарлари таржимаси, синхрон таржима, график адабиётлар, лирика, библия таржимаси, метафора, сўз ўйинлари, фразеологик иборалар, реалиялар таржималарига эътибор кучайди

Тўртинчиндан, таржимон тайёрлашда дидактик масалалар - чет тилини билиш даражаси (Kompetenz), она тилини билиш даражаси, маданият соҳасидаги билим, текст танлаш мезонлари ва текст турларини танлаш ва бошқаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Бешинчидан, таржима фаолияти қуроллари ва ёрдамчи воситалар – луғатлар, параллел текстлар, техник ва типографик воситалар масалалари ҳозирги таржимашуносликнинг актуал соҳаларига киради.<sup>2</sup>

Собиқ СССР да таржимашунослик фанининг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари алоҳида, ўзгача йўналишда ривожланди. Бу борада К.Чуковскийнинг «Вўсокое искусство» асари алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар бадиий таржима яратишга тамал тошларини қўйди. А.В.Федоровнинг кейинроқ эълон қилинган «Введение в теорию перевода» асари таржимашуносликнинг лингвистик назариясини яратишда асосий роль ўйнади. Бу икки йўналиш вакилларининг илмий баҳслари таржима назарияси ривожига катта туртки бўлди, натижада бир неча йиллар давомида маҳсус таржимашунослик тўпламлари чоп этиб келинмоқда. «Вопросы художественного перевода», 1959-1974 ва кейинги йилларда чоп этилган «Мастерство перевода» тўплами, 1960-66 йилларда чоп этилган «Тетради переводчика» тўпламлари шулар жумласидандир.

Москва лингвистик университети олимларининг бу соҳадаги илмий изланишлари катта аҳамиятга эга бўлди. А.С.Бархударов, В.Комиссаров, А.Швейцер, Я.Рецкер, немис тили бўйича етук тилмоч ва таржимон М.Цвиллинг, испан тили бўйича Г.Туровер, инглиз тили бўйича В.Чернов, француз тили бўйича В.Г.Гакларнинг илмий изланишлари таржима назарияси ва амалиёти ривожига катта ҳисса қўшди.

Республикамизда бу борада олиб борилган илмий изланишлар тўғрисида Ф.Саломонвнинг асарларидан кенг маълумот олиш мумкин.

<sup>2</sup> Карап: М.Э.Умархўжаев. Европадаги ҳозирги лингвистик йўналишлар. Лейпциг таржимашунослик мактаби FF Ўзбекистонда германистика ва романистиканинг тараққиёти ҳамда келажаги.: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро, 2008, 42-44 бб. Таржима ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари FF Щозирги замон таржимашунослигининг долзарб масалалари.: Илмий-амалий конференция материаллари, Андижон, 2008, 179-182 бб.

Таржима назарияси ва амалиёти бўйича мустақиллик йилларида Республикаизда олиб борилаётган илмий изланишлар алоҳида тадқиқот мавзусидир. Лекин қуидагиларни таъкидлаш лозим. Ҳозирда Ғарб ва Шарқ тилларидан тўғридан-тўғри, бевосита таржима билан шуғулланиш йўлга кўйилди, Тошкент Миллий Университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида маҳсус таржима факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳа ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса «Жаҳон адабиёти» журналининг таъсис этилиши, унда эълон қилиаётган таржималар мана шу соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Юқорида зикр этилган мулоҳазалардан хуроса қилиб, қуидагиларни таъкидламоқчимиз.

Таржиманинг оғзаки, ёзма, илмий ва бадиий каби барча турлари муаммолари бир хил. Шу билан бирга таржима сифати таржима қилинаётган тил материалларининг ҳар хиллиги, таржима жараёнининг техник ва психологияк ҳолатлари билан чамбарчас боғлик. Барча йўналишларда ҳам таржимон меҳнати ўзига хос характерга эга, чунки ҳар бир таржима тури ўзига хос мақсадни олдига қўяди. Масалан, тилмоч енгил эслаб қолинадиган, кўп ишлатиладиган стереотиплардан (шаблонлардан) фойдаланади, бадиий асар таржимонлари муқобил лексик вариант, асл нусхага мос тушадиган эквивалент топишга уринишади. Бадиий таржима ва илмий таржима орасида катта фарқ бор, илмий адабиёт таржимаси ўзининг аниқлиги, эҳтирослар, ҳис-туйғулардан узоқлиги билан характерланади. Умуман олганда, таржимоннинг билиши шарт бўлган ҳолатлар мавжуд.

Биринчидан, таржимон асл нусха тилини яхши билиши зарур!

Иккинчидан, таржима қилинаётган тилни ҳам яхши билиши шарт!

Учинчидан, ўғирилаётган матн мазмуни, моҳияти, унинг давр ва макон мухити, муаллиф хусусиятларини беш қўлдай билиши, маҳсус адабиётлар билан таниш бўлиши, булардан ташқари тиллар ўртасидаги универсалиялар, структурал фарқларни ҳам билиши зарур.

1950 йили таниқли олим Я.Рецкер ўзининг «О закономернўх соответствиях при переводе на родной язык» номли илмий ишида биринчилардан бўлиб таржимашуносликнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқди. «Таржима – деб ёзади Я.Рецкер, мустаҳкам лингвистик асосларсиз бўлиши мумкин эмас, бу асос тил ҳодисаларини қиёслаб ўрганиш ва улар ўртасидаги маълум муқобилликни тўғри топиш асосидир. Бу муқобиллик лексикада, фразеологияда, грамматика ва услубда – булар таржима назариясининг лингвистик асослари бўлмоғи керак».

Олим ушбу ғоялар асосида ўз таржима услубини таклиф этди ҳамда таржима уч хил йўл билан амалга ошишини кўрсатиб ўтди:

1. Эквивалентлар (муқобил вариант) танлаш орқали
2. Аналоглар (ўхшаш, вариантли муқобиллар) орқали
3. Адекват (мос) алмашув орқали

**Биринчи гурухга** контекстнинг аҳамияти йўқ, чунки улар доим аниқ, бир хил маъноли сўзлардан иборат. Булар терминлар бўлиб, икки тилда ҳам бир маънони ифодалайдилар, яъни ўзаро тенг маъноли сўзлар ёки А қ Б, Б қ А 1 : 1. Бунда бир-бирини тақозо этувчи муқобиллик бор.

Масалан: инглиз тилида Phoneme, Phonetics

олмон тилида das Phönem, die Phonetik

рус тилида фонема, фонетика

ўзбек тилида фонема, фонетика

**Аналоглар ёки муқобил варианtlар** орқали таржимада бирон тилдаги сўзга таржима тилидаги бир қанча сўзлар маъно жиҳатидан тўғри келиши мумкин. Ушбу синоним сўзлардан биронтасини танлаш лозим бўлади. Бунда контекстнинг аҳамияти жуда каттадир.

**Адекват (мос) таржима** усулининг моҳияти шундаки, ориги-налдаги маънони аниқ ифодалаш мақсадида юқоридаги йўллардан воз кечилиб, асарнинг умумий моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда таржима амалга оширилади. Масалан, олмон тилидаги *Geschwister* сўзи умумлашган, ўзига хос маънога эга. Рус ва ўзбек тилларига асар моҳиятидан келиб чиқиб таржима қилиш керак бўлади, чунки бу сўз қўйидаги маъноларга эга: брат; сестра; братъя и сёстрӯ; брат и сестра; сёстрӯ; братя; Ўзбек тилида эса бу сўз ака-сингил, опа-сингил, сингиллар, акалар тарзида контекстуал таржима қилинади.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб каминанинг 1972 йили Москвада ҳимоя қилинган «Принципу составления многоязычного фразеологического словаря (на материалах немецкого, русского и узбекского языков) номли номзодлик диссертацияси учинчи бобида олмон тили фразеологик ибораларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш йўллари ишлаб чиқилди. Булар қўйидагиларди:

1. **Тўла эквивалентликка эга фразеологизмлар.** Бунда олмон тили фразеологизмлари билан рус ва ўзбек тили иборалари бир хил шакл, бир хил лексик таркиб, бир хил образ, бир хил фразеологик маъно ва бир хил стилистик жилога эга. Аникроқ ифодалаш мақсадида қўйидаги символика белгиланган:

L 1 ( олмон тили)      L 2 (ўзбек тили)      L 3 (рус тили)  
A K B # AB      ↔      A K B # AB      ↔      A K B # AB

AB (L 1) қ AB (L 2)

II

AB (L 3)

Бунда структурасидан қатъий назар А ва В ҳар қандай фразеологизм, АВ эса фразеологик маънони ифодалайди.

Масалан: олм: wie Hund und Katze leben

ўзб: ит-мушук бўлиб яшамоқ

рус: жить как кошка с собакой

олм: die Augen schliessen

ўзб: кўз юммоқ (вафот этмоқ маъносида)

рус: закройте глаза (умереть)

2. **Кисман эквивалент фразеологизмлар.** Олмон тили фразеологизмига маъноси, стилистик бўёғи, образлилиги жиҳатидан яқин, лекин баъзан лексик таркиби ва грамматик қурилиши жиҳатидан фарқ қилувчи иборалар.

L 1 ( олмон тили) L 2 (ўзбек тили) L 3 (рус тили)

A K B # AB ↔ A K C # AC ↔ A K D # AD

AB (L 1) қ AC (L 2)

II

AD (L 3)

Масалан: олм: etw. auf seine Schulter nehmen

ўзб: бирон нарсани ўз зиммасига олмоқ

рус: взять что-либо **на себя**

L 1 қ j-m Sand in die Augen streuen

L 2 қ бироннинг кўзига қум сепмоқ

L 3 қ пускать кому-либо пўль в глаза

L 1 қ j-n auf H<sup>3</sup>nden tragen

L 2 қ биронни бошида кўтармоқ

L 3 қ носить кого-либо на руках

L 1 қ wie die **Saat**, so die **Ernte**

L 2 қ нима эксанг шуни **ўрасан**

L 3 қ что посеешь, то и **пожнешь**

3. Кўпчилик олмон тили фразеологизмлари **аналоглар** ёрдами билан таржима қилинади. Маънолари, стилистик бўёқлари яқин иборалар бўлиши билан бир вақтда улар таркибида лексик хилма-хиллик мавжуд. Масалан:

L 1 ( олмон тили) L 2 (ўзбек тили) L 3 (рус тили)

А К В # АВ ↔ С К Д # СД ↔ Е К F # EF

АВ    к    СД

SII

EF

- L1 к viele Koeche verderben den Brei  
L2 к қўйчивон кўп бўлса қўй ҳаром ўлади  
L3 к у семи нянек дитя без глазу

Юқорида кўрсатилган услублар ёрдамида таржима қилиш имконияти бўлмаса, немис тили фразеологик ибораларини сўзма-сўз таржима қилиб кўриш лозим. Сўзма-сўз таржима ҳам баъзан тушунарли қабул қилинади, бошқа тилларнинг фразеологик таркибини бойитишга хизмат қиласди. Масалан, олмон тилидаги Morgenstunde hat Gold im Munde мақолини ўзбек тилига «Эрталабки вақтнинг оғзида олтини бор» деб таржима қилинса, биринчидан тушунарли, иккинчидан, ўзбек тили луғат таркибини бойитади. Агарда сўзма-сўз таржима қилиш имкони бўлмаса, унда иборага изоҳ берилади, оддий сўзлар билан изоҳланади, ўгирилади. Масалан, олмон тилидаги ins Kraut schießen иборасининг ўзбек ва рус тилларида тўлиқ ҳам, қисман ҳам эквиваленти йўқ, сўзма-сўз таржима, Яъни «Поясига отибди» тушунарли бўлмайди. Бундай ҳолатда иборага изоҳ беришга мажбурмиз, яъни русча «вўрасти, вўтянуться» (о человеке), ўзбек тилида «Бўй тортибди, ўсибди» (одам ҳақида). Бу усул таржима амалиётида ҳам тасдиқланган. Анна Зегерснинг “Die Toten bleiben Jung” («Барҳаёт ўликлар») асарида худди шу ибора рус тилига «Ну и вўрос же тў!» деб, ўзбек тилига «Катта йигит бўлиб қолибсан-ку!» деб ўгирилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзан икки ва ундан ортиқ тиллардаги иборалар орасида ҳам шаклан, ҳам лексик жиҳатдан бир хил фразеологизмлар учраб туради. Шунга қарамай, уларнинг фразеологик маънолари ҳар хилдир. Бу борада америкалик таржима назариётчи Ю.А.Найда шундай ёзади: «Наиболее обўчная трудность для переводчика состоит в отсутствии соответствия в форме и функции. Например, в некоторых языках Конго «быть в грудь» не означает раскаяния, а имеет ввиду хвастовство. Форма существует, но имеет совершенно иную функцию». Ўзбек тилидаги «Кўкрагига уриб» иборасини қиёслаб қўринг! Бу нарсани фарқламаслик катта маъновий хатоликларга олиб келади. Масалан, олмон тилидаги “ein schwerer Junge” иборасини сўзма-сўз таржима қилинса «оғир йигит» маъноси бор, лекин иборанинг ҳақиқий маъноси «гангстер, жиноятчи, тарбиясиз»дир. Ўзбек тилида эса «оғир йигит» ибораси унинг акси, яъни «тарбияли, босиқ, одобли» маъноларига эга.

Турк тилидаги «Пора» сўзи билан ўзбек тилидаги «Пора» сўзларининг маънолари бутунлай қарама-қарши. Турк тилида бу сўз «маош, ойлик, пул» маъносида бўлса, ўзбек тилидаги маъноси ҳаммага маълум. Ёки турк

тилидаги «бекор» сўзининг маъноси «уйланмаган, бўйдоқ» маъносида ишлатилса, бизнинг тилимизда «иҳсиз, бекорчи» маъноларида ишлатилади. Бундай сўзлар «Таржимоннинг алдамчи дўстлари» деб аталади, чунки, қўриб турганингиздек таржимада матндан келиб чиқилмаса, жуда катта хатоликларга йўл қўйиш мумкин.

Таржима жараёнида таржима қилинаётган асар муаллифининг иштироки катта ижобий таъсирга эга бўлади. Биргина мисол, каминанинг бир лирик шеърини таникли рус шоири Павел Иванов таржима қилиш нияти борлигини айтди. Биз биргаликда шеърнинг мазмуни ҳақида сұхбатлашдик, у ўзбек тилини билмаса ҳам, ўзбек мухитини, психологияси ва тарихини яхши биларди. Натижада таржима туғилди, назаримда ёмон таржима қилинмади. Солишлиринг:

### **Қайс ҳам мендек севган эмас...**

Кўзинг қаролиги тундек бўлибдур,  
Лек ундан тунларим кундек бўлибдур.  
Ошиқликда мени айбор санаб,  
Кўзинг таъқиб этар хундек бўлибдур.

Бу кўз учун тортиб дунёлар ғамин,  
Тик қаддим эгилиб, нундек бўлибдур.  
Қалбимда лиммо-лим севги булоғи,  
Покликда чашмаи чимдек бўлибдур.

Мажнунларнинг дарди, билсанг, нозанин,  
Менини олдида жиндак булибдур.  
Қайс ҳам Мухтордек ошиқ бўлолмас,  
Ки ишқда Фарҳоди Чиндек бўлибдур.

### **Кайс не мог любить как я...**

Твои глаза как ночь темнў,  
Но ночью с тобой светло, как днём.  
Считая меня виноватым в любви,  
Глаза твои стали мне палачом.

Все муки мира я перенес,  
Стерпел, согнулся, стал стариком.  
Любовью наполнена до краев,  
Душа моя, плехется родником.

Меджнuna боль не так велика,  
В сравнении с той, что в сердце моём.  
И даже Фархада влюбленный жар,  
Слабее того, что дарит Мухтар!

Юқорида биз кўриб чиқкан мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳар бир таржима йўналиши ўзига хос эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бадиий таржиманинг ўзига хос томонлари, илмий адабиёт таржимасининг ўзига хос хусусиятлари, оғзаки таржиманинг ўз муаммолари бор. Поэтик таржима эса ўзига хос сержило характерга эга. Буни биргина мисол орқали кўрсатиб ўтамиз.

Ўз руҳини тарбиялай олганлар, унинг камолотини таъминлай билганлар ҳамиша ўзлари мансуб бўлган ҳалқ учунгина қадрли бўлиб қолмайдилар. Бундайлар умумбашарият фарзандларидур, уларнинг эзгу ишлари миллат танламайди, юрт танламайди, тўғрилик ва поклик, гўзаллик ва нафосат, тинчлик ва осойишталик рамзи бўлиб элма-эл кезиб юради. Бир ҳалқ яратган дурдоналар бир-бирига қўшилса йўлларимиз қанчалик нурафшон бўлишини бир тасаввур қилиб кўрайлик! Бундай эзгу ниятларнинг амалга ошишида ўзларининг буюк шоирлигу ёзувчилик ишларидан ошиниб, таржимонлик дардига ҳам ошно бўлган қаламкашларимизнинг ҳиммати чиндан ҳам мақтовга сазовордир.

Ана шундай олийҳиммат таржимонларимиздан бири, забардаст шоиримиз Эркин Воҳидовдир. Блок ва Есенин лирикасини, Шиллер ва Расул Ҳамзатов каби бетакрор шоирлар руҳини ўзбек китобхонларига етказиб беришдай хайрли ишлар қилган шоир Гётенинг «Фауст»ини ҳам ўз ҳалқига ўз она тилида ўқишдай имконият яратган.

Таржиманинг кириш қисмида шоир шундай ёзади: «Буюк асарларга замон ва макон чегараси бегонадир. Улар муайян давр, муайян ҳалқижоди заминида туғилиб, ҳамма даврлар ва ҳамма ҳалқларнинг мулки бўлиб қоладилар. Фирдавсий «Шоҳнома»си, Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Навоий «Ҳамса»си асрлар қаърида қолиб кетмай бизга етиб келгани, бизни ҳануз ҳайрат ва ҳаяжонга солиши нимадан? Улардаги умуминсоний ғояларми? Баркамол ва мукаммал санъаткорликми? Мангу туйғулар рангими? Ҳа, буларнинг ҳаммаси, ҳаммасининг бир бутунлиги ва яна бир хислат – ҳақиқат тараннуни».

Асар тўғридан-тўғри олмон тилидан ўзбек тилига ўғирилмаган бўлса ҳам (у рус тилидан ўғирилган), ўзбек тилида шундай жаранглаганки, сатрлари қуйма, тили равон, содда, ҳалқона, тушунарли. Юнон мифологияси, олмонча турмуш тарзи, насроний тушунчалар тўлиб-тошиб ётган, исмлари, хатти-харакатлари шарқона тутум доирасидан тамомила четда бўлган бундай шоҳ асарни таржима қилиш жасорат, чинакам фидойиликдир. Асарнинг дебочасида шундай сатрлар бор:

Шоир юрагида

пинҳондир олам,

Жаҳоний уйғунлик унда

мужассам.

Мен учун ошу нон –

шеър ва ҳақиқат!

Бу сатрлар Эркин Воҳидов учун асарни таржима қилиш жараёнида туғ бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Шоир ўзининг буюк таржимонлик маҳоратига эга эканлигини асарнинг ҳар бир сатрида намоён қилган. Зотан, рус ёзувчиси ва таржимони К.Чуковский «Таржима санъати – сехргарлик. Сўзларнинг фақат маъносини эмас, балки улар ифодалаган энг нозик туйғулар ва кечинмалар етказиб берилсагина чинакам сехргарликдир» дея ёзганида юз фоиз ҳақ эди. Э.Воҳидов «Фауст» таржимасида худди шу йўлдан борган. У Гёте қалбини ром этган энг нозик тўйғуларни, унинг руҳий оламини ўзбек шеърида ифодалай олган.

У дунё қайғуси менга бегона,  
Бу олам мен учун бўлгай вайрона.  
Бошқа олам билан қолмағай ишим,  
Мен замин ўғлиман шунда ягона.  
Менга ошинодир ғам, шодиёна,  
Бу ёруғ дунёдан бўлгач равона,  
Менга қолса ўтга туташсин жисмим.

Бу сатрлар Фауст юрагининг ўтли нидоларидир. Асл нусхадаги руҳ, мазмун ўзбекча таржимада ҳам ўзлигини сақлай олган. Шоир ичи қора, ҳасадгўй, инсониятнинг азалий душмани саналган Мефистофель образини тасвирлашда ҳам Гёте услубини яхши сақлаган.

Мен инкор руҳиман, инкор қилишни,  
Касб қилиб олганман – коинот абас.  
Тангри не яратмиш бари керакмас,  
Барини йўқотмоқ истагим – сўзим.  
Хуллас, Сиз ёмонлик дея атаган,  
Бузиш, беомонлик дея атаган  
Куч – менинг ўзим.

Асарни ўқиган одам ҳамиша чуқур ҳаёлларга чўмади, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муросасиз курашни Фауст ва Мефистофель тимсолида теран ҳис қиласи. Менимча, Э.Воҳидов томонидан «Фауст»нинг таржима қилинишида яна бир рамзий маъно борга ўхшайди. У «Ўзбегим» шеърини ёзгач, маломат тошларига дуч келиб, кўнгли ўқсиб, қалбида Ватан дарди, юрт меҳри, миллат қайғуси бўлмаган амалпараст, лаббайгўй тўралардан нолиб юрганда, балким, Гётенинг шоҳ асаридан малҳам излагандир.

Узоқ ҳаёт йўлинни ўтдиму босиб,  
Оlam ҳикматини айладим якун.  
Ким эрқ, ҳаёт деб жанг қилса ҳар кун,  
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.  
Худди шундай меҳнат, кураш ва ҳавас,  
Банд айласа ёшу кекса – ҳар кимни  
Шундай кунда кўрсам эдим бир нафас,  
Озод диёrimни, озод халқимни...

Бу сатрлар фақат Гётенинггина эмас, асар таржима этилаётган йилларда маълум бир маънода таъқида бўлган шоирнинг ҳам орзуси эди. Таржимани матн билан қиёслар экансиз, уларнинг қанчалик бир-бирларига яқинлигини, иккла тилда ҳам жарангдор, оҳангдор эканлиги ҳис қиласиз. Баъзи ўринларда ўзбекча таржима шундай зўр чиқканки, бу ўзбекча ёзилган янги Фауст эмасмикин, деб ўйлаб қоласиз.

Кўнгил, қора халқдан гапирма асло,  
Шовқиндан кўнглимга тушар изтироб.  
Оломон ҳисларни ютувчи бало,  
Сурон – тафаккурни кўмгувчи гирдоб.

ёки   Фақат кўпчиликка кўп нарса керак,  
Баракали бўлсин шунинг-чун қозон.  
Яхлитдан халқ учун фойда йўқ, бешак,  
Барибир, бурдалаб ташлар оломон!

Таржимага айрим ўринларда эркин ёдошилган, асосий мазмун сақланган ҳолда ўзбекча таъсиридан сатрлар яратилган. Масалан, Мефистофелнинг Тангри билан сухбати ниҳоясида сўзма-сўз таржима қилинганда шундай немисча сатрлар бор:

Вақти-вақти билан  
Кўргим келади Қарияни,  
Ажралиб қолмай деб  
қиласман ўзни эҳтиёт,  
Қандай гўзал, шундай  
кудратли Тангри,  
Одамохун гаплашар шайтон билан ҳам.

Бу сатрлар таржимада шундай берилган:

У сўзлар нақадар сокин, мулойим!  
Унга ўзни яқин тутаман доим.  
Бу чолнинг ажойиб бир ҳислати бор,  
Хатто иблисга ҳам бермайди озор.

Умуман олганда, Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст»ини таржима қила олди. Бу асар шоирнинг кейинги ижодига ҳам кучли таъсири қилди. «Истмбул фожеаси», «Руҳлар исёни» каби асарларнинг яратилишида маълум бир маънода Гётеча услуб, руҳ бор. Бу асарларда ҳам буюк руҳ кураши асосий ўрин тутади.

Мухтасар қилиб айтганимизда, «Фауст» Эркин Воҳидовнинг эътибори туфайли ўзбек хонадонидан ўрин топди. Бундай эзгу ишлар ҳеч қачон унуптилмайди. «Фауст»нинг сўнгги фаслида ёзилганидек:

Ким шонли бурчин  
Билиб хар замон,  
Она юрт учун  
Фидо қилса жон.  
Ким элга яраб

Жангга кирса жаҳд,  
Унизи шараф  
Уницидир баҳт.

Эркин Воҳидов мана шундай баҳтга, толега муносиб ижодкордир.

## XX АСР ИЛМИЙ ТИЛШУНОСЛИГИ

XX аср инсоният тарихида буюк қашфиётлар асри бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Илм, фан ва техниканинг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган янгиликлар очилди, ютуқларга эришилди. Фанларнинг янги-янги соҳалари асосланди.

Айниқса, техника соҳасидаги изланишлар, робототехнология, лазер техникиси, космосни тадқиқ қилиш, компьютер технологиясининг қашф этилиши инсониятга ақл бовар қилмайдиган даражадаги қашфиётларга йўл очиб берди.

Барча фанлар қатори тилшунослик фани ҳам XX асрда ўзига хос тараққиёт йўлидан борди. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида тилшунослик фанининг ҳам амалий, ҳам назарий томонлари кенг қамровда ўрганилди. Бунинг натижасида умумий тилшуносликнинг янги соҳаларига асос солинди, уларнинг объектлари кўрсатилиб, илмий методлари ишлаб чиқилди. Албатта, тилшунослик фанида бошқа гуманитар фанлар қатори тасодифий-инқилобий ўзгаришлар юз бериши қийин. Чунки тил ижтимоий ҳодиса бўлиши билан бир қаторда ўз тарихий тараққиёт қонунларига эга. Тил тараққиёти тил қонуниятлари асосида рўёбга чиқади. Бу дегани, жамият тараққиёти албатта тил ривожига ўз таъсинини кўрсата олмайди, дегани эмас. Жамият ривожи тил ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатdir.

XX аср тилшунослиги асосан XVIII-XIX аср тилшунослиги ғоялари таъсирида бўлиши билан бир қаторда тил қонуниятларини ўрганишда ўзига хос йўналишлар яратди. Ана шундай ўзига хос йўналишлар сохиби Фердинанд де Соссюрдир. Унинг «Cours de linguistique generale» (Курс обҳей лингвистики) асари тилшунослик фанининг келгуси тараққиётига катта таъсир кўрсатди ҳамда лингвистикада «структурализм» деб ном олган янги бир илмий йўналишга асос солинишига олиб келди.

Соссюр таълимоти таъсирида тил системаси кенг ўрганила бошланди. Бу изланишлар асосан икки йўналишда олиб борилди – гомоген ва гетерген системалар фарқлана бошланди, яъни келиб чиқиши, таркиби жиҳатидан бир хил, ёки келиб чиқиши ва таркиби жиҳатидан ҳар хил бўлган система элементлари устида илмий изланишлар олиб борила бошлади.

Гомоген системани бир хил элементлардан ташкил топган, структураси занжирсимон терилган, компонентлари бирин-кетин, қоида асосида келиши билан фарқланадиган ҳолатлар ташкил этади. Масалан, тил товуш қурилишидаги ундошлар системасининг жойлашуви бунга мисол бўла олади.

Гетерген система турли хил элементлар мажмуасидан ташкил топган бўлиб, уларга «кўп элемантлилик» хосдир.

Гомоген тизим тилшуносликда баъзан «тил системаси» деб ҳам юритилади, гетерген тизим эса «тил структураси» деб юритилади.

Мана шу илмий назария таъсирида XX асрнинг дастлабки йилларида АҚШда ўзига хос янги бир лингвистик йўналиш шаклланди. Бу йўналишнинг асосчилари Э.Сепир ва Л.Блумфильдлардир. Э.Сепир (1884-1934) тилшуносликдаги этно-лингвистика ва тилларни типологик ўрганиш йўналишларининг асосчиларидан биридир. Унинг асосий илмий асари «Язўк» деб номланиб, 1921 йили чоп этилган ҳамда 1934 йили рус тилида нашр қилинган. Сепир асосан АҚШнинг туб халқлари, Канада ва Мексика хиндулари тилларини ўрганиб, таҳлил қилган. Унинг асарлари АҚШ да структурал лингвистиканинг ривожига ҳам таъсир кўрсатди.

Америка тилшунослик мактабининг яна бир ёрқин вакили Л.Блумфильддир (1887-1949). Унинг «Язўк» асари 1933 ва 1968 йилларда рус тилида нашр этилган. Блумфильднинг асосий ғояларидан бири нутқ фаолиятига «нутқ одоби (сўзлар одоби, словесное поведение, verbal behaviour)» сифатида қараш бўлиб, гапиравчининг у ёки бу ҳолатга қандай муносабатда бўлиши асосий йўналиш сифатида олинади, яъни гапиравчининг ҳар хил ҳолатларга реакцияси таҳлил қилинади. «Тил – сигналлар системасидир, ўзининг ташқи ва ички алоқа воситаларига эгадир. Шунинг учун тилшунослик икки қисмга бўлинади – металингвистика, яъни лингвистикага қадар ҳолат, микро-лингвистика, яъни лингвистиканинг ўзи.

Металингвистика сўз билан мулоқот одобининг ташқи томонларини ўрганади, бу этнолингвистика, психолингвистика, социолингвистика, менталлингвистика, паралингвистика ва бошқа соҳалардан иборат.

Микролингвистика эса сўз сигналларининг металингвистик факторлари ва тарихига эътибор бермаган ҳолда, ўзини изоҳлаш билан шуғулланади. Бу йўналиш учун асосий ҳақиқат борлиқ, яъни - матн, нутқ бўлгидир.

Тил бир қатор жойлашган тизим бўлиб, унинг майда бўлаклари фонема, морфема ва сўзларнинг қатъий бир қаторда келишидан ташкил топади. Бу йўналиш тилшуносликда дескриптив лингвистика деб ном олган.

Маълумки, 1917 йилги октябрь инқилобидан сўнг ташкил топган Совет Иттифоқи дунёда энг кўп тилларда гапиравчи мамлакат эди. Иттифоқ таркибидаги баъзибир халқлар ўз тарихий ёзувига эга эмас эди. Шунинг учун бўлса керак, совет тилшунослиги ўзининг дастлабки йилларида тилнинг амалий томонларига эътиборни қаратди. Кўплаб халқларнинг алифболари яратилди, кўплаб дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Баъзи туркий тилларнинг алифболари қисқа давр мобайнида икки маротаба ўзгартирилди.

Тилшуносликнинг назарий-илмий қисми ҳам ўзига хос йўналишда ривожланди. Ўша даврда ҳамма нарса сиёсий мафкура орқали белгиланар эди. Илм-фаннынг бирорта соҳаси бўлмаганки, у сиёсатлашмаган бўлса. Бундан тилшунослик ҳам истисно эмас, ҳаттоқи мафкуравийлик борасида «ўрнак» фанлардан ҳисобланади. Марксизм-ленинизм таълимотини тил фалсафасининг методо-логик асоси қилиб олиниши сиёсий зарурият ҳисобланган.

Бу борада академик Н.Я.Маррнинг (1865-1934) мақола ва китобларида эълон қилинган таълимотлар асосий роль ўйнади. Унинг «Тил ҳақидаги янги таълимот» асари тилшунос олимлар ва сиёsatшунослар орасида катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

«Ўзбек тилшунослиги тарихи» китобининг муаллифи проф. А.Нурмонов тилшунос А.П.Романенконинг «Вопрос ю языкоznания» журналида (2001 йил, №2, 110-бет) чоп этилган «Советская философия языка. Е.Д.Поливанов – Н.Я.Марр» мақоласига ҳавола қилиб, қуйидагиларни ёзади. «Совет тил фалсафаси 50-йилларга қадар ўзаро зид иккита концепция асосида ривожланди. Уларнинг биринчиси Е.Д.Поливанов, иккинчиси Н.Я.Марр концепциясидир. Марризмни танқид қилиш билан шуғулланувчи «Тил фронти» грухси бу концепциялар оралиғида турса ҳам, кўпроқ Е.Д.Поливанов қарашларига яқин эди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки концепция асосчилари ҳам чинакам марксизм тарафдорлари эдилар. Ҳар иккиси марксизм таълимотини тилшуносликка олиб кирмоқчи бўлдилар, лекин улар марксизмга турли томонлардан ёндошлиар. Хусусан, Е.Д.Поливанов марксизмнинг ленинча талқинига асосланган булса, Н.Я.Марр марксизм-ленинизмнинг сталинча талқинига асосланади. Шунинг учун ҳам бу икки йўналиш бир қатор масалалар бўйича бир-бирига зиддир.

Улар, бизнингча, қуйидагилардир:

Ўтмиш маданиятига, шу жумладан, лингвистик меросга муносабат масаласи. Биринчи йуналиш тарафдорлари социалистик маданият олдинги маданият эришга ютуқларга асосланган ҳолда яратилади, ўтмиш маданиятини ўрганмай туриб, пролетар маданиятини яратиб бўлмайди, деган ғояга амал қиласи. Аввало, тилшунослик обьекти бўлган тилнинг ўзида барча моддий ва маънавий бойликлардан кўра кўпроқ анъянавийликни кўрамиз, чунки ҳар қандай тил қисман ўзгаришлар билан авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Шунингдек, тилшунослик фани бўйича аждодларимиз қолдирган ҳам таянмоғимиз лозимлигини кўрсатади.

Н.Я.Марр эса, аксинча, эски маданиятга қарши курашган ва янги маданият яратиш, маданиятда ворисликка барҳам бериш ғоясига амал қиласи. Бу ғоя эса қадимги маданият билан алоқани тамоман узиш ва бошқаларга ўхшамаган тамоман янги социалистик маданият яратиш ғоясини олга суради. Шунинг учун ҳам Н.Я.Маррнинг «Тил ҳақидаги янги таълимот»и негизида эскини инкор қилишга асосланган янгини улуғлаш ётади» (165-166 бетлар).

Н.Я.Марр ва Е.Д.Поливанов қарашларидаги зиддиятлар тилларнинг келиб чиқиши масаласида, лингвистик белгиларнинг шартлилиги ёки мотивланганлиги (яъни денотат - «нарса» ўртасида боғланиш) масалаларида намоён бўлган. Айниқса, Н.Я.Маррнинг тилларнинг келиб чиқишини «кўпдан озга» тамойилида кўриши, яъни «дастлаб тиллар жуда кўп бўлган, сўнг даврлар ўтиши билан йириклишиб, йирик тилларга айланган. Демак, тиллар шу тарзда ривожланиб борсалар, келажакда бутун дунё халқлари учун ягона тил ва умумбашарий тил юзага келади» деган ғояни илгари суради. Унинг тилларнинг келиб чиқишида «яфетик (ёфас) назарияси ҳам илмий

тилшуносликни нотүгри йўлга буриб юборди ва катта баҳсларга сабаб бўлди. Унинг фикрича, барча тиллар тўрт элементдан – сал, бер, йон, роҳ элементларидан келиб чиқсан. Бу ғайриилмий ғоя XX асрнинг 40-йилларигача тилшуносликда амал қилган ва тарафдорлари бўлган.

Н.Я.Марнинг ғояларига суюнган шогирдларидан бири таникли тилшунос И.И.Механинов (1883-1967) бўлиб, у археолог ва тилшунос сифатида қадимги ёзувларга эга бўлган тилларни тадқиқ қилган. Унинг асосий асарлари «К вопросу о стадиальности в письме и язўке» (1931), «Проблема классификации язўков в свете нового учения о язўке» (1934), «Общее язўкознание» кабилардир.

XX асрда яшаб ижод қилган ўзига хос тилшунослардан яна бири Л.В.Ҳерба булиб, И.А.Бодуэн де Куртененинг шогирди ва унинг анъаналари давомчисидир. У кўп қиррали тилшунос бўлиб, фонологиядан тортиб чет тилларни ўқитиш методикасигача илмий изланишлар олиб борган. Унинг «Русские гласные в качественном и количественном отношении» (1912), «О частях речи в русском язўке» (1928), «Опуть общей теории лексикографии» (1940), ўлимидан сунг нашр этилган «Преподавание иностраннých язўков в средней школе» (1947) асарлари тилшуносликда ўз ўрнига эга илмий изланишлардир.

Тирик тиллар асосида тил назарияларини яратиш ғояси Л.В.Ҳербанинг асосий лингвистик қарашларини кўрсатади. Бу индуктив-назарий метод бўлиб, олим «Тилни яланғоч схемаларга солиш, схемалаштириш фаннинг келгуси ривожига салбий таъсир кўрсатади», - деб таъкидлайди.

Л.В.Ҳербанинг лексикографияга бағишлиланган асари назарий ва амалий луғатшуносликнинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Бу илмий асарда кун тартибида луғатларни тартибли, мақсадли тузиш масаласи қўйилган эди.

XX асрнинг ўрталарида самарали ижод қилган яна бир рус тилшуносларидан В.В.Виноградов бўлди. У машҳур А.Шахматов, Л.Ҳербанинг шогирди эди. У рус тили ва адабиёти соҳасида кўплаб илмий ишлар қилган. В.Виноградовнинг асосий лингвистик қарашлари француз ва чех тилшуносларининг анъаналари асосида шаклланди. XX асрнинг 30-йилларида В.Виноградов асосан филологик таълимотнинг яхлитлигини исботлаш ва уларни синтез қилиш билан шуғулланди. Унинг «О задачах стилистики» (1923), «Язўк Пушкина» (1935), «Стиль Пушкина» (1941), «Об основных типах фразеологических единиц в русском язўке» (1947) ва Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика» (1963) асарлари ва бир қатор мақолалари ўта долзарб илмий масалаларни ёритган.

В.В.Виноградовнинг тилшунослик концепцияси марказий тушунчаси «сўз ва тил услуби» (стиль язўка) ва уларнинг системали, ижтимоий, тарихий боғлиқлигини асослашидир. У адабий тил тарихини яратган мутахассис сифатида тан олинган. Унинг «Очерки по истории русского литературного язўка XVII-XIX вв.» асари славян тилшунослигига адабий тилни системалаштирган биринчи илмий иш ҳисобланади.

В.В.Виноградовнинг фразеология тадқиқига бағишлиланган асарлари дунё тилшунослигига бу соҳанинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ш.Балли

асарларидан илҳомланган В.Виноградов илк бор рус тили фразеологизмларининг классификациясини яратди. Ушбу классификация фразеологияни тилшуносликнинг маҳсус, ўзига хос соҳасига айлантириди. Натижада СССР халқлари тиллари ҳамда чет тиллари турғун бирималари кенг қамровда тадқиқ қилина бошланди. Бу борада инглиз тили фразеологизмлари тадқиқотчиларининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Проф. А.В.Кунин ярим аср мобайнида инглиз тили фразеологиясининг ҳам назарий, ҳам амалий асосини яратди. Н.Н.Амосованинг инглиз фразеологияси контекстуал таҳлилига бағишиланган илмий ишлари эълон қилинди, И.И.Чернўшёва ҳамда М.Э.Умархўжаевларнинг немис тили фразеологиясининг янги классификациясига бағишиланган ишлари пайдо булди, А.М.Бабкин фразеологияни лексикография йўналишида тадқиқ қилди. Кўплаб таниқли фразеолог олимлар бу соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Булардан Н.М.Шанский, А.Н.Архангельский, Л.В.Ройзензон, Ю.Ю.Авалиани, В.П.Жуков, А.М.Молотков, А.Д.Райхштайн, М.Т.Тагиев, М.М.Копўленко, Ш.Рахматуллаев каби олимларни эслаб ўтиш фикримизнинг далилидир.

### **Когнитив тилшунослик**

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, тилшуносликда бошқа йўналишлардан фарқли ўлароқ когнитивизм йўналиши тобора ривожланиб бормоқда. Айнан мана шу йўналишдги олимлар тил ва тафаккур ўртасидаги ўта мураккаб мунособатларни ўрганишнинг янги бир босқичини кўрмоқдалар.

Когнитив тилшуносликнинг бугунги кун тартибида бир қатор муҳим концептлар мажъмуасини таҳлил килиш муаммоси турибди. Шунингдек когнитив тилшуносликнинг асосий категориялари ва долзарб муаммоларини таҳлил этиш асосида олимлар тил ва нутқ вазифаларини ўрганиш борасида уларнинг кўплаб янги қирраларини ва элементларини кашф этдилар. Фандаги постмодернистик ва деконструктив кайфиятларни ҳисобга олганда, олимларнинг тилнинг шундай қирралари ҳамда элементларига қизиқиши тобора кучайиб бормоқдаки, бундай қирралар ва элементларнинг ўзига хос табиати фақат лисоний концепт тушунчаси билангина очиб берилади деб ўйлаш тўғри бўлмайди, чунки концепт фақат тилшуносликнинг ўрганиш обьектигина эмас, балки фалсафа, психология, психолингвистика, социолингвистика, биология, тиббиёт каби бошқа бир қатор фанларнинг ҳам диққат марказида эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Аслида когнитив тилшунослик Европа тилшунослиги илмий изланишларининг энг кенг тарқалган йўналиши бўлиб, у 1970-йилларнинг иккинчи ярмида шаклланди ва кейинчалик ўзига жуда кўп тадқиқотчиларни жалб қила олди.

Мазкур йўналишнинг ватани бўлмиш АҚШда уни кўпроқ “когнитив грамматика” деб юритишади, бунга асосий сабаб «грамматика» атамасининг инглиз тилшунослигига кенг маънода қўлланилиши бўлса, Россияда эса кўп

холларда «когнитив семантика» атамаси шу маънода қўлланилади ва у шундай илмий изланишлар манбаларидан бири эканлиги таъкидланади.

Когнитив тилшуносликнинг ҳозирги кўринишидаги асосий фарқли жиҳати шундаки, у тилшунослиқда илмий изланишнинг янги предметини тарғиб қилиш ёки янги изланиш воситалари (инструментарий) ва ёки изланишнинг янги йўлларини илмий мушоҳадага олиб киришни эмас, балки тилшунослиқдаги мушоҳада ва инъикос этишнинг мавжуд йўллари ва усулларига методологик ўзгартишлар киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва айнан мана шу мақсад билан боғлиқ ҳолда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради ва уларга тегишли ечимлар қидиради.

**Когнитив тилшунослик тил ҳақидаги фаннинг бир йўналиши бўлиб, у тил ва тафаккур ўртасидаги ўзаро муносабатларни, дунёнинг концептуллаштирилиши ва категоризациялаштири-лишида тилнинг катта аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек, унинг дунёни иниъкос этиш жараёнида, колаверса, инсон тажрибасини холосалаштиришда мухим роль ўйнаши, инсондаги айрим когнитив қобилиятларининг тил билан боғлиқлиги (узвийлиги) ва уларнинг ўзаро алоқага киришиши билан боғлиқ муаммоларни бевосита тадқиқ қиласи.**

Умуман олганда когнитивизм бир қатор фанларнинг мажъмуаси булиб, фикрлаш – мушоҳада қилиш жараёнининг умумий томонларини тадқиқ қилишни ўзига тамойил қилган илмий йўналишdir. Шундай қилиб, когнитив тилшунослиқда тил фикрлаш, инъикос ва мушоҳада қилишга киришиши воситаси, яъни калит сифатида гавдаланади. Айнан тилда инсоннинг ҳаёт тажрибаси, унинг тафаккури акс этади, тил бу маънода инъикос механизми ва бевосита белгилар тизими бўлиб, у ахборотни кодификация-лаштиради, уни ўз воситалари орқали ифода этади, мулоқот жараёнида тегишли эҳтиёжни қондириш учун уни тилда сўзловчилар ва ёзувчиларга узатади ва шу йўсинда мулоқотга бевосита хизмат қиласи. Оғнитив тилшуносликнинг изланиш обьекти тил бўлиб, у инъикоснинг беқиёс воситаси сифатида қаралади. Инсоннинг дунёни идрок этиши, хиссиёт, тасаввур ва ахборотнинг сўз орқали берилиш тизимининг ўзаро алоқага киришиши унинг предмети бўлиб хизмат қиласи.

Тил бирликлари маъносида инъикос этиш тизимлари акс этган бўлиб, бундай ҳодиса окказионал сўзларнинг ясалишида яққол кўзга ташланади (масалан, дадаламоқ, оталамоқ, опаламоқ, акаламоқ ва х.к. феъллар ўзбек тили луғатида йўқ, лекин у жонли нутқда бор ва кенг қўлланилади. (Қиёсланг: Дадалайверма! Опалайверма! Акалайверма! Ахир жонга тегиб кетдинг-ку!).

Когнитив тилшуносликнинг ривожланишига семантика катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда когнитив тилшунослик бир қатор индивидуал (нисбатан мустақил) изланиш дастурларини ўз ичига олган бўлиб, улар яхлит бир назарияни ташкил этмайди. Ўтган асрнинг 90-

йилларига келиб, когнитив тилшуносликда қуидаги камидан түрт йўналиш пайдо бўлди:

1. Стимул ва реакциянинг ўзаро алоқага киришишини таҳлил қилиб берувчи, ақлий механизмни ёритувчи ва тушунтирувчи йўналиш
2. Ақлий фаолиятни амалга оширишда асосий роль субъектга тегишилдир, у барча ҳаракатлар ташаббускори ва манбаидир деган ғояни тарғиб қилувчи йўналиш
3. Инсон ички ақлий табиатини тадқиқ қилувчи йўналиш
4. Когнитив жараёнларнинг аффект билан муносабатини ўрганувчи йўналиш

Бу йўналишларнинг энг кўзга кўринган намояндалари Чарльз Филлмор, Джордж Лакофф, Рональд Лангакер, Леонард Талми ва Александр Кибрик каби машхур тилшунос, когнитивист олимлардир.

Когнитив тилшуносликда концептлар лингвокультуроло-гиянинг бош тушунчаси - дунёни тасаввур қилишнинг (картина мира) асоси сифатида урганилади. Бунда маълум халқ маданиятининг концептосфераси (масалан, уруш, тонг, хаёт, инсон, дўст, душман каби концептлар) ёритилади. Маданиятнинг бундай концептлари орқали маълум тилда гапиравчилар ва ёзувчилар дунёқарашини ифодаловчи асосий тил бирликларининг табиати очиб берилади, шу билан бирга уларнинг алоҳида олинган тилдан фойдаланувчи шахс учун, қолаверса, тилдан фойдаланувчи яхлит жамият учун аҳамияти ҳам кўрсатиб берилади.

### **Ўзбекистонда XX асрнинг ўрталарида роман-герман тилшунослигининг шаклланиши**

XX асрнинг иккинчи ярмида Республикаизда тилшунос-ликнинг янги бир йўналиши шаклланди. **Бу Ғарбий Европа тилларини илмий ва амалий ўрганиш йўналиши бўлди.** 1948 йилда Тошкентда ташкил этилган чет тиллар институти, Тошкент Давлат университети, Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти бу йўналиш ривожига ўз таъсирини ўтказди. Республика мактабларида чет тилларини ўқитиш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ривожланди. Натижада чет тилларида илмий тадқиқот олиб бораётган фан номзодлари, докторлари етишиб чиқди. Булардан инглиз тили буйича республикада илк бор докторлик диссертациясини ҳимоя қилган А.Абдуазизов, Ж.Б.Бўронов, У.Қ.Юсупов, олмон тили бўйича илк докторлик диссертациюсини ёқлаган М.Э.Умархўжаев, француз тили бўйича самарали илмий тадқиқотлар олиб борган филология фанлари доктори М.Абдураззоқвларни тилга олиш мумкин. Натижада Ўзбекистонда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарларида Ғарб тилларини илмий тадқиқ

қилувчи марказлар пайдо бўлди. Сўнгги йилларда эса ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, бирнеча илмий йўналишлар шаклланди. Фонетика ва фонология соҳасида А.Абдуазизов, қиёсий грамматика ва типология соҳасида Ж.Бўронов, Ў.Юсупов, Ж.Ёқубов, С.Рахимов, Ғ.Хошимов, Н.Турниёзов ва бошқалар, лексикография ва фразеография соҳасида М.Э.Умархўжаев, А.Бушуй, Т.Бушуй, стилистика ва текст лингвистикаси соҳасида Д.У.Ашуррова, прагматик ва когнитив лингвистика бўйича Ш.Сафаровлар ўз илмий изланишларини олиб бормоқдалар.

Албатта, Ўзбекистонда Ғарб тиллари тилшунослиги йуналишлари тавсифи алоҳида тадқиқот мавзусидир. Лекин шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, **Республикада ўзбек тилшунослигининг ўзига хос мактаби яратилдики**, ғарб ва рус олимлари томонидан тилшунослик соҳасида эришилган улкан ютуқлар ўзбек тилшунослигига ҳам олиб кирилди. Айниқса, Аюб Гулом, Ғ.Абдураҳмонов, У.Турсунов, А.Рустамов, А.Ҳожиев, У.Бегматов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Н.Махмудов каби олимларнинг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовордир. Ўрни келганда Андижонда ҳам тилшунослик бўйича ўзига хос илмий марказнинг шаклланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу мактаб асосчиси А.Нурмонов ва унинг шогирдлари, жумладан, ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этган филология фанлари доктори А.Собировлар ўзбек тили систем тилшунослиги, тил фалсафаси бўйича кўплаб илмий ишлар эълон қилдилар. Лекин рус ва чет тилларини ўқитишнинг назарий ва амалий томонлари ҳанузгача тўла ёритилмаган. Ўзбек ва рус тиллари қиёсий тилшунослиги, биллингвизм масалалари, таржима назарияси ва амалиёти масалалари, таржима танқиди муаммолари ўз ечимини кутаётган масалалардир.

Бу соҳада 1966 йили ташкил этилган Андижон Давлат тиллар педагогика институти олимлари ҳам ўз хиссалари ва ўринларига эгадирлар. Олимларимиздан проф.Умархўжаев М.Э., проф. Рахимов С.Р., проф. Ҳошимов Ғ.М., доцентларимиздан С.Солижонов, Ғ.Сатимов, М.Абдувалиев, Ш.Алимов, Т.Эргашев, М.Ж.Рахимов, К.Мирзаев, М.Хўжаева, А.Авулов, Ҳ.Солиев, И.Солиев, А.Қўлдошев, Н.Фозилова, В.Воситов, Қ.Назаров, Т.Нурматов, Э.Жўраев, Т.Черепанова, Ж.Исмоилов, М.Нишонов, А.Мамадалиев, А.Ўринов, рус тилшунослиги ва адабиётшунослиги бўйича илмий изланишлар олиб борган Т.А.Заказчикова, Т.Ё.Рахмонов, Н.Йўлдошев, З.Қосимова, В.Караҳук, Р.Баратов, Ю.Скрўльников, Л.Турғунова, М.Мўминов, Б.Тожибоев, Ю.Симаков, О.А.Кузин, Т.Л.Рахмонов, рус тили методикаси бўйича илмий иш олиб борган М.Э.Рахимова, таржима назарияси бўйича илмий изланишлари билан танилган проф. Жўраев К.Ж., ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги бўйича Исҳоков Ф.И., С.Қурбонов, Ҳ.Болтабоев, М.Қосимова, тил фалсафаси, умумийлик ва хусусийлик диалектикаси бўйича илмий тадқиқот олиб борган Шаҳобиддинова Ш.Х., З.Қобулова, Д.Набиевалар ўзбек ва ғарб тилшунослиги ва

адабиётшунослигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган етук олимлар ҳисобланадилар.

## **ЯГОНА УМУМБАШАРИЙ ТИЛ ЯРАТИШ ТАРИХИ**

Турли миллатга мансуб кишилар, халқлар ўртасидаги мулоқот тараққиётнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Шу боис қадимданоқ буюк мутафаккирлар тилларнинг кўплиги туфайли алоқа қилиш қийинлиги ҳақида кайғуриб ягона, умумбашарий тил яратишни орзу қилганлар.

Бундан 24 аср аввал Афлотун «Худолар инсониятга умумий тил ҳадя этсалар, катта меҳрибончилик қилган бўлардилар», деган экан. 130 йили Пергамода таваллуд топган буюк физиолог ва фармакалог Клавдий Гален турли тилда сўзлашадиган халқлар ўртасида ўзаро мулоқот системасини мерос қилиб қолдирган.

Ўрта асрларга келиб умуминсоний тилни барпо этишга қизиқиш шу даражага етдики, бу иш борасида фақат файласуф ва филологлар эмас, балки аниқ фанлар вакиллари кўпроқ фикр-мулоҳаза билдирилар. Каталониялик файласуф Раймонд Луллий (1234-1315) «Умумсанъат» трактатида халқаро мулоқот учун маҳсус ёзув белгилари системасини яратди.

Машхур Ноstrадамус халқлар ўртасида қандайдир шартли мулоқот тилини яратишга катта эътибор қаратиб, бундай мақсадга мавжуд тиллардан бирини танлаш ёки умуман янги бир тил яратиш орқали эришиш мумкин, дейди.

Таниқли олим Исаак Ньютон ҳамда олмон математиги Готфрид Лайбницнинг, машхур француз физиги Андрэ Мари Ампернинг тилшунослик билан шуғулланганликлари ва ягона тил яратиш ҳақидаги ғоялари кўпчилик учун янгилик бўлса керак. Дарвоқе, XVIII асрда Европа саноатидаги буюк ўзгаришлар янги даврни, яъни фабрика, заводлар ва халқаро савдо-сотиқ, янги ерларни босиб олиш даврини юзага келтирди. Бу фанлар тараққиётига таъсир ўтказди. Шу боис ҳам умумбашарий тил яратиш ғоясига турли фан соҳалари вакиллари орасида қизиқиш кучайишига олиб келди.

XIX асрда бир қанча фан ва маданият арбоблари, филологлар, тарихчилар, иқтисодчилар томонидан кун тартибига «умумбашарий тил қандай тил бўлиши мумкин?» деган савол қўйилди. Бу ғояни амалга ошириш мақсадида 1855 йил Парижда тилшунослар жамияти қошида халқаро умумбашарий тилни тарғиб этиш қўмитаси тузилди. Шарл Ренувенинг қўмита йиғилишидаги «XIX асрнинг халқаро тили ҳақида» докладида бу тилнинг «илмий бўлиши, бир вақтнинг ўзида аниқ, содда, енгил, рационал, мантикий, фалсафий, бой, ёқимли, келажакда мукаммаллашувга мойил» бўлиши кераклиги таъкидланган. Ушбу мавзудаги таклиф бутун Европа илмий жамиятларига юборилади. Орадан кўп вақт ўтмай умумбашарий тил яратиш ғояси кўпчилик олимлар дикқатини ўзига тортид ва улар ўз лойиҳаларини халқаро жамият муҳокамасига қўя бошлидилар.

Булар орасида биринчи бўлиб кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган лойиха бавариялик полиглот (баъзи манбаларга кўра, у 50-70 тилни билган экан) олим Йоханн Мартин Шлайер (1831-1912) лойиҳаси эди. Унинг «Волапюк лойиҳаси» (Умумбашарий тил лойиҳаси) аралаш типдаги тил ҳақида бўлиб, тез орада кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. Бир қанча мамлакатларда волапюкчилар жамиятлари, курслар ташкил қилинди. Италия ва Венада кўплаб мактаб, техника олий ўқув юртларида ўқитувчилар тайёрлаш бошланди. Махсус тўгараклар ташкил топди. Россияда 30 га яқин журнал ушбу тилда чоп этилди. Ҳатто Япония ва Хитойда волапюк тилида луғатлар чоп этилди. Волапюкчиларнинг «Ягона инсониятга – ягона тил» шиори кўп тилларга таржима қилиниб, тарғибот этила бошланди. Бу шиор кўпчиликни чўчитиб ҳам қўйди. Она тилимизга нима бўлади, дегувчиларнинг сони кўпайди. Шунинг учун 1886 йилнинг 4 апрелида «Констанцер тагеблатт» газетасида қуидагилар ёзилганди: «Шлайернинг умумбашарий тили ҳеч қандай табиий ва тирик тилни алмаштириш ниятида эмас. Афсус, кўплар буни тушуниб етишмаяпти, унинг мақсади халқаро савдо-сотиққа, алоқаларга, сигналларга, денгизчиларга енгил алоқа қуроли беришдир». Шунинг учун ҳам бу тил Германияда «халқаро тушуниш воситаси» дейилса, Францияда «халқаро савдо-сотиқ тили» деб юритилади.

1887 йилга келиб Европа газета журнallарида Волапюкни ёқлаб 500 га яқин тақриз чоп этилди.

Тарихда ҳеч қандай лойиҳа бундай тезлиқда тарқалган эмас. Шунга қарамай, лойиҳанинг илмий ва ижтимоий асослари бўш бўлганлиги туфайлими ёки кўпроқ утопияга берилганлиги сабаблими, жаҳон бўйлаб тарқалиб кетмади.

Шу орада яна бир лойиҳа жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Бу 28 ёшли варшавалик кўз шифокори Людвиг Лазар Заменхоф лойиҳаси эди. У 1887 йили доктор Эсперанто («умидли, умид қилувчи») тахаллуси билан «Халқаро тил» лойиҳасини эълон қилди. Заменхоф лойиҳаси Шлайер тилидан ўзидағи луғат составининг реаллиги, асосан Европа тилларидан ўзлаштирил-ганлиги, ўта соддалиги, грамматикасининг оддийлиги, жами 16 қоидага жойлаштирилганлиги билан ажralиб туради.

Бу тилга жаҳонда катта қизиқиш уйғонди. Халқаро эсперанто ҳаракатлари ташкил топди. Юзлаб кундалик нашрларда бу тилда мақолалар чоп этилди. «Эсперанто калити» номли қисқача дарслик-қўлланма 40 тилда чоп этилди. Лондондаги эсперанто кутубхонасида бу тилда чоп этилган 30 минг нусхага яқин турли хил матн мавжуд. Кўплаб мактаб ва университетларда эсперанто ўқитилди. Лекин бу лойиҳа ҳам ривожланмади. Бунинг сабабларидан биринчиси унинг фақат Европа тилларига асосланганлиги бўлса, иккинчиси диний моҳиятга, мазмунга эга бўлганлигидир. Лойиҳа муаллифининг фикрича, дунёдаги миллий ихтилофларнинг барчаси умумбашарий ягона дин барпо этилгач бартараф бўларкан.

Эсперанто тарафдорлари орасида секин-аста келишмовчиликлар юзага келди, оқибатда улар асосан икки гурухга бўлиниб кетишиди. Ажralиб чиққан гурухга бир вақтлар қўмитани эсперанто лойиҳаси билан

таништирган олим Лунде Бафрон бошчилик қилди. У ўзининг «Идо» (яъни «авлод, насл») номли янги лойиҳасини тузди. Эсперанто ва Идо орасида луғат таркиби, грамматик қурилишлар борасида анча фарқ бор эди. «Идо»чилар ҳам 1909 йили ўз уюшмаларини туздилар, ғояларини дунё бўйлаб турли йўллар билан тарғиб қилдилар. Лекин бу лойиҳа ҳам умумбашарий тилга айланмади.

Демак, инсоният аллақачонлардан буён умумбашарий тил яратиш харакатида.

Лекин бу орзунинг амалга ошиши, юкорида кўрсатга-нимиздек, осон эмас. Миллий ғуурурдан, миллий тарихдан, миллий психологиядан ва миллий урф-одатдан тортиб, миллий, диний қадриятлар сингари бир қанча бошқа факторлар бундай лойиҳаларни қабул қила олмайди. Лекин бу дегани миллатлар ва тиллар орасидаги тўсиқларни ҳеч қачон енгиб бўлмас экан-да, дегани эмас. Кун сайин миллатлар, мамлакатлар орасидаги масофа илмий, техникавий, иқтисодий алоқалар ёрдамида тез суръатларда яқинлашиб бормоқда. Агарда ривожланиш шу тарзда кетаверса, жаҳон фанининг тили, дунё техника ва иқтисодиёт тили XXI асрнинг охирларига бориб қай кўринишида бўлар экан, деган савол ҳаммамизни ўйлантиrsa керак.

Шунинг учун тараққий этган мамлакатлар тилидаги атамалар билан она тилимиздаги атамаларни унификация қилиш ғояси, назаримизда, «умуминсоний тил»ни яратиш ғоясидан долзарброқдир. Ҳозирги кундаги илмий-техник, иқтисодий тараққиёт худди шу масалани тўғри ва тез ечишни тақозо этмоқда. Қолаверса, бу билан келажакдаги фан-техника тилини яратишга тамал тоши қўйилиши мумкин. Дарвоқе, илм-фан дунёси учун тарқоқ, тартибсиз суратда юзага келаётган атамалар тўпламидан кўра, ягона тартибга солинган илмий тилни яратиш мақсаддага мувофиқдир. Тартибсиз атамалар фанинг ривожига салбий таъсир кўрсатиши, бунинг акси бўлган тартиб, аниқ шаклланган атамалар фан ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Шу сабабли чет тилларидан ўзлаштирилаётган атамаларни икки йўл билан унификация қилиш мумкин:

- а) атамаларнинг маъноларини унификация этиш
- б) атамаларнинг ҳам маъноларини, ҳам шаклларини унификация қилиш.

Биринчи йўл қўпчилик учун тушунарли ва маъқул бўлса, иккинчи йўлнинг тарафдорлари ва унга бетарафлар мавжуд, чунки баъзи олимлар чет тилидан кириб келган сўзларни бирдан қабул қила олмайдилар. Лекин тилимиз ва фанлар тарихи шуни кўрсатадики, чет тилидан кириб келган сўз ва атамалар вақтлар ўтиши билан шу даражада ўзбекчалашиб кетар эканки, баъзан улар чет тилидан кирган сўзга ўхшамай ҳам қолади. Масалан, ўзбек тилига кириб колган чет тилидаги сўзлар - чой, чойхона, патнис кабилар ўзбеклар учун ўз сўзларидек, рус тилига чет тиллардан кириб қолган хлеб, буква, собака, кошка сўzlари руслар учун ҳақиқий рус сўзларидек туюлади.

Ўзбек тилида ишлатиладиган аббревиатура, абстракция, агглютинация, адресат, аксиома, алгоритм, алфавит ва бошқа минглаб атамалар рус, олмон, инглиз тилларида бир хил шакл ва мазмунга эга.  
Солиширинг:

русча	инглизча	олмонча:
аббревиатура	abbreviation	Abbreviatur
абстракция	abstraction	Abstraktion
агглютинация	agglutination	Agglutination
адресат	adresser	Adressat
аксиома	axiom	Axiom
алгоритм	algorithm	Algorythmus

## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Маълумки, тил ўз табиатига кўра ниҳоятда мураккаб ва қўп қиррали ҳодиса бўлганлиги учун уни ўрганишда турли методлар қўлланилган.

Метод термини грек тилидан олинган бўлиб, «тадқиқот, таълимот, билиш йўли» маъноларини англатади. Методлар умумий ва маҳсус методларга ажратилади. Умумий методлар умумфалсафий характерга эга бўлиб, ҳаётдаги истаган нарса ёки ҳодисани билиш ва тушунтириш йўлини англатади. А.С Чикобаванинг ёзишича, «Маҳсус метод эса, айрим фанга хос бўлиб, бу фанни объектив ўрганиш жараёнида яратилади. Маҳсус методлар турли фанларда турлича бўлади. Масалан, қиёслаш методи илмий метод сифатида умумий бўлиб, фақат тилшуносликда эмас, балки бошқа фанларда ҳам қўлланилади».

Метод, методика ва усул атамалари баъзан бир хил маънода ишлатилади. Аслида, методика атамаси тадқиқотчининг амалий равишда ишлаш системаси бўлиб, у фактларни тўплаш, ўрганиш ва умумлаштириш усусларини назарда тутади. Методика тил бирликларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, чоғиштириш, классификация қилиш, карталаштириш, амалда синаб кўриш бўлса, метод – ҳақиқатни билиш йўлидир. Тилларни ўқитиши методикаси, усули кўпроқ амалий мақсадларни кўзда тутади.

Тилни илмий тадқиқ қилишда кўпроқ қуидаги методлар қўлланилади:

### Тасвирий метод

Бу энг қадимий методлардан бири бўлиб, тил системасига кирувчи элементларни тасвиirlаб, қўрсатиб бериш билан бирга, ўша элементларни таҳлил қиласди ва ижтимоий функциясини ўрганиш учун қўлланади. Бу метод асосида тилнинг фонемалар системаси, морфема тузилиши, гармматик категориялари, сўз маънолари ва гап турлари ўрганилади, таҳлил қилинади, тилнинг ички қурилиши, тил системасини ташкил этган элементлар

орасидаги муносабатларни ўрганишга катта эътибор берилади. XX асрда бу метод лингвистик экспериментлар қўллаш йўли билан мустаҳкамланиб борди, чунки эксперимент мураккаб кузатишларнинг сифатини таъминлайди. Лингвистик эксперимент методини тилшуносликда биринчилардан бўлиб Л.В.Херба қўллаган (1974).

### **Таксономик (структурал) метод**

Бу метод тасвирий методнинг сифат жиҳатидан бошқача, ривожланган босқичи ҳисобланади. Тил фактларини ва тилларни илмий асосда классификация қилиш, бир ва бир неча тиллардаги ҳодисаларнинг ўхшаш томонларини қиёслаб ўрганиш таксономик метод асосида амалга оширилади. Бу метод дастлаб зоология ва ботаникада қўлланган, кейинроқ эса тил иерархик (кетма-кет, поғонама-поғона), уюшган система бўлганлиги учун лингвистик кузатиш доирасига кирди. Бу методнинг асосий вазифаси тил ёки тиллар системасини тасвирлашdir.

Таксономик ва тасвирий метод ўртасида жиддий фарқ бўлса ҳам, бири иккинчисига суюнган ҳамда асосланган ҳолда ривожланади. Тасвирий метод тил ҳодисаларини реал кузатган ҳолда иш кўрса, таксономик метод тил системасини тасвирлашга даъват қиласи, шунинг учун ҳам бу метод структурал метод деб ҳам айтилади.

Структурал тилшуносликда тил системасини ташкил этган элементлар, бирликлар орасидаги муносабат ўрганилади. Бу метод учун тилнинг структурал аспекти аҳамиятли бўлиб, тил назариясини яратишда, умумий тилшунослик фанининг предметини аниқлашда таянч метод ҳисобланади.

### **Коммутацион анализ методи**

Бу метод тил бирликларидан мазмун плани ва ифода плани муносабатларини ўзаро алмаштириш жараёнида уларни товуш бирликларидан ажратишни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйган. Масалан, юз-юв-юр-ют, олмон тилида Tuch-Buch сўзларининг боши ва охиридаги товушлар алмаштирилса, бошқа сўзлар ҳосил бўлади.

### **Дистрибутив анализ методи.**

Бу метод турли хил тил бирликларининг дистрибуцияси, яъни қўлланиш ўрни, жойлашиши турлича бўлади, деган назарияга асосланиб, тил системасини ташкил этган элементларнинг қўлланиш ўрни ва уларнинг ўзаро бирикиш қонунларини ўрганади. Дистрибутив анализ тил элементларининг ўзаро жойлашуви ҳамда уларнинг алоқадорлигини ўз ичига олади. Дистрибутив анализ тил системасининг фонологик, морфологик ва синтактик сатҳларини ўрганишда қўлланиши мумкин. Тил элементларининг дистрибуцияси бирон бир элементнинг бошқа бир элемент билан бирикиш

усуллари, қаерда, қайси ҳолда ва қандай қўлланиш доираси йигиндисидан иборат.

### **Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи**

Бу метод тил бирликлари орасидаги муносабат ва бу бирликларнинг қандай жойлашишини ўрганади. Тилдаги энг кичик бирлик фонема, улар нутқда энг кичик сегмент, яъни товушларда намоён бўлади. Фонология икки поғонадан иборат бўлиб, энг кичик бирликлар текширилувчи поғона сегментал фонология, фонемадан катта бўлган тил бирликларига тегишли бўлган хусусиятларни ўрганувчи поғона суперсегментал фонология деб аталади.

Бу метод гапнинг синтактик структурасини, гап бўлакларининг муносабатини ва тил бирликларини ўрганишда улар қандай бирликлардан тузилганлигини аниқлашда катта ёрдам беради.

### **Трансформацион анализ методи**

Бу метод ҳозирги замон тилшунослигига, хусусан, синтактик ва стилистик тадқиқотларда энг қўп қўлланиладиган метод ҳисобланади. Инглиз тилшунослигига бу метод батафсил ишлаб чиқилган. Методнинг хусусиятларини очиб беришда америка тилшуноси Ноам Хомский ва З.Харриснинг хизматлари катта.

Трансформацион анализнинг асосий мақсади тилда мавжуд бўлган гапларнинг ядро гаплардан тузилганлиги, улардаги чукур ва юзаки структуralар муносабатини ўрганишdir. Тил конструкциялари маъносини текширишда ҳам бу метод қўп қўлланади. Масалан, ўқиган, ўқиб чиқсан, томонидан ўқилган, олмон тилида las-hat gelesen-von j-m wurde gelesen бирликлари иштирок этган гаплар мазмуни бир хил, факат трансформация элементлари кўриниб турибди.

### **Лингвогенетик методлар**

Бу методлар диахроник методга асосланган бўлиб, ўз олдига айrim тиллар ёки қариндош тиллар тарихини ўрганишни асосий вазифа қилиб қўяди. **Буларга тарихий ва қиёсий-тарихий методлар, ички реконструкция методи, нисбий хронологик ва глоттохронолик методлар хамда лингвистик география методлари киради.**

Тарихий метод қиёсий-тарихий метод доирасида вужудга келган. Бу метод орқали бир тил ичидаги тил воситалари, уларнинг ривожланиш босқичлари қиёслаб ўрганилади ва натижада тил бирликлари реконструкция (қайта тикланиш) қилинади, содир бўлган ўзгаришларнинг сабаб ҳамда оқибатлари очиб берилади. Ҳар иккала метод ҳам тарихийлик ва чоғиштириш принципларига асосланади.

Қиёсий-тариҳий тилшунослиқда тил системаларининг бир- бири билан муносабати тил элементларининг субстанцияси, яъни ифода ва маъносига асосланиб ўрганилади, масалан, тилларнинг қариндошлиқ муносабати тил бирликларининг ифода ва маъноси бир-бирига мос келиши ёки мос келмаслигига асосланади. Демак, қиёсий-тариҳий метод ўз табиатига кўра субстанционал метод бўлиб, Ю.В.Рождественскийнинг ёзишича, у «тилларнинг қарин-дошлиқ муносабатини аниқлашда, қариндош тилларнинг тариҳий тараққиёт қонунларини ўрганишда, тил фактларини қайта тиклашда, тил бирликларини, сўзларнинг этимологиясини ўрганишда жуда қулай ва ишончлидир». Бунда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, қиёслаш учун фактлар фақат қариндош тиллардан, яъни генетик бирликка эга бўлган тиллардангина олинади. Масалан, Ҳинд-Европа тил оиласидаги қатор сўзларни қиёслаб кўринг.

Қиёсий-тариҳий метод асосида назарий тилшунослик мустақил фан сифатида ўз фаолиятини бошлади. Бу метод Ҳиндиёндан Европагача бўлган ўзаро қариндош тилларни қиёслаш ва энг қадимги формаларини тиклашга уриниш асосида яратилганлиги учун уни **Ҳинд-европа тилшунослиги** деб аталади. Бу тилшунослик XIX асрда Ҳинд-Европа тилларининг морфологик структураси ва товуш системаси тарихини ўрганишда катта муваффақиятларга эришди, маълум тил оиласидаги қиёсий фонетикаси ва морфологияси яратилди.

### **Ички реконструкция методи**

Бу ниҳоятда эфектив метод бўлиб, унинг моҳияти қиёсий-тариҳий метод ёрдамида қариндош тилларнинг ривожланиш қонуниятини белгилаш, ёзув қайд қилинмаган даврдаги тил картинасини тиклашдан иборат. Бу методдан фойдаланиб А.Х.Востоков қадимги славян тилидаги кучсиз назал унли фонема табиатини очиб берган.

Лингвогенетик методлар ичида **нисбий хронологик ва глоттохронологик методлар** хам вужудга келди.

**Нисбий хронологик метод** қандайдир икки тил ҳодисасидан биттасининг пайдо бўлиш нуқтai назаридан олганда иккинчисидан устиворлигини аниқлашга хизмат қиласи. Рус тили тариҳий грамматикаси бу методдан учта палатал (юмшоқ) тил орқа ундош товушидан қайси бири биринчи, қайсилари иккинчи, учинчи деган фактни аниқлаш учун фойдаланди.

**Глоттохронологик метод** яқин вақтларда пайдо бўлган. Бу метод тилда ўзгаришлар қандай тезлик билан пайдо бўлади ва бу тезлик доимийми, деган муаммо билан шуғулланади. Бу метод муаллифи америкалик олим М.Сводеш энг муҳим тушунчаларни англатадиган, ҳамма қариндош тилларда учрайдиган ва узоқ адабий традицияга эга бўлган барқарор сўзлардан 100 тасини танлаб текширганда, минглаб йиллар давомида бу сўзларнинг 14 %

игина ўзгарганлиги аниқланди. Деярли барча тиллардаги ўзгаришлар фоизи шундайлиги исботланди.

**Лингвистик география методи** тилнинг макон ва замон билан боғлиқ аспектини ўрганади ва изоглосса тушунчасига аосланади (лот. изо-бир хил, глосо-сўз). Изоглосса тил ва диалектлар, топонимик ва гидронимик ареаллар чегарасини белгилаш муаммоларини ҳал қилиш учун хизмат қиласи. Ўзбек тилшуноси А.Шерматовнинг ёзишича, «Лингвистик география тил ҳодисаларининг тарқалиш чегараларини аниқлади... Лингвогерграфияда диалектлар ва шевалар чегараси бутунича аниқланади, айрим фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларнинг жойлашиш ўрни белгиланади ҳамда тилнинг диалектал бўлиниш картинаси ва диалектлар зонаси аниқлаб чиқилади».

### **Типологик методлар**

Бу методларнинг моҳияти шундаки, тил структурасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар тилнинг ўзи мансуб бўлган генетик жиҳатлар билан қиёсланади. Бу методнинг юзага келишига асосий сабаб шуки, ҳамма тиллар ички томондан ўхшаш, фақат ташқи томондан фарқли бўлади, чунки уларнинг ички структураси асосида бир хил принцип ётади.

Тилларни типологик ўрганишнинг мақсадларини аниқлашда классификацион, характерологик, белгига мослик ва ички система каби турли ёндашувлар мавжуд.

**Классификацион ёндашув**нинг моҳияти шундан иборатки, дунёдаги барча тиллар ўзларининг маълум бир белгиси билан бошқа тиллар типи, гуруҳидан фарқланади, бунинг натижасида **тилларнинг морфологик ва синтактик (типологик) классифика-цияси** юзага келди. Бу классификация тилларнинг келиб чиқиши, тарихи ва қариндошлик муносабатлари билан қизиқмайди, балки тилларни уларнинг грамматик, асосан морфологик хусусиятларини, аникроғи ўзак ва аффиксларини қарама-қарши кўйиш асосида қиёслаб ўрганишга асосланади. Морфологик классификация асосида тил типлари ажратилади. Масалан, аналитик, агглютинатив, синтетик ва флексив ва бошқалар. Синтактик нуқтаи назардан тиллар номинатив, посессив, эргатив, актив қурилишга эга бўлган ва бошқа тилларга ажратилади.

**Характерологик ёндашув** орқали ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари синхрон ҳолатда аниқланади, қиёсланаётган тилларнинг барчаси бир тил призмаси нуқтаи назаридан олиб талқин қилинади.

Белгига хос ёндашув орқали алоҳида тил ҳодисаларининг типологияси ва ярусларини яратиш назарда тутилади. Булар, масалан, фонетик типология, синтактик типология ва ҳоказолардир.

**Ички система** асосида ёндашув орқали ҳозирги тилдаги айрим ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар текширилади.

Типологик метод қиёсий-тарихий методни кучайтириш ва тўлдириш учун хизмат қиласи, уларни керакли фактлар билан қайта қуроллантиради. Қиёсий-тарихий метод бир оиласа киравчи тилларни қиёсласа, типологик метод турли оиласар ва системаларга хос бўлган тилларни қиёсий ўрганади. Хорижий тилларни ўрганиш жараёнида ундаги фонологик, грамматик ва стилистик хусусиятларни она тили билан чоғиштириш **қиёсий типологик метод** деб аталади.

Хозирги замон тилшунослигига лингвистик универсалияга катта эътибор берилмоқда. Типологиянинг пировард мақсади жаҳон тилларига хос бўлган умумий, универсал қонуниятларни топишдир.

### **Моделлаш ва статистик анализ методлари**

Хозирда кенг жабха бўйлаб хизмат қилаётган ва оммалашаётган бу методларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу методлар ҳар қандай метод билан алоқа қилиш ва унда ўзлаштирилган сўзларни яққол ифодалаш имкониятига эга. Структура тўғрисидаги баъзи бир содда тасаввурлар ва текширилаётган аниқ система функцияси модел деб аталади. Модел аниқ қоидалар асосида яратилади, параметр, структура, хусусият тўғрисида турли хуносалар чиқариш имконини беради. Бу методга қизикиш тилшунослиқда тил системасини аниқлаш имконини берувчи жуда кўплаб тил моделларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу **комбинатор-статистик, назарий кўплик, трансфор-мацион** ва бошқа моделлардир. Рустишунослигидаги Т.В.Булигинанинг «Морфологик модел назариясининг проблемалари» (1978), А.М.Мухиннинг «Гап структураси ва унинг модели» (1968) асарлар бу соҳани ривожлантириди.

### **Коммутацион анализ методи**

Бу метод орқали тил бирликларининг шакл планидаги ўзгаришларнинг ифода планида ёки ифода планидаги ўзгаришларнинг шакл планида бевосита акс этиш қонуниятлари очиб берилади. Бу метод инвариант ва вариантлар ўртасидаги фарқларни аниқлашда ва қўллашда катта аҳамиятга эгадир. Шу жиҳати билан бу метод субституция методига жуда яқин туради, чунки субституция методи ҳам тил бирликлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни белгилаб, уларнинг функционал нуқтаи назардан бир-бирини алмаштира олиш имкониятларини контекстга асосланган ҳолда аниқлаб, нутқда қўлланиш жиҳатларини ўрганади.

Гуманитар фанлар орасида лингвистика биринчи бўлиб математикага мурожаат қилди. Тил бирликларининг умумлаштирувчи характери, ундаги системалик ҳозирги математик методларнинг самарали бўлишига замин ҳозирламоқда. Натижада математикага оид ишларнинг йифиндиси сифатида математик лингвистика пайдо бўлди. Математиканинг турли бўлимларига

татбиқ қилиш учун лингвистик фактлар текши-рилмоқда ва тасвирлаб берилмоқда. Алгебра, эҳтимоллик назарияси, математик логика, назарий информация, математик статистика кабилар шулар жумласидандир. Булар орасида эҳтимоллик назарияси ва математик статистика тилшунослик билан яқин.

Хозирги замон тилшунослигига тил ва нутқ бирликларини математик ҳамда кибернетик усул ёрдамида тадқиқ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Эндиликда назарий ва амалий тилшунослиқда статистик тадқиқ методи ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлмоқда. Тиллар функционал стилларининг график, фонологик, лексик, грамматик статистикасини амалга ошириш, айrim ёзувчилар асарларини лингвостатистик тадқиқ қилиш, бундай тадқиқотларда, албатта, компьютер технологиясидан фойдаланиш кенг авж олмоқда. Лексикани статистик асосда ўрганиш частотали луғатлар яратишнинг амалий натижаси ҳисобланади. Алфавит бўйича частотали луғатлар у ёки бу тилнинг оғзаки ва ёзма нутқида сўз қўлланиши ҳақида амалий маълумот беради. Бундай луғатлар назарий ва амалий тилшуносликнинг қудратли қуроли ҳисобланади.

Тезауруслар тузишда замонавий методлар қўлланилмоқда. Ю.Н.Карауловнинг ишлари бунга мисол бўла олади.

Юқорида муҳтасар қилиб ёритилган методлар тарихи ва тақдирлари ҳар хил. Уларнинг қўлланиш усуллари ҳам бир хил эмас.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдуазизов А.А. Элементў обҳей и сравнительно-типологической фонологии. Т., 1981
2. Авалиани Ю.Ю. Исследование в области сложного глагола в глагольной фразеологии. Автореф. докт. дис. Тбилиси, 1969
3. Амосова Н.Н. Основў английской фразеологии. Л., 1963
4. Апресян Ю.Д. Идеи и методў современной структурной лингвистики. М., 1966
5. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского язўков. М., 1970
6. Архангельский В.Л. Устойчивёе фразў в современном русском язўке. Ростов-на-Дону. 1964
7. Ахманова О.С. Очерки по обҳей и русской лексикологии. М., 1957
8. Бабкин А.М. Русская фразеология, ее развитие и источни-ки. Л., 1970
9. Баранов М.А., Сороков А.С., Абдуазимов А.А.. Умумий тилшунослик Т.1979
10. Бархударов Л.С. Русско-английские параллели. М., 1972
11. Э.Бенвенист. Уровни лингвистического анализа. –В кн.: Новое в лингвистике. Вўп. 4, М., 1965
12. Бердиёров Х., Хўжаев Т., Йулдошев Б. Умумий тилшунос-лик. Т., 1990
13. Буранов Ж.Б. Сравнительная типология английского и тюркских язўков. М., 1983

14. Бушай А.М. Очерки о фразеологической и фразеографи-ческой концепции профессора Мухтара Умарходжаева. Андижан, 2009
15. Виноградов В.В. Избраннүе трудў. Лексикология и лекси-кография. М., 1977
16. Виноградов В.В. Всегда ли система системна? – В кн. Система и уровни язўка. М., 1969
17. Вопросў художественного перевода. Сб. М., 1955-1990
18. В.Гак. Сравнительная типология французского и русского язўков. М., 1977
19. Гвоздарев Ю.А. Основў русского фразеообразования. Автореф.докт.дис. Л., 1978
20. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующо́го подхода FF ВЯ, 4, 1994. - С.17-31.
21. Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. М., 1974
22. В.М.Жирмунский. О синхронии и диахронии в язўкозна-нии. ВЯ, 1958
23. Звегинцев В.А. История язўкознания XIX-XX века в очерках и извлечениях. М., 1964.
24. В.А.Звегинцев. Проблема знаковости язўка. М., 1956
25. В.А.Звегинцев. Человек и знак. 1967
26. Караполов Ю.Н. Обҳая и русская идеография. М., 1976
27. Касарес Х. Введение в современную лексикографию. М.,1958
28. Кодухов В.И. Обхее язўкознание М., 1973
29. Кодухов В.И. Методология науки и методў лингвисти-ческого исследования. С-П.,1967
30. Кубрякова Е.С. Начальнүе этапў становления когнитивизма: лингвистика - психология - когнитивная наукаFF ВЯ, 4, 1994. - С. 34-47.
31. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивнўх терминов. М., 1996. 245 с.
32. Кунин А.В. Основнүе понятия английской фразеологии и создание англо-русского фразеологического словаря. Автореф.докт.дисс. М., 1964
33. Кунин А.В. Английская фразеология. М., 1970
34. Лакофф Дж., Г.Томпсон. Представляем когнитивную грамматику. М.,1985
35. Лангакер Р. Основў когнитивной грамматики. М.,1987
36. А.А.Леонтьев. И.А.Бодуэн де Куртенэ и петербургская школа русской лингвистики. ВЯ, 1961
37. Мастерство перевода. Сб. М., 1959-74
38. Минина Н.М. Лексико-семантическая глагольная система современного немецкого язўка. Автореф.докт.дисс. М., 1975
39. А.Нурмонов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., 2002

40. Обхее язўкознание. Внутреняя структура язўка. Под ред. Б.А.Серебренникова. М., 1972
41. Обхее язўкознание. Отв. редакт. акад. АН СССР Б.А. Серебренников, М. 1970.
42. Обхее язўкознание. Методў лингвистических исследо-ваний. М., 1973
43. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. М., 1968
44. Рахматуллаев Ш. Некотороёе вопросў узбекской фразеоло-гии. Автореф.докт.дисс. Т., 1966
45. Рецкер Я. О закономернўх соответствиях при переводе на родной язўк. М., 1950
46. Рождественский Ю.В. Типология слова. М., 1969
47. Рождественский Ю.В. Лекции по обхему язўкознанию.
48. Ройзензон Л.И. Лекции по обхей и русской фразеологии. Самарканд, 1973
49. Саломов F. Тил ва таржима. Т., 1966
50. Саломов F. Таржима назарияси асослари. Т., 1983
51. Скребцова Т.Г. Американская школа когнитивной лингвистики F Послесл. Н.Л. Сухачева. СПб., 2000
52. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Т., 2004
53. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Автореф.докт.дисс. Т., 2005
54. Солнцев В.М. Язўк как системно-структурное образование. М., 1977
55. Соссюр Ф. де. Трудў по язўкознинию. М., 1974
56. Н.А.Слюсарева. Лингвистическая концепция Ф. де Соссюра. М., 1968
57. Степанов Ю.С. Методў и принципў современной лингвистики. М., 1975
58. Степанов Ю.С. Основў обхего язўкознания. М., 1975
59. Тетради переводчика. Сб. М., 1960-1966
60. Усмонов С. Умумий тилшунослик Т., 1972.
61. Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеографии. Фан, Т., 1977
62. Умарходжаев М.И. Основў фразеографии. Т., 1983
63. Умарходжаев М.И. Принципў установления межъязўковўх эквивалентов при составлении фразеологического словаря. В жн.: Fremdsprachen, Leipzig, 1974
64. Умарходжаев М.И. Рецензия на кн.: «Немецко-русский фразеологический словарь», Л.Э.Биновича в жн.: Fremd-sprachen, Leipzig, 1976
65. Умарходжаев М.И. Современнўе проблемў фразеографии. ВЯ, М., 1979
66. Умарходжаев М.Э. Центр и периферия во фразеологии. Известия АН. Серия и литературў и язўка. М., 1980. т.39, вўп 2, стр.147-152

67. Унгерер Ф., Х.-Й.Шмидт. Введение в когнитивную лингвистику, М., 1996
68. Федоров А.В. Использование лингвистического эксперимента при изучении некоторых вопросов синтаксиса|| «Русский язык в школе», 1969, № 1.
69. Филлмор Ч., У.Чейф. Дискурс, сознание и время. М., 1994.
70. Чейф У.Л. Значение и структура языка. М., 1975
71. Чернушева И.И. Фразеология современного немецкого языка. М., 1970
72. Чикобава А.С. Проблемы языка как предмета языкоznания. М., 1959
73. Чуковский К. Высокое искусство. М., 1941
74. Шанский Н.М. Фразеология современная русского языка. М., 1969
75. Шарипов Ж. Узбекистонда таржима тарихидан. Т., 1967
76. Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик категорияси диалектикаси ва унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. Автореф.докт.дисс. Андижон, 2001
77. Шерматов А. Лингвистик география нима? Т., 1981
78. Херба Л.В. О троеком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкоznании. М., 1961
79. Херба Л.В. Опуть обхей теории лексикографии. В.кн.: Языковая система и речевая деятельность. М., 1974
80. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Т., 1980
81. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 2007
82. Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Автореф.докт.дисс. Т., 2006
83. Харрис З. Метод в структурной лингвистике. М., 1951
84. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкоznанию. М.: Прогресс, 1984
85. W. von Humboldt. Ueber die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluss auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts. Berlin, 1803-35
86. Ch. Bally. Synchronie et diachronie. 1937
87. L.Hjelmslev. Principes de grammaire generale. Copenhagen, 1928
88. Jampelt F. Uebersetzung naturwissenschaftlicher und technischer Literatur. Berlin, 1961
89. F. de Saussure. Cours de linguistique generale. Paris, 1931
90. F. de Saussure. Memoire sur le systeme primitif de voyelles dans les langues indo-europeennes. Paris, 1931
91. F.Bopp. Kritische Grammatik der Sanscrits-Sprache in kurzer Fassung. Berlin, 1834
92. B.Delbrück. das altindische Verbum. Halle, 1874
93. Kade O. Zufall und Gesetzmaessigkeit in der Uebersetzung. Leipzig, 1968

94. Kade O. Subjektive und objective Faktoren im Übersetzungsprozesse. Doktordissertation, Leipzig, 1964
95. Klappenbach R. Probleme der Phraseologie. Leipzig, 1968
96. A.Leskien. Die Deklination im Slavisch-Litauischen und Germanischen. 1876
97. Mounin G. Les Problèmes théoriques de la traduction. Paris, 1963
98. H.Osthoff. Forschungen im Gebiete der indogermanischen nominalen Stammbildung. Jena, 1875
99. H.Paul. Untersuchungen über den germanischen Vocalismus. Halle, 1879
100. H.Paul. Prinzipien der Sprachgeschichte. Halle, 1880
101. Sabory Th. The Art of Translation. London, 1957
102. A.Schleicher. Compendium der vergleichenden Grammatik der indogermanischen Sprachen. Weimar, 1861
103. J.Grimm. Deutsche Grammatik. Berlin, 1898
104. H.Paul. Deutsche Grammatik. 1920
105. H.Paul. Mittelhochdeutsche Grammatik. 1963J.Erben. Abriss der deutschen Grammatik. 1964
106. R.Klappenbach, W.Steinitz. Woerterbuch der deutschen Gegenwartssprache. Berlin, 1961
107. Zgusta L. Manuel of Lexikography. Praha, 1971

**Андижон Давлат тиллар педагогика институти филолог олимларининг илмий ишлари рўйхати**

1. Абдувалиев М.А. Сложноподчинённые предложения с придаточными уступительными в разносистемных языках. Автореф.канд.дисс. Т., 1989
2. Алимов Ш.С. Методика обучения вопросительным предложениям английского языка в национальной (узбекской) аудитории языкового вуза. Автореф.канд.дисс. М., 1985
3. Баратов Р.Г. Раскрытие семантики фразеологизмов русского языка в двуязычном словаре учебного типа. Автореф.канд.дисс. М., 1982
4. В.Воситов. Жахон тилларида полинегативлик ва мононегативлик муаммоси. Автореф. канд. дисс. Т., 2008
5. Жураев Э.Х. Норма во фразеологии и её кодификация в словарях. – Автореф.канд.дисс. М.,1991
6. Джураев К.Ж. Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межфольклорных связей. Автореф. докт.дисс. Т., 1991
7. Жураев К.Ж. Таржима санъати. Т., 1980
8. Поэтика перевода поэм «Алпамуш». Андижан, 2002
9. Исмоилов Ж.И. Семантика оценочных антропонимов в современном французском языке. Автореф.канд.дисс. М., 1979
10. Исхоков Ф.И. Гулханий ва унинг «Зарбулмасал» асари.

- Автореф.докт.дисс. Т.,1998
- 11.Кабилова З. Узбек тилининг фоносемантик воситалари.  
Автореф.канд.дисс. Т., 2008
- 12.Караҳук В.А. Темпоральнүе предложения современного русского язўка. Автореф.канд.дисс. Т., 1978
- 13.Касимова З. Процесс усвоения русской литературой некоторох форм восточной классической поэзии (на материале оригинального творчества С.Липкина и его переводов узбекской лирики). Автореф.канд.дисс. Т., 1994
- 14.Кузин О.А. Русская метафора и практика её перевода на узбекский язўк – Автореф.канд.дисс. М.,1980
- 15.Мамадалиев А. К вопросу о вўражении персонификации в актанной структуре предложения. Автореф.канд.дисс. М., 1982
- 16.Мирзаев К.М. Информационная роль проядка слов в предложениях английской, русской и узбекской научно-технической литературы. Автореф.канд.дисс. М., 1988
- 17.Муминов М.Т. Субстратная топонимия междуречья Тавдў и Исети.  
Автореф.канд.дисс. Свердловск, 1970
- 18.Муминов М.Т. Тюркское язўковое наследие на Среднем Урале.  
Монография. М., 1993
- 19.Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик –хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. Автореф.канд.дисс. Т.,2005
- 20.Назаров К.Н. Сопоставительное исследование фразеологических единиц с ономастическим компонентом немецкого, английского и русского язўков. М., 1980
- 21.Нурматов Т. Фонетические характеристики модификации гласнўх фонем современного немецкого литературного язўка в сопоставлении с узбекским. Автореф.канд.дисс. Тбилиси, 1980
- 22.Позилова Н. Семантика личнўх местоимений в разносистемнўх язўках (на материалах английского, русского и узбекского язўков).  
Автореф.канд.дисс. М. 1994
- 23.Рахимов С. О месте единиц категории отрицания в системе язўка. (на материале некоторох индоевропейских и тюркских язўков) Автореф. канд.дисс. М., 1973
- 24.Рахимов С. Вопросў структурно-типологической характеристики предложения. Монография. Изд. «Фан». Т., 1978
- 25.Рахимов С. Проблема дейксиса как категории сопоставительной лингвистики. Автореф. докт.дисс. М., 1990
- 26.Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемнўх язўках. Монография. Изд «Фан». Т., 1989
- 27.Рахимов М. Унификация средств выражения значения множественного числа имён существительнўх в истории английского язўка.  
Автореф.канд.дисс. Киев, 1980

- 28.Рахимова М.Э. Использование знаний, умений и навёков по русскому язўку при изучении русского язўка учахимися начальнўх классов узбекской школў. Т., 1981
- 29.Рахмонов Т.Я. Типологические особенности сюжета «Чудеснёе дети» в сопоставительном освежении. Автореф.канд.дисс. М., 1990
- 30.Рахмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек халқ оғзаки насрининг эпик мотивлари сифатида. Автореф.канд.дисс. Т., 1997
- 31.Салиев Х.Х. Глаголў с адвербиальнўм значением в современном английском язўке. Автореф.канд.дисс. М., 1977
- 32.Сатимов Г.Х. Типология безличнўх предложений. Монография.Т.,1987
- 33.Симаков Ю.Н. Обучение студентов национальнўх групп неязўковўх вузов научной монологической речи. Автореф.канд.дисс. М.,1978
- 34.Скрўльников Ю.С. Раскрўтие семантики наречнўх фразеологизмов русского язўка в словаре учебного типа. Автореф.канд.дисс. М., 1990
- 35.Солижонов С.О. Силлабическая и акцентная структурў слова в разносистемнўх язўках (сопоставительно-типологические и экспериментально-фонетические исследования на материале английского и узбекского язўков. Автореф.канд.дисс. М., 1982
- 36.Таджибаев Б.Б. Типология отадъективнўх словообразовательнўх цепочек в современном русском язўке. Автореф.канд.дисс. М.,1987
- 37.Тургунова Л.А. Самостоятельная учебная деятельность студентов в курсе «Современнўй русский язўк (на материале лингвистической терминологии). Автореф.канд.дисс. М., 1990
- 38.Умарходжаев М.И. Принципў составления многоязўчного фразеологического словаря. Автореф.канд.дисс. М., 1972
- 39.Умарходжаев М.Э. Основў фразеографии. Автореф.докт. дисс. М., 1981
- 40.Умрзаков Т.Б. Сложноподчиненнўе предложения с придаточнўми дополнителнўми как объект сопоставительно-типологического изучения. Автореф.канд.дисс. М., 1988
- 41.Хошимов Г.М. Сложноподчинённўе предложения в разносистемнўх язўках. Автореф.докт.дисс. Т., 2003
- 42.Эргашев Т. Вўражение категории каузативности в разносистемнўх язўках (на материале английского, узбекского и других язўков). Автореф.канд.дисс. Т., 1990
- 43.Юлдашев Н.Б. Принципў воспроизведения характера в узбекской прозе в их исторической обусловленности. Автореф.докт.дисс.М., 1994
- 44.Қурбонов С. Носир Бухорий форсий девонининг илмий-танқидий матни ва тадқиқи. Автореф.докт.дисс. Т., 2004
- 45.Черепанова Т.П. Методика обучения неподготовленному вўсказўванию в условиях многоязўчия. М., 1988
- 46.Ходжаева М.Х. Категория взаимности в современном английском язўке. Автореф.канд.дисс. М., 1986



## **М У Н Д А Р И Ж А**

Бет

1. Сўзбоши	3
2. Тил. Тилнинг пайдо бўлиши. Тилшунослик Кадимги тилшунослик тарихи (Ҳинд, Юноистон, Араб мамлакатлари тилшуносиги)	5 9
3. Тилшунослик тарихига қисқача назар а) Қиёсий-тарихий тилшунослик б) Тилшунослик фалсафасининг яратилиши. Вильхельм фон Ҳумбольдт назарияси	14 16 18
4. Тилшуносликда натуралистик оқим	20
5. Тилшуносликда психологик оқим	21
6. Ёш грамматистлар (Лайпциг тилшунослик мактаби)	24
7. Тилшуносликда социологик оқим. Ф. де Соссюр таълимотининг асосий қоидалари	25
8. Филология ва тилшунослик а) Олмон филологик мактаби б) Англо-саксон филологик мактаби в) Француз филология мактаби г) Рус филология мактаби (Москва филологик мактаби, Санкт-Петербург филология мактаби, Қозон фонологик мактаби)	27 28 29 29 29
9. Тил ва жамият а) Тилшунослик антиномиялари б) Тилнинг ижтимоий қатламлари	31 32 34
10. Тил, тафаккур ва онг	36
11. Тил системаси ва структураси	37
12. Тил ва нутқ	40
13. Тил ва таржима. Тилшунослик ва таржимашунослик	42
14. XX аср илмий тилшуносиги	55
15. Ўзбекистонда XX аср ўргаларида роман-герман тилшуносигининг шаклланиши	63
16. Ягона умумбашарий тил яратиш тарихи	64
17. Тилшуносликнинг тадқиқот методлари	68
18. Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар	75
19. Андижон Давлат тиллар педагогика институти олимларининг илмий ишлари	79

**”Жаҳон-интер-принт” нашриёти, Андижон, 2010, 76 бет, 500 нусха**